



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДҒОРОВ
Убайдулла МИНҒБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй

Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 25.11.2025 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8,8 босма табок.

Буюртма № 2. Адади 1200.

Баҳоси келишилган нархда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

4

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:

ЯНГИ СУД ТИЗИМИ – ЯНГИ ТАМОЙИЛЛАР

6

ОДИЛ СУДЛОВ ТИЗИМИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

7

ОЧИҚЛИК, ШАФФОФЛИК – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

8

СУДЛАРДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
Қўллашнинг қулайликлари

9

РАҚАМЛИ СУД КОНЦЕПЦИЯСИ:

ЯНГИ ИМКОНиятлар ва халқаро тажриба

10

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

ЖИНОЯТНИ ОЧИШ ЖАРАЁНИДА ЖАБРЛАНУВЧИННИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

12

РОМАНО-ГЕРМАН ВА АНГЛОСАКСОН ҲУҚУҚ
ОИЛАЛАРИГА КИРУВЧИ МАМЛАКАТЛАРДА ПОРА
БЕРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

15

ТАҚРИЗ

ТАДҚИҚОТЛАРГА НУҚТАИ НАЗАР

МОЗИЙДАН САДО

16

ТУРКИСТОН ҚОЗИЛАРИ ҲУҚУҚИЙ
ФАОЛИЯТЛАРИНИНГ ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ АКСИ

18

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

ВАКИЛЛИК ИНСТИТУТИ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

РАҚАМЛАШТИРИШ

20

Тўловга қобилиятсизлик институтида ЭЛЕКТРОН
СУД АМАЛИЁТИ: АФЗАЛЛИК ВА МУАММОЛАР

22

НУҚТАИ НАЗАР

МЕДИАЦИЯ: НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН
ҲАЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМИ

ТАРҒИБОТ

23

МАЪНАВИЯТ БЎЛМАГАН ЖОЙДА..!

24

СУДЬЯ МИНБАРИ

ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАРНИНГ
СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ МУАММОЛАРИ

26

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ
РАҚАМЛАШТИРИШДА ЯНГИ ДАВР

28

ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИ:
ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

30

КЕЛИШУВ БИТИМИ – НИЗОЛАРНИ ҲАЛ
ЭТИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

31

МУҲИМ МАВЗУ

КОНСТИТУЦИЯ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН
ҲАЁТ ГАРОВИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

34

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА
ДАЪВО МУДДАТИ ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ

35

МУТОЛАА

ЭКЗИСТЕНЦИАЛ ВА ҲУҚУҚИЙ
ДРАМАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАҲЛИЛИ

ТАДҚИҚОТ

36

ҲАРБИЙ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА
ДИПЛОМАТИК ҲАМКОРЛИК

38

ЎФИРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

40

СУДЬЯЛИК ЁШ ЦЕНЗИНИНГ
МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

42

ФУҚАРОЛИК СУД ИШ ЮРИТУВИДА
ЭКСПЕРТ ВА МУТАХАССИСЛАРНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ЎРНИ

44

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ИНСТИТУТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

46

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВДА
РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ

48

СУВ МАНБАЛАРИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИ

ТАҲЛИЛ

49

РАҚАМЛИ БОЗОРЛАРДА РАҚОБАТНИ
ТАЪМИНЛАШ: ХИТОЙ ВА ЕИ АМАЛИЁТИ
МИСОЛИДА

52

МЕНИНГ ФИКРИМ

МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИГА
БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

ПРОЦЕСС

54

“ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА ПРИЗНАНИЯ
СДЕЛОК НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ В
НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЕ ПРАВА”

56

ТЕМА ДНЯ

ПЕРЕХОД К ЕУСР: КАК ЦИФРОВИЗАЦИЯ МЕНЯЕТ
МЕХАНИЗМ ДОКУМЕНТАРНОГО АККРЕДИТИВА

ВАЖНАЯ ТЕМА

59

РОЛЬ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНЫХ СЛУЖБ
В ПРОФИЛАКТИКЕ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИЙ
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

60

НОВЫЙ ЭТАП

ПРОБЛЕМЫ ОБУЧЕНИЯ НАВЫКОВ
ЗАКОНОТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В
ВЕДОМСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЯХ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ

REVIEW

62

SCHOLARLY REVIEW OF MONOGRAPH
ON E-COMMERCE REGULATION

63

EXPERT ASSESSMENT OF E-COMMERCE
CIVIL-LAW REGULATION

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИ СУД ТИЗИМИ – ЯНГИ ТАМОЙИЛЛАР

Янги Ўзбекистон суд тизимини тубдан демократлаштириш, бунда судлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш, мустақиллигини амалда таъминлаш жараёнида судьялар ҳамжамияти органларининг фаол иштирокига алоҳида аҳамият қаратилаётгани замирида катта мақсад бор. Бунда судни бугунги кундаги шиддатли ислохотлар талабларига мослаштириш орқали ҳар қандай ҳолатда адолатни қарор топтиришга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантириш масаласи турибди.

Ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси ва бу борадаги халқаро ҳужжатларда белгиланган тамойиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлашнинг асосий кафолатларидан бири самарали фаолият юритадиган судьялар ҳамжамияти органлари ҳисобланади.

БМТнинг Суд органлари мустақиллигига оид асосий принципларида судьялар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, касбий тайёргарлигини ошириш ва мустақиллигини сақлаш мақсадида судьялар бирлашмаларини ёки бошқа ташкилотларни ташкил этиши ва уларга кириши мумкинлиги қайд этилган.

Президентимиз 2021 йил 22 февралда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида **судьялар кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштиришга** қаратилган го'я ва ташаббусларни илгари сурган эди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуслари ўша пайтда кўплаб нуфузли халқаро экспертлар томонидан хайрихоҳлик билан қабул қилиниб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини таъминлашда судьялар кенгашларининг жуда муҳим ўрин тутуши, бундай кенгашларни тузишдан кўзланган асосий мақсад судьялар корпусини ҳар томонлама муносиб номзодлар билан шакллантиришдек ўта муҳим ва мураккаб жараёнларни ташқи босимдан ҳимоя қилиш экани эътироф этилганди.

Айни пайт Ўзбекистон тараққиёти сифат жиҳатидан мутлақо янги бир босқичга ўтилган, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида ҳам муайян ўзгаришлар рўй берди.

Судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг халқаро стандартлари ва ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибасига тўла мос келадиган очиқ, ошқора ва муқобил тизимини яратиш мақсадида мамлакатимиз суд тизими тарихида илк бор судьялар ҳамжамиятининг энг муҳим органларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Унга судьялар ҳамжамиятининг конституциявий органи мақоми берилди.

Судьяларнинг олий малака ҳайъати, судьяларнинг малака ҳайъатлари ваколатларига кирадиган масалалар – судьянинг интизомий жавобгарлиги, судьянинг ваколатларини тўхтатиб туриш ёки муддатидан илгари тугатиш, судьянинг дахлсизлигини таъминлаш, судьялик қасамёди ва судьялар одоб-ахлоқи қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилиш борасидаги фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилди.

Лекин сўнгги йиллардаги ислохотлар динамикаси одил судлов тизимида судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ўрни ва роли, амалий аҳамиятини кучайтириш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Мана шу ҳаётий заруриятдан келиб чиқиб, Президентимизнинг шу йил 24 ноябрдаги “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш

ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида қатор янги вазифалар белгиланди.

Судьялар ҳамжамияти органлари орасида Судьялар олий кенгаши фаолият мезонлари, мақсад ва вазифалари нуқтаи назардан ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Кенгаш конституциявий қоидага мувофиқ, судьялар корпусини шакллантиради ҳамда суд ҳокимияти мустақиллиги принципига риоя этилишини таъминлайди. Шунингдек, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ҳамда судларни молиялаштиришда иштирок этиш каби вазифаларни амалга оширишда асосий ролни бажаради.

Фармоннинг амалий аҳамияти шундаки, у мана шундай муҳим вазифа ва ваколатларга эга бўлган кенгаш фаолиятини умумэътироф этилган халқаро норма ва принциплар асосида ташкилий ҳамда институционал жиҳатдан янада такомиллаштиришга ҳуқуқий асос бўлади.

Ҳужжатда назарда тутилган судьяларни навбатдаги **ўн йиллик муддатга тайинлаш (сайлаш) тартибини бекор қилиб**, судьялик лавозимларига номзодларни дастлаб беш йил муддатга, кейинчалик **муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)** тартиби ўрнатилиши:

биринчидан, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади;

иккинчидан, одил судловга оид халқаро талаб ва стандартларда белгиланган **судьяларнинг алмаштирилмаслиги** принципи таъминланишига олиб келади;

учинчидан, судьялар судьялик фаолиятини амалга оширишида барча тузилмалар ва мансabdор шахсларнинг маъмурий буйруқбозликларидан холи бўлишини таъминлайди.

Бир сўз билан ифодалаганда, судьяни профессионал фаолиятида одил судловни тўлақонли амалга ошириш учун турли ички ва ташқи таъсирлардан холи қилиб, унинг мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлайди. Пировардида судьянинг ўз ишига нисбатан ички ишончи мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Илғор хорижий тажрибаларга кўра, аксарият давлатларда судьялар муддатсиз даврга тайинланиши боис ушбу принцип орқали судьяларнинг пенсия ёшига етгунига қадар ваколатини асоссиз тўхтатиш, муддатидан илгари тугатиш, бошқа лавозимга ўтказиш, қайта тайинлаш бўйича муайян чекловлар белгиланган.

Шунингдек, айрим халқаро стандартларда назарда тутилган судьянинг алмаштирилмаслиги тамойили судьялик ваколати муддатининг қонунда белгиланган асослардан ташқари қайта кўриб чиқилмаслигини англатади.

Бундан ташқари, БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян

Ўзбекистон бўйича ҳисоботида судьяларнинг муддатсиз даврга ўтказишдан олдин 15 йиллик судьялик даврийлиги белгиланганини судьяларга босим ўтказиш ва уларнинг мустақиллигига таъсир кўрсатувчи хавф сифатида баҳолаган. У муддатсиз даврга ўтиш учун битта ваколат муддатида ишлашни тавсия этган.

Номзодни судьялик лавозимга тайинлаш тартиби турлича, хусусан, Озарбайжон ва Грузияда судья дастлаб 3 йил, Беларусь ва Молдовада 5 йил, ушбу муддатдаги фаолияти натижалари асосида узлуксиз муддатга тайинланади.

Фармонда белгиланган судьянинг касбий фаолиятини баҳолашда “ҳалоллик”, “касбий лаёқатлилик” ва “судьялик одоби қоидаларига риоя этиш” талабларининг аниқ мезонларини қонун даражасида белгилаш вазифаси миллий қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқ, яъни судья маънавиятининг энг муҳим категорияларини назарда тутди. Натижада одил судловни таъминлашнинг асосий омиллари қаторида **судьянинг ахлоқий юксалиши, қалбан улғайиши, виждонан покланиши, унинг маънавий камолоти-ни таъминловчи мезонлар мажмуи** ишлаб чиқилиб, қонун ҳужжатларида акс эттирилади.

Шубҳасиз, судья маънавиятининг энг муҳим категорияларини белгилаш ва уларни миллий қонунчиликка сингдириш одил судловнинг маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, одил судловнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ушбу нормаларнинг миллий қонунчиликда акс эттирилиши Судьялар ахлоқининг Бангалор принциплари учинчи тамойили – “ҳалоллик ва виждонлилик судья ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришининг зарур шартлари” имплементациясини таъминлайди. Зеро, одил судлов маънавий-ахлоқий асосларининг мустаҳкам пойдеворини ҳам судьянинг ҳалоллиги, касбий лаёқатлилиги, судьялик одоби қоидаларига риоя этиши сингари муҳим тушунчалар ташкил этади.

Ушбу тушунчаларнинг аниқ мезонлари қонунчиликка киритилиши судьялик касби талаб қиладиган вазифасига содиқликни келтириб чиқариб, унинг жамият олдидаги мажбуриятларини оширади. Судьянинг ўз хизмат вазифаси ҳамда одамлар тақдирига муносабатини ўзгартириб, тизимда коррупция ҳолатларининг олди олинишига эришилади.

Кенгаш таркибини шакллантириш тартиби судьялар ҳамжамияти органлари иштирокини ошириш орқали янада такомиллаштирилади. Жумладан, кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига номзодлар тегишли суд судьялари малака ҳайъатлари томонидан тавсия этилади. Бунда кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига, қанда тартиқсида, судья сифатида камида 7 йил ишлаган судьялар номзоди кўрсатилиши мумкинлиги тўғрисидаги янги тартиб ўрнатилиши, амалдаги қонун ҳужжатларидаги бўшлиқ – кенгаш раисининг аъзоларни қандай мезонлар асосида танлашига аниқлик киритади.

Ушбу нормалар кенгаш таркибини шакллантириш билан боғлиқ қатор халқаро стандартлар ва самарали концептуал моделлар қоидаларига ҳамоҳанг. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қарорига кўра, суднинг мустақиллигини баҳолашда судьялар кенгашига судьяларни тайинлаш тартиби, хусусан тайинлашни амалга оширувчи органларнинг характери суднинг ўзини ўзи бошқарувида долзарбдир. Бунинг учун сиёсий органлар таъсирини камайтириш мақсадида суд корпуси мустақил

равишда ўз вакилларини кенгашга сайлаши муҳимдир. Венеция комиссиясининг таъкидлашича, муайян судьялар кенгаши таркиби бир-биридан фарқ қилиши мумкин, бироқ умумий талабга кўра, унинг камида ярми ўз ҳамкасблари сайлаган судьялардан ташкил топиши лозим.

Судьялар орасидан кенгаш аъзоллигига номзодлар Украинада судьялар съезди, Литвада судьяларнинг умумий мажлиси, Грузияда судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан сайланади.

Қайд этилганларга кўра, қонунда кенгаш аъзосига нисбатан талабларни белгилаш, аъзолликка номзод тегишли судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан кенгашга тақдим этилиши ва муносиб деб топилган муқобиллик асосидаги номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президентига тавсия этилиши тартиби муҳим ҳисобланади.

Фармонда белгиланган вазифалар ижроси, хусусан, кенгаш аъзоларини танлаш мезонларининг қонунчиликда аниқ назарда тутилиши номзодларнинг объектив, шаффоф ҳамда адолатли танлашини таъминлашга хизмат қилади.

Судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган навбатдаги янги демократик тамойил бево-сита судьялар малака ҳайъатлари ҳамда судьялар олий малака ҳайъатларига қўшимча ваколатлар берилиши билан боғлиқ. Яъни Судьялар олий кенгашининг судьялик лавозимларига номзодлар бўйича хулосалар қуйидаги судьялар ҳамжамияти органлари томонидан тақдим этилишини назарда тутди:

– судьялар малака ҳайъатлари – ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маъмурий судлари судьялари, ҳудудий ҳарбий судлар, туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига номзодлар бўйича;

– Судьялар олий малака ҳайъати – Олий суд судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маъмурий судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига номзодлар бўйича янги тартиб ўрнатишмоқда.

Мазкур нормалар судьялар ҳамжамияти органлари жамоатчилик асосида фаолият юритадиган судьялар малака ҳайъатлари ва судьялар олий малака ҳайъатлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун уларнинг масъулиятини оширади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фармонда белгиланган янги демократик тамойиллар судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш орқали уларнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнида давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари иштироки ва аралашувини кескин камайтиришга олиб келади.

Натижада судьялар ҳамжамияти органлари ва унинг муайян тузилмалари ўзининг энг муҳим фундаментал функциясини – судьяларнинг манфаатларини тўлақонли ифодалаш имконини ошириб, янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади – жамият ҳаётида адолат ўрнатилишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Холмўмин ЁДГОРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси.



ОДИЛ СУДЛОВ ТИЗИМИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Жорий йилнинг 24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-227-сонли фармони қабул қилинди.

Фармоннинг суд мустақиллигига оид илғор стандартларни жорий этиш ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини такомиллаштириш номли 2 бандига кўра, унда судьялар олий кенгашининг қонунчиликка судьянинг алмаштирилмаслигига оид тамойилни киритиш бўйича қуйидаги таклифларига розилик берилган:

а) судьяларни навбатдаги ўн йиллик муддатга тайинлаш (сайлаш) тартибини бекор қилиб, судьялик лавозимларига номзодларни дастлаб беш йил муддатга, кейинчалик муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартибини белгилаш;

б) туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни аниқ мезонларга кўра судьялар орасида очиқ танлов асосида танлаш тартибини ўрнатиш;

в) судьянинг касбий фаолиятини баҳолашда “ҳалоллик”, “касбий лаёқатлилиқ” ва “судьялик одоби қоидаларига риоя этиш” талабларининг аниқ мезонларини қонун даражасида белгилаш.

Ушбу таклифлар киритилишига сабаб бўлган омиллар масаласига тўхталиб ўтадиган бўлсак, амалда қўлланиб келинган навбатдаги ўн йиллик муддатга тайинлаш амалиётининг бекор қилиниши судьянинг ҳар ўн йилда қайта тайинланиши билан боғлиқ ортиқча жараёнларни бартараф этиш ва унинг мустақил фаолиятини янада кафолатлашга қаратилган.

Янги тартибга мувофиқ, судьялик лавозимига номзодлар аввало беш йиллик дастлабки муддатга тайинланади. Ушбу давр синов босқичи сифатида баҳоланиб, номзоднинг касбий малакаси, ҳуқуқ, хизмат интизоми, одил судлов мезонларига амал қилиши ва мустақил қарор қабул қилиш қобилияти ҳар томонлама ўрганилади. Дастлабки беш йиллик фаолият ижобий натижа берган тақдирда, судья кейинчалик муддатсиз равишда лавозимда қолдирилади.

Муддатсиз тайинлаш судьянинг лавозимдаги барқарорлигини таъминлаб, ташқи таъсирлардан холи ҳолда иш юритиш имконини беради ва суд тизимида мустақиллик, ҳолислик ҳамда масъулият принципларининг ривожланишига хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу ислохот кадрлар танловининг очиқлиги, судьялар фаолиятининг самарадорлиги ва жамоатчилик ишончининг ошишига замин яратади.

Иккинчи таклиф сифатида ўрин олган туманлараро, туман ва шаҳар судлари раислари ҳамда уларнинг ўринбосарларини тайинлаш тартибини такомиллаштириш доирасида уларни судьялар орасидан очиқ танлов асосида саралаш механизми жорий этилмоқда.

Бу тартиб лавозимга тайинланишда шаффофликни таъминлаш, раҳбарликка лойиқ кадрларни аниқ мезонлар асосида танлаб олиш ва суд тизимида профессионал рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Янги тизимга биноан, раҳбар лавозимларига номзодлар амалдаги судьялар орасидан белгиланган очиқ танлов орқали саралаб олинади. Танлов жараёнида номзодларни баҳолаш учун аниқ мезонлар жорий этилади. Улар қаторига касбий тажриба, суд қарорларининг сифати, иш юритиш интизоми, маъмурий қобилият, лидерлик кўникмалари, ҳалоллик ва одоб-ахлоқ стандартларига риоя қилиш каби кўрсаткичлар киради. Шу орқали раҳбарлик лавозими муайян шахсга эмас, балки ҳақиқий малакага эга бўлган номзодга берилиши таъминланади.

Танловнинг очиқлиги суд тизимида ишончни оширади, судьялар ўртасида соғлом рақобатни кучайтиради ва раҳбар кадрларни танлашда ҳар қандай субъектив ёндашувларни чеклайди. Мазкур ислохот суд органларини бошқаришда малакали, ҳолис ва масъул кадрларни шакллантиришга, шу орқали суд-ҳокимиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Судьяларнинг касбий фаолиятини баҳолаш тизимини аниқ ва ўлчаб бўладиган мезонлар билан мустаҳкамлаш мақсадида “ҳалоллик”, “касбий лаёқатлилиқ” ва “судьялик одобига риоя этиш” каби учинчи таклиф асосий талабларни қонун даражасида белгилаш борасида муҳим ислохотлардан бири ҳисобланади.

Бу ёндашув баҳолаш жараёнини субъектив фикрлардан холи қилиш, ҳолис, аниқ ва барқарор стандартларга таяниш имконини яратади. Янги тартиб бўйича, ҳар бир талаб — алоҳида ҳуқуқий мезонлар билан ёритилади. “Ҳалоллик” мезони доирасида судьянинг манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, ҳар қандай ноқонуний таъсирларга берилмаслик, молиявий очиқлик ва хизмат вазифасидан шахсий мақсадларда фойдаланмаслик каби талаблар қонуний асосда белгиланади.

“Касбий лаёқатлилиқ” мезони эса судьянинг қонунларни пухта билиши, уларни тўғри қўллаш, қарорлар сифати, процессуал талабларга риоя қилиши, ишларни ўз вақтида ва адолатли ҳал этиши каби аниқ кўрсаткичлар орқали баҳоланади.

“Судьялик одоби қоидаларига риоя этиш” мезони судьянинг хизматда ва хизматдан ташқари ҳуқуқ, жамоатчилик олдидagi маданий ва ахлоқий масъулияти, мурожаатлар билан мулоқотдаги одоби, бетарафлик ва вазминлик каби меъёрларни ўз ичига олади.

Бу мезонларнинг қонун даражасида белгилаб қўйилиши судьялар фаолиятини баҳолашда ягона стандартни шакллантириб, интизомий жараёнларда аниқликни таъминлайди, судьянинг мустақил ва масъулиятли фаолият юритишига ҳуқуқий кафолат яратади. Шу тариқа суд-ҳокимиятида шаффофлик ҳамда унга нисбатан жамоатчилик ишончи янада мустаҳкамланади.

Хулоса ўрнида айтидиган бўлсак, ушбу ислохотлар судьялар корпусининг сифат таркибини яхшилаш, уларнинг касбий мустақиллигини мустаҳкамлаш, масъулият ва шаффофликни ошириш орқали суд-ҳокимиятининг самарадорлигини сезиларли даражада кучайтиришга хизмат қилади.

Қаҳрамон ИСАРОВ,

жиноят ишлари бўйича Чиноз туман суди раиси.

ОЧИҚЛИК, ШАФФОФЛИК — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Жорий йилнинг 24 ноябрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-227-сонли фармони билан соҳада бир қатор янгиликлар бўлмоқда.

Жумладан, эндиликда Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига номзодлар тегишли суд судьялари малака ҳайъатлари томонидан тавсия этилади. Бунда Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига, қоида тариқасида, судья сифатида камида 7 йил ишлаган судьялар номзоди кўрсатилиши мумкин.

Ушбу норма Кенгашнинг доимий асосда ишлайдиган судьялар таркибини шакллантиришда тажриба, профессионаллик ва ҳолисликни таъминлашга қаратилган.

Биринчидан, номзодлар аввало тегишли суд судьялари малака ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилади. Малака ҳайъатлари судьянинг касбий фаолияти, иш юритиш маданияти, қарорлар сифати, интизоми ва умумий обрў-эътиборини баҳолайди. Шундан кейингина улар Кенгашга номзодни тавсия қилиши мумкин.

Иккинчидан, Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьяси бўлиш учун асосий талаблардан бири — камида 7 йиллик судьялик тажрибасига эга бўлишдир. Бу мезон кенгаш таркибига тасодифий ёки тажрибасиз кадрларни киритмаслик, балки суд-ҳокимияти тизимини яхши биладиган, турли инстанцияларда ишлаган, мураккаб ҳуқуқий масалаларни еча оладиган судьялар танланишини кафолатлайди.

Умумий қилиб айтганда, мазкур тартиб Кенгашда профессионал, малакали ва масъулиятли судьялар ишлашини таъминлаб, судьяларни баҳолаш ва улар ҳақида қарорлар қабул қилиш жараёнининг ҳолислиги ва сифатини оширишга хизмат қилади.

Фармонга биноан энди Кенгашнинг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи аъзолари таркибига номзодлар ҳуқуқ соҳасидаги илмий ва олий таълим ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан тавсия этилади.

Бу механизм Кенгаш таркибини кенг жамоатчилик фикрига таянадиган, мустақил ва турли соҳаларда тажрибага эга мутахассислар билан тўлдириш имконини беради.

Бундай тартиб:

– Кенгашга кирувчи аъзолар манфаатлар тўқнашувидан холи бўлишини таъминлайди;

– ҳуқуқшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар ва ННТ вакилларининг профессионал билим ва тажрибасини суд-ҳокимияти бошқарувида жалб қилади;

– жамоатчилик назоратини кучайтиради;

– Кенгаш қарорларининг қонунийлиги ва ишончлилиги даражасини оширади.

Ушбу ёндашув суд-ҳокимиятида очиқлик, инклюзивлик ва жамоатчилик фикрининг аҳамияти ортганини кўрсатади.

Эндиликда Судьялар олий кенгаши раиси судьялар томонидан Судьялар одоби кодекси нормалари бузилган ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатларда судьялар малака ҳайъатлари томонидан интизомий иш асосиз тугатилган ёки тайинланган интизомий жазо судья содир этган қилмишга мос эмас, деб топилган тақдирда, малака ҳайъатларининг тегишли қарорларини қайта кўриб чиқиш бўйича тақдимнома киритади.

Бу механизм қуйидаги қулайлик ва афзалликларни вужудга келтиради:

малака ҳайъати томонидан чиқарилган қарор нотўғри бўлса, раис уни қайта кўриб чиқишни талаб қилиш орқали ҳақиқий ҳолат тикланишига ёрдам беради;

одоб қоидалари бузилган ёки манфаатлар тўқнашуви содир бўлган ҳолатлар енгил баҳолашиб кетишига йўл қўйилмайди;

қарор қайта кўриб чиқилганда, фактлар яна бир бор текширилади. Бу эса хулоса ва жазоларнинг аниқ ва асосли бўлишини таъминлайди;

интизомий қарашлар қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини билган судья ўз вазифасига жиддий ва одоб кодексига риоя қилган ҳолда ёндашади;

нотўғри қарорлар бекор қилиниши ёки тузатилиши суд тизимининг шаффоф ва тўғри ишлашини кўрсатади;

малака ҳайъати томонидан янгилиш ёки субъектив қарор чиқарилиш эҳтимоли камаяди, чуқури раис назорати мавжуд.

Шунингдек, фармонга биноан Кенгаш фаолиятига замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва ўрганиш жараёнини рақамлаштириш мақсадида бир қатор ўзгаришлар бўлади.

Жумладан, судьялик лавозимларига номзодлардан ортиқча маълумотлар талаб этилишига чек қўйиш мақсадида “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси Кенгашнинг ахборот тизими билан тўлиқ интеграция қилинади.

Бу орқали Кенгаш номзод ҳақидаги барча зарур маълумотларни идоралараро электрон базалардан тўғридан-тўғри олади. Масалан:

- иш стажи;
- таълим маълумотлари;
- судланганлик ёки маъмурий жавобгарлик ҳолати;
- солиқ ва белгиланган йиғимлар бўйича маълумотлар;
- мулк маълумотлари ва бошқалар.

Энди номзод ҳужжат йиғиш билан овора бўлмайди, вақти тежалди. Бу жараёни автоматлаштириш имконини беради. Ҳужжатларни қўлда йиғиш ва айрим идоралар билан ортиқча мулоқот қилиш камайгани сари субъективлик камаяди ва адолатли танловга хизмат қилади.

Электрон маълумотлар тўғри ва тез текширилади. Бу қарор қабул қилиш жараёнини тизимли ва стандартлашган ҳолга келтиради. Мазкур ҳолат келгусида судьяларнинг хизмат йўли, малакаси, интизомий таржимаи ҳоли ва бошқа маълумотларни яхлит тарзда юритиш имконини беради. Интеграция ортиқча қозғовзорликни йўқ қилади, танловни шаффофлаштиради, инсон омилларини камайтиради ва номзодларни баҳолашни тез, аниқ ва адолатли қилади.

Бундан ташқари, судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолашда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш йўлга қўйилади. Бу ҳолат қуйидаги амалий афзалликларни яратади.

Сунъий интеллект маълумотларга асосланади ва субъектив мулоҳазаларга камроқ боғлиқ бўлади. Бу судья фаолиятини баҳолашда инсон омили таъсирини камайтиради.

Судьялар ишлаган ишлар сони, қарор қабул қилиш муддати, қайта кўриб чиқилган ишлар улуши, маслаҳат вақти, қарорлар сифат кўрсаткичлари каби кўплаб параметрларни автоматик таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Ҳар бир судья бўйича доимий янгилашиб борувчи маълумотлар базаси шаклланади. Бу миллий даражада ҳам, маҳаллий даражада ҳам статистик баҳолашни осонлаштиради.

Сунъий интеллект иш юритишдаги шубҳали тенденцияларни (чўзиш, манфаатлар тўқнашувига мос келадиган ҳолатлар, қарама-қарши қарорлар) автоматик равишда аниқлаши мумкин.

Қўл меҳнати билан бажариладиган таҳлил ишлари қисқаради. Малака ҳайъатлари ва Кенгашнинг иши енгиллашади, қарорлар тезроқ қабул қилинади.

Баҳолаш мезонлари, алгоритмлар ва натижалар электрон тарзда юритилади. Бу жамоатчилик ишончини ҳам кучайтиради.

Ҳар бир судья учун бир хил ва равшан мезонлар қўлланилади. Ҳар хил ҳудудларда турлича баҳо бериш амалиёти камаяди.

Сунъий интеллектни судьялар фаолиятини баҳолашга жорий этиш — тизимнинг ҳолислиги, тезкорлиги ва шаффофлигини оширади. Шу билан бирга, судьялар одоби, касбий малакаси ва жавобгарлигини таъминлашнинг замонавий механизмизини шакллантиради.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ушбу фармон натижасида судьяларнинг тайинланиши ва фаолиятининг баҳолалиши янада аниқ мезонлар асосида амалга оширилади, очиқ танлов ҳамда рақамли технологиялар жорий этилиши уларнинг мустақиллигини ва адолатли фаолиятини таъминлайди ҳамда ҳуқуқий давлат принципларига мос равишда суд тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Илҳом МАМАРАЙИМОВ,

жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар суди раиси.



СУДЛАРДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ҚУЛАЙЛИКЛАРИ

Президентимизнинг 2025 йил 21 августда қабул қилинган “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини рақамлаштириш ва замонавий техник база билан мустаҳкамлашда муҳим босқич ҳисобланади.

Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ тизимида сунъий интеллект технологияларининг жорий этилиши одил судловнинг тезкорлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим қадам ҳамдир. Бу технологиялар орқали судьялар ва суд аппарати ходимларининг маъмурий юки сезиларли даражада камаяди, фуқаролар эса ўз мурожаатлари бўйича тезкор ва қулай хизматларга эга бўлади. Шу билан бирга, рақамлаштирилган суд ишлари тартибли маълумот алмашинувини таъминлаб, фуқароларнинг суд тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Жумладан, сунъий интеллект ҳужжатларни автомат тарзда саралаш, аризаларни қабул қилиш ва тизимга тўғри киритиш, маълумотларни тезкор таққослаш, шунингдек аввалги суд қарорларидан ҳуқуқий аҳамиятга эга намуна ва прецедентларни аниқлаш каби вазифаларни инсонга нисбатан анча қисқа вақтда бажаради. Бундай автоматлашув судьяларнинг маъмурий ва техник ишларга кетадиган вақтини камайтириб, уларнинг диққатини ҳуқуқий таҳлил, далилларни чуқур баҳолаш ва одил қарор қабул қилиш каби асосий вазифаларга йўналтириш имконини беради. Шу орқали суд жараёнининг тезкорлиги ва ҳуқуқий барқарорлиги ошади.

Шунингдек, сунъий интеллект суд аппарати зиммасидаги маъмурий юкни сезиларли даражада камайтиради. Жумладан:

- баённомаларни аудио ёзув асосида автомат тарзда аниқ матнга айлантириш;
- қарорлар лойиҳаларини тайёрлашда ҳуқуқий меъёрлар ва амалдаги прецедентлар билан солиштириб берувчи ёрдамчи алгоритмлардан фойдаланиш;
- электрон архив ва ҳужжат айланишини тўлиқ рақамлаштирилган тизимда юритиш;
- суд иши материалларини тегишли топикалар бўйича таснифлаш ва ихчам тақдим этиш;
- иш жараёнида такрорий ва стандарт амалиётларни автоматлаштириш.

Ушбу имкониятлар суд аппарати ходимлари меҳнатини енгиллаштириб, иш юритишдаги инсон хатолари эҳтимолини камайтиради. Шу билан бирга, ҳужжатларнинг йўқолиб қолиши, ортиқча қоғозбозлик ва вақтни чўзиш каби омиллар бартараф этилади. Рақамлашган ва тартибли ахборот муҳити эса суд муҳокамалари жараёнини тезкор, шаффоф ва барқарор тарзда ташкил этишга хизмат қилади.

Сунъий интеллект асосида ишлайдиган суд ахборот тизимлари иш юритиш жараёнларини тўлиқ электрон шаклда қайд этади. Мурожаатларнинг қай даражада кўриб чиқиляётгани, суд жараёнининг бориши, зарур ҳужжатларнинг тақдим этилиши каби маълумотлар фуқаролар учун очик тарзда намоён бўлади. Бу эса манфаатдор томонлар учун тенг имконият ва шаффоф муҳит яратишга хизмат қилади.

Бу фуқаролар учун қуйидаги қулайликларни яратади. Жумладан:

- масофадан туриб суд мажлисларида иштирок этиш;
- суд ҳаражатларини сунъий интеллект ёрдамида олдиндан ҳисоблаш;
- ҳужжатларни электрон форматда юбориш ва қабул қилиш.

Ушбу имкониятлар вақтни тежайди, ортиқча оворагарчиликни камайтиради ва судга мурожаат қилиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Сунъий интеллект суд амалиётидаги ўхшаш ҳолатларни тезкор солиштириш имконини беради ҳамда шу орқали қарорларни амалдаги ҳуқуқий меъёрлар ҳамда бирламчи амалиётга мос ҳолда қабул қилишга хизмат қилади. Бундай барқарор ва ягона ёндашув фуқароларнинг суд тизимида бўлган ишончини кучайтиради.

Лекин шу билан бирга уни қўллашда эътибор бериладиган жиҳатлар ҳам бор. Жумладан, сунъий интеллект судьянинг ўрнини боса олмайди. У фақат ёрдамчи восита бўлиши керак. Шунинг учун қарорни қабул қилишда:

- инсон адолати;
- юридик мазмун;
- дасвоғар ва жавобгар ҳиссий ҳолати;
- ижтимоий ва ахлоқий омиллар;
- фақат судья томонидан баҳоланиши зарур.

Шунингдек, СИ қайси маълумотга асосланиб хулоса берганини тушуниш имкони бўлиши шарт. Шу боис алгоритм мантиғи, маълумот манбалари ва ишлаш тамойили очик ва назорат қилинадиган бўлиши керак.

Бундан ташқари, суд иши жараёнларида махфий маълумот жуда кўп бўлади. Шунинг учун киберхавфсизлик, маълумотларни шифрлаш ҳамда ички ва ташқи ҳимоя тизимлари алоҳида назоратда бўлиши талаб этилади.

Сунъий интеллект ўрганадиган маълумотларда бир тарафлама ёки нотўғри статистика бўлса, алгоритм ҳам адолатсиз хулосалар чиқариши мумкин. Шу сабабдан маълумотлар тозаланиши, нейтрал ва тўлиқ бўлиши, ҳамда уларнинг доимий таҳлили ва қайта текширилиши зарур.

Технологияларнинг самарали ишлаши кадрлар малакасига ҳам боғлиқ. Судьялар, котиблар, архивчилар ва техник ходимлар рақамли саводхонлик, сунъий интеллект платформаларидан самарали фойдаланиш ҳамда киберхавфсизлик асослари бўйича мунтазам равишда ўқиб бориши керак.

Шунингдек, судлар фаолиятида сунъий интеллектни жорий этиш процессуал қоидалар, далилларнинг ҳуқуқий мақоми, электрон ҳужжатларнинг қонуний кучини белгилаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатини таъминлаш каби масалаларни қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Хулоса сифатида айтиладиган бўлсак, судларда сунъий интеллектдан фойдаланиш одил судловга эришишда янги босқич ҳисобланади. У тезлик, самарадорлик, шаффофлик ва қулайлик каби катта афзалликлар беради. Бироқ, технология ҳуқуқий тизимнинг мазмунига таъсир қилмаслиги, судьянинг роли ва инсон адолатини алмаштирмаслиги муҳимдир.

Тўғри йўналтирилган алгоритмлар, хавфсиз инфратузилма ва етарли малакага эга кадрлар орқали сунъий интеллект суд-ҳуқуқ тизимини янада очик, замонавий ва ишончли босқичга олиб чиқиши мумкин.

Баҳром НОРМУРАТОВ,

жиноят ишлари бўйича Сароисиё туман суди
тергов судьяси.

РАҚАМЛИ СУД КОНЦЕПЦИЯСИ: ЯНГИ ИМКОНияТЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Сунъий интеллект (СИ) технологиялари жаҳон суд тизимларида тадрижан жорий қилинмоқда. Уларнинг асосий вазифаси суд жараёнларини самарали, тезкор ва шаффоф қилишдан иборат. Шу билан бирга, СИ судларда қонунчиликни қўллашда ёрдамчи восита сифатида ишлатилади, судьянинг қарор қабул қилиш ҳуқуқи ва инсон адолати асосийдир.

СИ алгоритмлари суд ишларини таҳлил қилишда катта қувватга эга. Масалан, Буюк Британия ва АҚШда СИ модуллари олдинги суд қарорларидан намуна олиб, мураккаб ишларни таҳлил қилади, ҳуқуқий таҳлилда тезкорликни оширади ва қарорлар учун прогнозлар беради. Бу судьяларга иш юқини камайтириш ва ҳуқуқий таҳлилга кўпроқ эътибор қаратиш имконини яратади.

Эстония электрон суд тизими орқали аризаларни онлайн қабул қилиш, суд муҳокамаларини масофавий ташкил қилиш ва автоматлаштирилган хабардорлик тизимини жорий қилди. Шунингдек, сунъий интеллект юридик ҳужжатларни саралаш ва кидиришда самарали қўлланилади.

Сингапурда эса AI платформалари фуқароларга масофадан суд жараёнини кузатиш, шу билан бирга судьяларга иш юқини камайтириш ва ҳуқуқий тавсиялар тайёрлашда катта ёрдамчи бўлмоқда.

Канадада сунъий интеллектдан суд архивлари ва маълумотлар базасини рақамлаштириш орқали ҳужжатларни таҳлил қилиш ҳамда суд жараёнида тегишли ахборот тақдим этишда фойдаланилади.

Бу мисоллар судларда сунъий интеллектнинг турли хил вазифаларда — юридик ҳужжатларни саралаш, масофавий иштирок, маълумотларни таҳлил қилиш ва фуқаролар учун очиқлик яратишда қандай қўлланилишини кўрсатади. Халқаро тажриба шуни намоён қиладики, СИ фақат ёрдамчи восита бўлиб, судьянинг қарор қабул қилиш ҳуқуқини алмаштирмайди.

Бу жабҳада мамлакатимиз суд тизимида ҳам самарали ишлар қилинмоқда. Айниқса, "Рақамли суд" концепцияси ушбу жараённинг узлуксиз ва муҳим қисмига айланиши кутилмоқда. "Рақамли суд" концепцияси — суд жараёнларини самарали, тезкор ва шаффоф қилишга қаратилган инновациявий ёндашув ҳисобланади. Унинг суд ишларини тўлиқ электрон шаклда юритиш ва суд жараёнларини автоматлаштиришга қаратилгани жуда муҳим. "Рақамли суд" концепцияси асосига бир қатор муҳим воситалар қиради.

• **Биринчиси – электрон суд тизимлари.** Бу восита суд ишларини электрон шаклда юритиш, ҳужжатларни онлайн тарзда топшириш, суд қарорларини рақамли форматда чиқариш ҳамда электрон имзоларни қўллаш имкониятларини ўз ичига олади.

• **Иккинчиси – сунъий интеллект (AI).** Судлар томонидан кўриб чиқилаётган ишларни таҳлил қилишда AI ёрдамида қарорлар қабул қилишда қўлланилади. Масалан, AI судланувчиларни ёки ҳуқуқий масалаларни таҳлил қилиш ва олдиндан прогнозлар беришда самарали ёрдамчи восита сифатида ишлатилади.

• **Учинчиси – блокчейн технологияси.** Суд қарорларининг шаффофлиги ва қонунийлигини таъминлаш учун блокчейн технологиясини қўллаш зарур. Бу технология суд ҳужжатлари ўзгаришининг олдини олиш ва уларни хавфсиз сақлаш имконини беради.

• **Тўртинчиси – видео конференциялар ва онлайн суд мажлислари.** Суд жараёнларини масофадан туриб ўтказиш, шунингдек, гувоҳлар ёки тарафларни видео орқали тинглаш бугунги янги даврнинг муҳим талабларидан ҳисобланади.

• **Бешинчи восита – маълумотлар базаси ва аналитика.** Суд ишлари ва маълумотларни таҳлил қилиш орқали суд тизимининг

самарадорлигини ошириш, кечикишларни камайтириш ва натижаларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Айни вақтда судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ишларни электрон шаклда юритиш бўйича амалий тадбирлар аллақачон бошланган.

Хусусан, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш ҳамда суд муҳокамаси иштирокчиларини ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиш каби имкониятлар судлар фаолиятида бир қатор қулайликларни яратган.

Бунга мисоллар келтирамиз. Олий суднинг my.sud.uz порталидаги:

- Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларга, маъмурий ва иқтисодий судларга электрон шаклда мурожаат қилиш;
- Фуқароларнинг судларга мурожаат қилишида ҳужжатларнинг тайёр намуналаридан фойдаланиш имконияти;
- Туланиши лозим бўлган давлат бож миқдорини аниқлаш;
- Барча тўловларни, шу жумладан, давлат божини ҳисобга олиш ва тўлашнинг ягона электрон тизими;
- Ишларни суд мажлисида кўриб чиқишга тайинланган санаси ва вақти ҳақида онлайн тарзда хабардор бўлиш;
- Олий суд раҳбарияти қабулига электрон рўйхатдан ўтиш;
- Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларда, маъмурий ва иқтисодий судларда ҳал қилув қарорларига шарҳлар;
- Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларда, маъмурий ва иқтисодий судларда ишлар ҳолатини онлайн кузатиб бориш;
- Видеоконференцалоқа тизими орқали масофадан туриб суд мажлисида иштирок этиш;
- Ишда иштирок этувчи тарафлар суд хабарномаларини ва чақирув қоғозларини онлайн тарзда олиш имконияти;
- Мурожаатларни TELEGRAM BOT орқали йўллаш;
- Суд ҳужжатларига апостиль қўйиш ҳақида электрон мурожаат юбориш;
- Суд қарорларини онлайн олиш имконияти каби интерактив хизматлар воситасида аҳолига кенг қўламли қулайликлар яратилди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мазкур замонавий технологик ёндашув суд тизимининг келажакда янада самарали фаолият юритишини таъминлайди. Шу боис, судлар фаолиятида "Рақамли суд" концепциясини жорий этишдан кўзланган асосий мақсад — адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, халқчил, ихчам ва замонавий тизимни шакллантириш орқали жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, низоларни кўриб чиқиш муддатини қисқартириш ҳамда судьянинг иш юклавасини енгиллаштиришдан иборат.

Алишер ҚАҲҲАРОВ,

жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди раиси.

ЖИНОЯТНИ ОЧИШ ЖАРАЁНИДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Жиноят содир этган ҳар бир шахснинг жиноий қилмиши натижасида бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ёки давлат манфаатларига зарар етказилиши ёки уларни шундай хавф остида қолдириши мумкин. Шу боис, жиноий қилмиш натижасида жабр кўрган шахснинг ҳуқуқлари адолатли ҳимоя қилиниши, унга етказилган моддий ва маънавий зарарларнинг қопланиши кафолатини таъминлаш учун жиноятга доир ишларни юртишда ушбу шахслар ҳуқуқий мақомининг аниқ белгиланиши муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, жиноий қилмишдан жабр кўрган шахсларга суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори ва суднинг ажрими билан жабрланувчи (ЖПК 54-модда), фуқаровий даъвогар (ЖПК 56-модда) каби ҳуқуқий мақом берилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 54-моддасига кўра¹, жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 56-моддасида эса жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг жамоат учун хавфли қилмиши шахсга, корхонага, муассасага ёки ташкилотга мулкӣ зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса, улар фуқаровий даъвогар деб эътироф этилиши кўрсатилган. Вояга етмаганларнинг, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво уларнинг қонуний вакиллари ва прокурор томонидан кўзғатилиши мумкин.

Бироқ, амалдаги процессуал қонунчилигимизда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга оид нормаларда уларни бир-биридан фарқловчи жиҳатлар аниқ кўрсатилмаган.

Жумладан, ЖПК 54-моддасида “шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар” етказилиши назарда тутилган бўлса, ЖПК 56-моддасида “шахс билан бирга корхона, муассаса ёки ташкилот”га фақатгина “мулкӣ” зарар етказилиши кўрсатилган.

Бундан жабрланувчи - мулкӣ, жисмоний ёки маънавий зарар кўриши мумкин бўлиб, фуқаровий даъвогар эса фақат мулкӣ зарар кўриши мумкин деган тушунча юзага келади. Шунингдек, ЖПК 56-моддасида “корхона, муассаса ёки ташкилот” кўрсатилган бўлиб, натижада суд-тергов амалиётида фақатгина жисмоний шахс жабрланувчи деб топилиб, корхона, муассаса, ташкилотларга жиноят оқибатида мулкӣ зарар етказилган бўлса, улар доим фуқаровий даъвогар деб эътироф этилади.

Шунингдек, ЖПКнинг 54 ва 56-моддаларига кўра, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар деб суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосан топилса-да, бундай қарор қабул қилиш асослари аниқ баён қилинмаган. Ваҳоланки, ЖПКнинг 33-бобида жиноят процессида фуқаровий даъво масаласини ҳал қилиш тартиби белгиланган бўлиб, ЖПКнинг 276-моддасида жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида ўзини мулкӣ зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакили жиноят иши кўзғатилган пайтдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар фуқаровий даъво кўзғатишга ҳақли эканлиги, фуқаровий даъво ёзма шаклда ҳам, оғзаки шаклда ҳам кўзғатилиши мумкинлиги, жиноят процессида фуқаровий даъво кўзғатмаган шахс, шунингдек даъвоси кўрилмасдан қолдирилган шахс уни фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида кўзғатишга ҳақли экани кўрсатилган.

Шунингдек, ЖПКнинг 277-моддасига кўра, фуқаровий даъво кўзғатилган ҳолларда содир этилган қилмиш оқибатида шахсга мулкӣ зиён етказилган деб ҳисобласа, уни фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарор ёки ажримнинг нусхаси даъвони кўзғатган шахсга ёки унинг вакилига тақдим этилади, бунда фуқаровий даъвогарга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш рад қилинган шахсга эса, қарор устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 457-моддасида суд маслаҳатхонада ҳал қилиши лозим бўлган масалалардан бири сифатида “фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек фуқаровий даъво кўзғатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулкӣ зарар ундирилиши керакми, судланувчилар шериклик ёки ҳиссадорлик тартибида жавобгарликка тортилишлари лозимми” деган масалаларни ҳал қилиши белгиланган.

Юқоридаги нормалардан кўринадики, жиноят иши бўйича жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жиноят процессидаги иштироки ва роли жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиб, улар қуйидагиларда кўринади:

- ЖПК 54 ва 56-моддаларида ҳар икки процесс иштирокчиси ҳам суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосан ушбу ҳуқуқий мақомга эга бўлсада, бироқ жабрланувчи деб топиш учун шахсга мулкӣ, маънавий ва жисмоний зарар етказилганлиги ҳақида ишни юритаётган мансабдор шахсда етарли далил бўлишининг ўзи кифоя қилса, фуқаровий даъвогар деб топиш учун мулкӣ зарар етказилганлигининг ўзи етарли бўлмай, мулкӣ зарар кўрган шахс тергов ёки судга ариза билан мурожаат қилиб, фуқаровий даъвони кўзғатиши лозим;

- фуқаровий даъво жабрланувчи томонидан ҳам кўзғатилиши мумкин бўлиб, бу унинг ҳуқуқи ҳисобланади ва шахс хоҳишига кўра, фуқаровий даъво жиноят иши доирасида эмас, балки фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳам кўзғатилиши мумкин;²

- жабрланувчи деб топмаслик айрим қилмишлар бўйича жиноят таркибининг бор-йўқлигига таъсир қилса, фуқаровий даъвонинг кўзғатилмагани иш юритишга тўсқинлик қилмайди;

- жабрланувчига ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш билан зарар етказилса, бунда айбдор шахснинг қасди ёки унинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) бевосита жабрланувчининг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига зарар етказишга қаратилган бўлса, фуқаровий даъвогарга зарар етказилган ҳолларда айбдор шахс қилмишида бундай қасд бўлмай, зарар қилмиш оқибатида юзага келади;

- жабрланувчининг манфаати шахс айбининг исботланишида бўлиб (ЖПК 55-моддаси), фуқаровий даъвогар эса иш бўйича шахснинг айбли ёки айбсиз деб топилишидан эмас, балки ўзига етказилган мулкӣ зарарни ундиришдан манфаатдор бўлади, шу сабабли ҳам жабрланувчи суд ҳукмига нисбатан тўлиқ шикоят бера олса, фуқаровий даъвогар фақатгина ҳукмнинг фуқаровий даъвога оид қисми юзасидан шикоят бериши мумкин ҳолос (ЖПК 57-моддаси);

- жабрланувчи шахснинг айбини исботлаш билан боғлиқ барча тергов ва процессуал ҳаракатларда иштирок этиши мумкин бўлиб, у бундан манфаатдор бўлади, бироқ фуқаровий даъвогар асосан мулкӣ зарарни исботлаш билан боғлиқ тергов ва процессуал ҳаракатларда иштирок этади;

- жабрланувчи тергов ёки судга келмаган тақдирда ишни юритаётган мансабдор шахс уни мажбурий келтириши мумкин (ЖПК 262-моддаси), чунки жабрланувчининг иштироки, унинг кўрсатувлари айбланувчининг айбини исботлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлиб, фуқаровий даъвогарнинг тергов ёки судга келмаслиги фуқаровий даъвоғи кўрмасдан қолдиришга сабаб бўлади (ЖПК 413-моддаси).

Шунингдек, ЖПКнинг 415-моддасида судланувчига дастлабки терговда қўйилган айбловни оғирроқ айбловга ўзгартириш, 416-моддасида судланувчига дастлабки терговда эълон қилинмаган янги айблов аниқланганда жиноят иши қўзғатиш, 417-моддасида жиноий жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи айнан жабрланувчи ёки вакилининг илтимосномаси асосида амалга оширилиши белгиланган. Ушбу моддаларда ҳам фуқаровий даъвогарнинг бундай илтимоснома бериш ҳуқуқи назарда тутилмайди, чунки фуқаровий даъвогар айблов моҳиятидан манфаатдор эмас.

Зеро, суд томонидан айбланувчи оқланган бўлса ҳам, бу фуқаровий даъвоғи инкор қилмайди. Оқлов ҳукми фақатгина шахсни жабрланувчига нисбатан содир этган ҳаракатида жиноят таркиби йўқлигини билдириши мумкин бўлиб, суд ушбу шахсни фуқаровий жавобгарликдан озод этмаслиги, ўз ҳукмида фуқаровий даъво масаласини ҳал қилиши мумкин (ЖПК 471-м).

ЖПКнинг 416 ва 417-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича судга илтимоснома киритиш ҳуқуқи фақатгина жабрланувчи эга бўлиб, фуқаровий даъвогар бундай ҳуқуққа эга эмас. Ушбу ҳолатга ҳуқуқӣ баҳо берсак, ЖПК 416 ва 417-моддаларидаги норма ЖПК 57-моддасидаги фуқаровий даъвогар жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади деган нормага мувофиқ эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча ЖПКнинг 57-моддасида "фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахс айни вақтда жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини бажаради" деган норма мазмуни, фуқаровий даъвогар фақатгина ўзининг фуқаровий даъвоси бўйича ўтказиладиган тергов ва процессуал ҳаракатлар доирасидагина жабрланувчининг ҳуқуқларидан фойдаланиб, мажбуриятларини бажаришини назарда тутиб, улар тенг ҳуқуқӣ деган фикрдан йироқ бўлинган.

Ушбу соҳадаги хорижий давлатларнинг қонунчилигига эътибор қаратилса, Россия Федерациясининг ЖПК 42-моддасига кўра, жиноят билан жисмонӣ, мулкӣ, маънавий зарар етказилган жисмонӣ шахс, шунингдек жиноят билан мулкига ва ишчанлик обрўсига зарар етказилган бўлса юридик шахс жабрланувчи ҳисобланса³, ЖПК 44-моддасига кўра, жиноят билан бевосита етказилган мулкӣ зарарни ундириш ҳақида талаб қўйган жисмонӣ ёки юридик шахс фуқаровий даъвогар деб топилади⁴.

Қозғистон ЖПКнинг 75-моддасига кўра, жиноий ҳуқуқбузарлик билан бевосита шахсга жисмонӣ, мулкӣ, маънавий зарар етказилган дейишга етарли асос бўлса, у жабрланувчи, ЖПКнинг 73-моддасига кўра эса, жиноий ҳуқуқбузарлик ёки ақли норасо шахснинг қилмиши билан етказилган мулкӣ ёки маънавий зарарни қоплаш ҳақида фуқаровий даъво қўзғатган жисмонӣ ёки юридик шахс фуқаровий даъвогар деб топилади⁵.

Қирғизистон Республикаси ЖПК 40-моддасига биноан, жиноят билан жисмонӣ, маънавий зиён ва (ёки) мулкӣ зарар етказилган жисмонӣ шахс жабрланувчи деб ҳисобланади⁶, процесс иштирокчилари ичида фуқаровий даъвогар мавжуд эмас.

Тожикистон Республикаси ЖПК 42-моддасига кўра, жиноят билан жисмонӣ, мулкӣ, маънавий зиён етказилган, шунингдек жиноятга суиқасд қилиниши билан ҳуқуқ ва манфаатлари бевосита хавф остида қолдирилган шахс жабрланувчи, 44-моддасига кўра, жиноят содир этилиши натижасида мулкӣ зарар етказилган, ушбу зарарни қоплаш ҳақида талаб тақдим қилган жисмонӣ ёки юридик шахс фуқаровий даъвогар деб топилади⁷.

Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 87-моддасига биноан, жиноят қонунида назарда тутилган қилмиш билан тўғридан-тўғри маънавий, жисмонӣ ёки мулкӣ зиён етказиш учун етарли асослар бўлган жисмонӣ шахс жабрланувчи, ЖПКнинг 89-моддасига кўра, жиноят ишини юритиш давомида фуқаровий даъво қўзғатилган ҳолларда, жисмонӣ ёки юридик шахс фуқаровий даъвогар деб топилиши мумкин⁸.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги тақлифлар илгари сурилади: *биринчидан*, жабрланувчи ва фуқаровий даъво ҳамда фуқаровий даъвогар бир-биридан фарқ қилувчи, турлича ҳуқуқӣ мақомдаги шахслар бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир хил бўлсада, бироқ процессдаги иштироки, ўрни ва роли турлича. Шу сабабли, ЖПКнинг 57-моддасидаги "фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахс айни вақтда жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини бажаради" деган тахрирни "фуқаровий даъвогар жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фақат ўз даъвоси билан боғлиқ ҳолларда фойдаланиб, мажбуриятларини бажаради" деб баён қилиш;

иккинчидан, жабрланувчи сифатида нафақат жисмонӣ шахс, балки юридик шахс ҳам бўлиши мумкин бўлиб, бу юридик шахснинг эгаси конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга имкон беради, шу сабабли миллий қонунчиликка юридик шахслар ҳам жабрланувчи деб топилиши мумкинлигини назарда тутувчи нормани киритиш;

учинчидан, ЖПКнинг 54 ва 56-моддалари тахриридан жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар (жисмонӣ шахсларга нисбатан ҳам)нинг бир-биридан фарқланувчи жиҳатлари аниқ белгилаб берилмагани сабабли, ушбу моддалар тахририни ўзгартириш;

тўртинчидан, фуқаровий даъвогар нафақат мулкӣ, балки маънавий зарар кўрган бўлиши ҳам мумкинлигидан келиб чиқиб, ЖПК 56-моддасига бу ҳақдаги нормани киритиш;

бешинчидан, ЖПКнинг 56-моддасидаги фуқаровий даъвогар тушунчасига "фуқаровий даъво қўзғатиш ҳақида ариза берган" деган жумлани ҳам киритиш.

Қайд этилган тақлифлар, жиноятдан жабр кўрган шахслар хоҳ жисмонӣ шахс, хоҳ юридик шахс бўлсин, уларнинг адолатли ҳимоя қилинишига, етказилган моддий ва маънавий зарарларнинг ўрни тўлиқ қопланишини таъминлаш орқали уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига ҳуқуқӣ кафолат яратади.

Сайдулло АЗИМОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 1995 йил/ <https://www.lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27.12.2016 йилдаги "Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиёни қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 26-сон қарори <https://www.lex.uz>
3. "Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 21.04.2025)/ <https://www.consultant.ru>
4. "Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 21.04.2025)/ <https://www.consultant.ru>
5. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 24.05.2025 г.)/ <https://online.zakon.kz/>
6. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 129/ <https://mvd.gov.kg/>
7. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 03.01.2024 г.)/ <https://continent-online.com/>
8. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-IQ) <https://continent-online.com/>

РОМАНО-ГЕРМАН ВА АНГЛОСАКСОН ҲУҚУҚ ОИЛАЛАРИГА КИРУВЧИ МАМЛАКАТЛАРДА ПОРА БЕРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

АННОТАЦИЯ: мақолада пора бериш жинояти учун жиноий жавобгарлик масалалари турли ҳуқуқий оилаларга мансуб давлатлар мисолида таҳлил қилинган. Романо-герман ва Англосаксон ҳуқуқий тизимларида порахўрлик тушунчаси, уни содир этганлик учун қонунчиликда назарда тутилган жазо чоралари қиёсий таҳлил этилган ҳолда уларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: пора бериш, коррупция, жиноий жавобгарлик, жазо турлари, мол-мулкни мусодара қилиш, жарима, озодликдан маҳрум қилиш, Романо-герман ҳуқуқи, Англосаксон ҳуқуқи.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили пора бериш жиноятига қарши курашиш борасидаги синалган, муайян ҳудуд аҳолисининг ҳуқуқий маданияти, менталитети ва қадриятлари асосида шакллантирилган, ҳар бир давлатнинг коррупция каби иллатга қарши курашиш борасидаги ўзига хос ёндашуви ва тажрибасини ўрганиш имконини беради. Коррупцияга қарши курашиш, порахўрлик жиноятининг олдини олиш борасида турли хил амалий-назарий ёндашувлар, халқаро стандартлар жорий этилган бўлиб, уларнинг туб мазмунини жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, коррупциявий жиноятларнинг олдини олиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашдан иборатдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, пора бериш жинояти учун жавобгарликни белгилувчи нормалар турли мамлакатлар қонунчилигида ўзига хос жиҳатлар билан ажралиб туради. Хусусан, актив ва пасив порахўрликка оид халқаро стандартларда жиноий жавобгарликни белгилашнинг ўзига хос жиҳати пора беришдан ташқари унга таклиф, ваъда бериш ёки пора олиш билан бир қаторда пора сўраш (талаб қилиш), таклифни қабул қилиш кабилар учун ҳам тугалланган жиноят каби жавобгарлик назарда тутилишидир¹.

Фикримизча, таҳлил жараёни самарадорлигини таъминлаш мақсадида, тегишли давлатларнинг умумий ривожланиш тарихи, муайян ҳуқуқий оилаларга мансублигидан келиб чиқиб гуруҳлаштириш ва шу асосда уларнинг қонунчилигини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Шунга кўра, уларнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)га аъзо давлатлар, Романо-герман ҳамда Англосаксон ҳуқуқ оилаларига кирувчи мамлакатларга ажратган ҳолда ўрганилиши таҳлил натижаларини муайян мантиқий кетма-кетлик асосида шакллантириш учун замин яратади.

Таъкидлаш жоизки, МДХга аъзо давлатлар аслида Романо-герман ҳуқуқ оиласига мансуб бўлсада, уларнинг ҳуқуқий тизимлари бир-бирига ўхшашлиги ва деярли бир хил шаклланиш ҳамда ривожланиш босқичларидан ўтганликлари, ушбу давлатларни алоҳида гуруҳ сифатида ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Жумладан, Озарбайжон Республикасининг жиноят қонунчилигига мувофиқ пора олиш жинояти пасив, пора бериш жинояти эса актив порахўрлик сифатида қайд этилиб, унга кўра, имтиёзлар ҳам пора предмети бўлиши мумкин, шунингдек, пора таклиф қилинган ёки ваъда берилган ҳолатда ҳам жиноят тамомланган ҳисобланади ҳамда ушбу турдаги жиноят учун

икки йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин.

Озарбайжон қонунчилигида Ўзбекистон Республикасидан фарқли равишда мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун пора беришлик оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб, унинг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири, қўшимча жазо сифатида мол-мулкни мусодара қилишнинг кўзда тутилганлигидир.

Арманистонда пора бериш жинояти учун уч йилгача, жиноятнинг кўп ёки жуда кўп миқдорда ёхуд уюшган гуруҳ томонидан содир этилишида ифодаланган квалификация белгилари мавжуд бўлган тақдирда эса етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган ва бошқа давлатларга нисбатан енгилроқ жазо чоралари белгиланган².

Белоруссияда пора бериш учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва қўшимча жазо тариқасида жарима жазоси тайинланиши мумкин бўлиб, пора миқдори кўп миқдорни ташкил этса етти йилгача, жуда кўп миқдорда ёки муқаддам порахўрлик жинояти учун судланган шахс томонидан содир этилган тақдирда эса ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади³.

Қирғизистондаги жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, жиноятнинг пора таклиф қилинган ёки бериш ваъда қилинган вақтдан эътиборан тамомланган ҳисобланишидир.

Шунингдек, пора беришда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жиноятнинг кўп ёки жуда кўп миқдорда содир этилганлиги ёхуд мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун берилганлиги қайд этилган бўлиб, жазо тариқасида базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма минг баробаригача миқдорда жарима ёки мол-мулкни мусодара қилиш билан бирга етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин⁴.

Қозоғистон Республикасининг жиноят қонунчилигига мувофиқ, пора олувчи сифатида нафақат давлат органида фаолият олиб боровчи мансабдор шахс, балки хорижий мамлакат давлат идорасида ёки халқаро ташкилотда фаолият олиб боровчи мансабдор шахс ҳам қайд этилиши мумкин. Жарима миқдори эса базавий ҳисоблаш миқдорига ёки энг кам ойлик иш ҳақиға боғланмасдан, фош этилган поранинг 20 дан 30 бараваригача миқдорда тайинланиши мумкин⁵.

Бундан ташқари, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлиб, ушбу ҳолатда қўшимча равишда мол-мулк мусодара қилиниб, умрбод муайян лавозим-

ни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши белгиланган.

Шу тариқа, пора миқдоридан келиб чиқиб ва бошқа оғирлаштирувчи квалификация белгилари асосида жарима жазосининг миқдори поранинг 60 бараваригача, озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса 15 йилгача бўлган муддатга тайинланиши мумкин.

Тожикистон Республикасида эса пора бериш жинояти учун 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва мол-мулкни мусодара қилиш жазолари тайинланиши мумкин бўлиб, оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида мансабдор шахсга ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этганлиги учун пора бериш ёки ушбу жиноятнинг такроран содир этилиши белгиланиши мумкин⁶.

Россия Федерациясида пора бериш учун жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланиши мумкин бўлиб, жарима жазосининг миқдори икки хил нисбат, яъни беш юз минг рубльгача ёки судланувчининг бир йилгача бўлган муддатдаги даромади асосида ёхуд поранинг бешдан ўттиз бараваригача бўлган миқдорда белгиланиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса икки йилгача бўлган муддатга тайинланиши мумкин.

Пора миқдори анча, кўп ёки жуда кўп миқдорни ташкил этганда, пора мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун ёки бир гуруҳ шахслар ёхуд уюшган гуруҳ томонидан берилган тақдирда, жарима жазоси тўрт миллион рубльгача ёки судланувчининг тўрт йилгача бўлган муддатдаги даромади ёхуд поранинг тўқсон баравари миқдоридан тайинланиши, муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси ўн йилгача, озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин⁷.

Ўз навбатида, Романо-герман ҳуқуқ оиласига кирувчи давлатларнинг жиноят қонунчилиги таҳлили асосида қуйидаги ўзига хос ҳолатларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Жумладан, Австрия қонунчилигига кўра, мансабдор шахснинг фаолиятига таъсир қилиш эвазига, унга ноқонуний манфаатнинг ваъда, таклиф қилиниши ёки берилиши шахснинг ҳаракатларини пора бериш сифатида малакалаш учун етарли бўлиб, бунда мансабдор шахснинг пора эвазига бирор бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этганлигининг аҳамияти йўқ.

Пора миқдоридан келиб чиқиб, пора берган шахс ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин⁸.

Бельгияда эса ушбу жиноят учун ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки саккиз юз минг еврогача миқдорда жарима жазоси тайинланиши белгиланган. Шу билан бирга, жиноий даромадлар мусодара қилиниши ва жиноят содир этган шахс 10 йилгача муддатга мансабдорлик лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Германияда пора бериш жинояти учун жарима ва ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари кўзда тутилган бўлиб, оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида кўп миқдорда пора бериш ҳамда жиноятнинг уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги ҳолати қайд этилади.

Шу билан бирга, Германия қонунчилигида судья ва Европа Иттифоқи суди аъзосига пора берганлик учун оғирроқ жазо кўзда тутилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, пора таклиф қилинган мансабдор шахс бу ҳақида зудлик билан ваколатли давлат органига мурожаат қилган тақдирда, у жавобгарликдан озод қилинади⁹.

Испания қонунчилигида пора бериш учун жиноий жавобгарликни белгилувчи алоҳида модда кўзда тутилмаган бўлсада, пора берувчи пора олувчи билан бир хилда жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Пора тегишли мансабдор шахснинг турмуш ўртоғи ёхуд қариндоши томонидан берилган бўлса, пора берувчига нисбатан олти ойдан бир йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин.

Агар, пора мансабдор шахснинг жиноят ҳисобланувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилиши учун берилган бўлса, пора берувчига икки йилдан олти йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва пора суммасининг уч баробари миқдоридан жарима жазоси тайинланади.

Италия жиноят қонунчилигида ҳам пора бериш учун жавобгарликни кўзда тутувчи алоҳида модда мавжуд эмас ва фақатгина пора берувчи пора олувчи билан бир хилда жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

Ушбу қоидалардан келиб чиқиб, давлат органлари ва муассасаларида фаолият олиб боровчи мансабдор шахсга пора берувчи шахс олти йилдан 10 йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Португалияда эса пора бериш учун бир йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки 360 кунгача бўлган муддатга жарима жазоси тайинланиши мумкин.

Пора миқдорининг кўплиги ёки жуда кўплиги оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд этилиб, белгиланган жазо миқдорининг тегишли равишда тўртдан бир ёки учдан бир қисмига мутаносиб равишда оширилишига сабаб бўлади¹⁰.

Англосаксон ҳуқуқий оиласига кирувчи давлатлардаги ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- прецедент ҳуқуқининг устунлиги ёки суд қарорларига асосий ҳуқуқ манбаси сифатида қаралиши, яъни судьяларнинг бир-бирига ўхшаш ишлар бўйича олдинги суд қарорларини инобатга олишга мажбур эканликлари (stare decisis тамойили);

- қонунларнинг умуман ёки қисман кодификация қилинмаганлиги, яъни қонун ҳужжатларининг парламент актлари ва суд қарорларидан иборат эканлиги ҳамда ҳуқуқ тизимининг асосан суд прецедентлари ҳисобига ривожланиб бориши;

- ҳуқуқ тизимининг эгилувчан ва мослашувчан эканлиги, яъни етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, судьялар томонидан қонун чиқарувчи органнинг иштирокисиз мавжуд прецедентларнинг ўзгартирилиши ва бошқалар¹¹.

Хусусан, Англия, Уэльс ва Шимолий Ирландияда порахўрлик учун жавобгарлик масалалари 2010 йилда қабул қилинган "Порахўрлик тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади.

Унга кўра, шахс мансабдор шахснинг ўз вазифаларини бажариши ёки бажармаслиги ёхуд лозим даражада бажармаслиги эвазига моддий ёки бошқа шаклдаги манфаатдорликни бевосита ёки учинчи шахслар орқали таклиф қилиши, ваъда қилиши ёки бериши пора бериш деб топилади.

Ушбу жиноят учун ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазоси тайинланиши мумкин бўлиб, бунда жарима

жазосининг аниқ миқдори белгиланмаган ҳамда ҳар бир ҳолатда судланувчининг молиявий ҳолати, мол-мулки, мажбуриятлари, жиноят ва унинг оқибатларининг оғирлик даражаси ҳамда ишнинг бошқа аҳамиятли ҳолатларини инобатга олган ҳолда белгиланади¹².

Ушбу қонуннинг ўзига хос жиҳатларидан бири сифатида, пора олиш ва бериш учун жавобгарлик билан бир қаторда, хорижий мансабдор шахсга пора бериш ва юридик шахслар томонидан порахўрлик ҳолатларининг олдини олиш борасида лозим даражада чора кўрмаганлик учун жавобгарлик белгиланганлигини кўрсатиш мумкин¹³.

АҚШда эса жиноят қонунчилиги икки турга бўлиниб, булар федерал ва штатлар даражасида қабул қилинган қонун ҳужжатларидир.

Пора бериш учун АҚШ федерал қонунчилигига кўра, ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш, жисмоний шахсларга нисбатан 250 минг ва юридик шахсларга нисбатан эса 500 минг АҚШ долларигача миқдорда жарима жазоси тайинланиши кўзда тутилган. Бунда, олинган жиноий даромад ва етказилган зарардан келиб чиққан ҳолда жарима миқдори икки баробарга оширилиши мумкин¹⁴.

Канада қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу жиноят қонунчилигининг кодификация қилинганлиги бўлиб, унга кўра, мансабдор шахснинг вазибаларига кирувчи муайян ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик эвазига моддий ва бошқа шаклдаги манфаатни таклиф қилиш ёки бериш пора бериш сифатида малакаланади¹⁵.

Ушбу жиноят учун ўн тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва жарима жазоси тайинланиши мумкин бўлиб, унинг миқдори чегараланмаган ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб белгиланади.

Австралияда мансабдор шахсга ёки хорижий мансабдор шахснинг ҳаракатларига ноқонуний таъсир ўтказиш мақсадида, муайян манфаатдорликни таклиф қилиниши ёки берилиши пора бериш сифатида малакаланади. Бунда, жиноят тамомланган деб тан олинishi учун, манфаатнинг мансабдор шахс томонидан қабул қилиб олинганлиги ёки унинг пора берувчининг манфаатлари йўлида муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этганлиги аҳамиятли эмас¹⁶.

Ушбу жиноят учун ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва жарима жазолари тайинланиши мумкин бўлиб, жариманинг максимал миқдори ўн минг жарима бирлигини ташкил этиш мумкин (бир жарима бирлиги 275 Австралия доллари тенг).

Янги Зеландияда порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик “Жиноятлар тўғрисида”ги Қонун (Crimes Act 1961) ва “Яширин комиссиялар тўғрисида”ги Қонунлар (Secret Commissions Act 1910) билан тартибга солинади ҳамда мансабдор шахсга унинг ҳаракатларига ноқонуний таъсир ўтказиш мақсадида муайян манфаатдорликни таклиф қилиш ёки бериш пора бериш сифатида малакаланади.

Ҳиндистонда мансабдор шахсга унинг ҳаракатларига таъсир кўрсатиш мақсадида таклиф қилинган ёки берилган ҳар қандай кўринишдаги ноқонуний манфаат пора бериш сифатида малакаланади ҳамда уч йилдан етти йил муддатгача озодликдан маҳрум қилиш ва жарима жазолари тайинланиши мумкин. Бунда жариманинг аниқ миқдорлари белгиланмаган бўлиб, иш ҳолатлари асосида судья томонидан мустақил белгиланади¹⁷.

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили асосида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- Романо-герман ва Англосаксон ҳуқуқий оилаларига кирувчи аксарият давлатларда Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигидан фарқли равишда нафақат моддий шаклдаги, балки ҳар қандай кўринишдаги манфаат пора предмети бўлиши мумкинлиги белгиланган;

- судьялар ва юқори лавозимлардаги мансабдор шахслар билан боғлиқ порахўрлик жиноятларига нисбатан оғирроқ жазо турлари кўзда тутилган;

- айрим мамлакатларда юридик шахслар томонидан пора берилганлиги ҳолати учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланган;

- мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракат содир этиши эвазига пора беришлик жиноятни оғирлаштирувчи квалификация белгилари қаторига киритилган;

- тажрибаси ўрганилган мамлакатларнинг салмоқли қисмида нафақат пора бериш, балки пора таклиф қилиш ёки ваъда қилишлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган;

- айрим мамлакатларда жиноят учун жарима миқдорининг максимал миқдори белгиланмасдан, унинг миқдори пора суммасига ёки жиноий фаолиятдан олинган даромадлар миқдорида боғлаб қўйилган;

- Ўзбекистон қонунчилигидан фарқли равишда, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг муддатига нисбатан чекловлар ўрнатилмаган ёки нисбатан узоқроқ муддатлар белгиланган.

Турахонов Дурбек ЛЕРМОНОВИЧ,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошлиғи ўринбосари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.ААбдухошимов. Порахўрликка қарши курашишни такомиллаштириш долзарб масала. Science and innovation in the education system. International scientific-online conference. <https://inlibrary.uz/index.php/sies/article/view/72224>
2. Арманистон Республикаси Жиноят кодекси, 312-модда.
3. Беларуссия Республикаси Жиноят кодекси, 431-модда.
4. Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси, 345-модда.
5. Қозғистон Республикаси Жиноят кодекси 367-моддаси.
6. Тожикистон Республикаси Жиноят кодекси, 320-модда. <https://www.warnathgroup.com/wp-content/uploads/2015/03/Tajikistan-Criminal-Code.pdf>
7. Россия Федерацияси Жиноят кодекси, 291-модда, https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699
8. Thomas Kralik. Austria – Global Bribery Offenses Guide. <https://www.mondaq.com/austria/criminal-law/898326>
9. Германия Федератив Республикаси Жиноят кодекси, https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/englisch_stgb.html#p3276
10. Португалия Жиноят кодекси. <https://diariodarepublica.pt/dr/legislacao-consolidada/decreto-lei/1995-34437675>
11. Дуглас Э. Эдлин, Common Law Theory, Cambridge University Press нашриёти, 2009 йил
12. Буюк Британиянинг “Порахўрлик тўғрисида” ги қонуни, 2010 йил, <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2010/23/crossheading/prosecution-and-penalties>
13. Д.Хордеп, П.Олдридж, Reformulating bribery: a legal critique of the Bribery Act 2010 (Chapter 1) - Modern Bribery Law, Cambridge University Press нашриёти, 2013 йил
14. 18 U.S. Code § 201 - Bribery of public officials and witnesses, <https://www.law.cornell.edu/uscode/text/18/201>
15. Майкл Ойхман, Bribery (s. 119,120) Laws in Canada. www.strategiccriminaldefence.com/faq/bribery-charges-canada/
16. Anti-Bribery Laws in Australia, www.ashurst.com/en/insights/anti-bribery-laws-in-australia
17. Anti-bribery and corruption laws in India, <https://cms.law/en/int/expert-guides/cms-expert-guide-to-anti-bribery-and-corruption-laws/india>

ТАДҚИҚОТЛАРГА НУҚТАИ НАЗАР

Илмий тадқиқотлар олиб бораётган изланувчилар учун устозларнинг муносабатлари, фикр-мулоҳазалари жуда ҳам зарур. Чунки, ўз соҳасининг етук мутахассислари фикрлари тадқиқотчиларнинг кейинги илм йўллари билан белгилашида муҳим омил саналади. Шу боис журналимизда ташкил этилган янги, "Тақриз" рукни орқали илмий даража олиш учун ёзилган тадқиқот ишларга нисбатан олимларнинг хулосалари билан таништириб борамиз.

Куйида диссертант А.А. Махмудовнинг юридик фанлар доктори (DSe) илмий даражасини олиш учун ҳимояга тавсия этилган "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш" мавзусидаги диссертациясига расмий оппонент, ИИБ юридик фанлари доктори, профессор Мавжуда Ражабованинг тақризини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Илмий ишни асосий қисмининг биринчи боби "Прокуратура органларининг ривожланиш тарихи ва улар фаолиятини ташкил этишнинг фундаментал асослари" деб номланган бўлиб, мазкур бобнинг биринчи параграфидида прокуратура органларининг шаклланишига оид илмий-назарий қарашлар таҳлили ва ривожланиш генезиси манбалар ёрдамида мукамал илмий мушоҳададан ўтказилган. Муаллифнинг фикрича, прокуратура органлари фаолияти тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибаси жараёнлари билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, турли ижтимоий формациялар (қулдорлик, феодализм, социализм) даврида ўзига хос тарзда шаклланиб бугунги ҳуқуқий ҳолатда ривожланмоқда.

"Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш принциплари" деб номланган кейинги параграфда "принцип" атамасининг этимологик жиҳатлари ва юридик моҳияти очиқ берилган. Прокуратура фаолиятининг натижадорлиги қонунийлик принциpidан бошлаб, унинг фаолиятига тегишли барча тамойилларга муттасил риоя қилишни талаб этиши алоҳида таъкидланган. Тадқиқотчи прокуратура органлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга принципларни таснифлаб, уларни умумий ва махсус турларга бўлиб, ҳар бирининг мазмун-моҳиятини илмий манбалар, олимларнинг фикр-мулоҳазалари билан баҳс-мунозарига киришиб илмий таҳлил қилган ҳолда муаллифлик таърифини ишлаб чиққан. Прокуратура фаолиятида қонунийлик билан биргаликда мустақиллик, ошқоралик, бирлик (ягоналик) принциплари муҳим аҳамиятга эга экани юзасидан муаллифнинг мулоҳазалари илмий жиҳатдан тўла-тўқис асосланган, деган фикрда. Жумладан, тадқиқотчининг Конституциянинг 145-моддаси биринчи қисмини "прокуратура органларининг фаолиятига аралашиб таъкидланади", деган жумлалар билан тўлдириш лозимлиги тўғрисидаги тақлифи эътиборга моликдир. Мазкур боб билан боғлиқ илмий хулосалар ва амалий тақлифлар тадқиқотнинг илмий-назарий жиҳатдан фундаментал хусусиятга эга эканлигидан дарак беради.

"Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий таъминлаш масалалари" тадқиқотда алоҳида эътибор берилган. Хусусан, иккинчи бобнинг биринчи параграфидида "прокуратура органларининг тизими ва уни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари" илмий таҳлилдан ўтказилган. Дастлаб прокуратура органлари тизимига оид илмий манбалардаги олимларнинг фикр-мулоҳазалари батафсил ва батариб таҳлил қилинган. Тадқиқотчи "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда прокуратура фаолиятига оид нормалар таҳлили алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, мажбурий ижро бюроси тузилмасининг прокуратура органлари тизимига киритилгани "прокуратура органларининг ташкил этилиши ҳамда фаолиятининг фундаментал принципларига зид" (ИИБ фаолиятига оид қонунлар моҳиятига кўра прокурор назорати объектларидан бири бўлгани боис — таъкид бизники) экани асослаб берилган. Муаллифнинг мазкур қарашларини қўллаб-қувватлаймиз.

Диссертантнинг Янги Ўзбекистонда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда прокуратура органлари фаолиятини самарали ташкил этиш билан боғлиқ долзарб масалаларни (2.3) илмий таҳлил қилишга алоҳида эътибор бергани диссертациянинг яхлитлигидан дарак беради.

Ҳар бир йўналишда қонунлар ижроси устидан таъсирчан прокурор назоратини амалга ошириш муҳимлиги диссертант томонидан тадқиқ этиш асносида уларга оид илмий-назарий фикр-мулоҳазалар ва хулосалар тўла-тўқис асосланган, дея оламиз. Бу эса тадқиқотдаги муҳим ютуқлардан бири, деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг "Прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ҳамда вакиллик органлари билан ўзаро муносабати" деб номланган учинчи боби уч фаслдан иборат. "Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда ҳокимият органлари тизимида тутган ўрни" (3.1) тўғрисида муаллиф англо-саксон ва романо-герман ҳуқуқ тизимларида прокуратура-ни ташкил этиш билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг мавжудлигига алоҳида урғу бериш асносида МДХ ҳуқуқ тизимида прокуратура органлари Конституция асосида ташкилий-ҳуқуқий мақомга эга экани, уларда ҳам ўзига хослик (турли мазмундаги нормалар) мавжудлиги, жумладан янги Ўзбекистоннинг амалдаги Конституциясида прокуратура органлари давлат бошқарувида ажратиб турувчи фақатгина қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи (ички назорат органларининг ҳам фаолиятини назорат қилувчи) "назорат устидан назорат" амалга ошириш функциясига эга мураккаб тузилма сифатида фаолият кўрсатишини асослашнинг уйдасидан чиқа олган.

Муаллифнинг фикрига кўра, прокуратура органлари давлат ҳокимияти (айниқса, ижро органи) тизимига кирмайдиган, қонунларнинг ижросини назорат қилувчи ва судда давлат номидан тегишлилигига кўра давлат айбловини (жиноят ишларини кўришда), низоларни ҳал қилишда (фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий судларда) тараф сифатида иштирок этувчи мустақил давлат органи ҳисобланади.

Конституцияда прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари назарда тутилган алоҳида боб ва нормалар мавжуд бўлиб, улар тўғридан-тўғри амалда қўлланилади. Европа, Америка, айрим Осиё давлатларида прокуратура суриштирув ёки тергов ёхуд одил судлов жараёнида давлат номидан айблов вазифасини бажаради, холос. Дунёда прокуратура органлари ташкилий жиҳатдан турлича шакл-шамойилга эга. Айрим давлатларда ижро ҳокимияти органи таркибидида, баъзиларида эса мустақил давлат органи сифатида фаолият юритади. Ўзбекистонда прокуратура органлари мустақиллиги Конституция билан таъминланган, муҳими универсал фаолиятга (қонун билан фаолият йўналишлари ўндан ортиқ соҳага бўлинган) эгаллиги билан ажралиб турувчи давлат бошқарувида алоҳида функция юқлатилган давлат органи ҳисобланади. Прокуратура органлари Бош прокурор томонидан бошқарилади. Куйи прокурорларнинг барчаси Бош прокурорга бўйсунувчи ягона тузилмадан ташкил топган деб қонунда белгилаб қўйилган. Мисол учун Бош прокурорни лавозимига тайинлаш Президент ва Сенат томонидан бир неча босқичдан иборат тарзда амалга оширилади. Жумладан, дастлаб Президент Бош прокурорни лавозимга тайинлашга розилик беришини сўраб Сенатга тақдимнома киритади. Мазкур масала Сенат ялпи мажлисида сенаторлар томонидан муҳокама қилиниб номзод маъқулланиши керак. Ундан кейин Бош прокурор Президент томонидан лавозимига тайинланади.

Тадқиқот ички тузилиш жиҳатдан тизимли, бири иккинчисини тўлдирувчи боблар мазмун-моҳиятига кўра яхлитликка эга. Илмий манбалар диссертацияни бойитиб қолмасдан мавзунини тўлиқ очиб бериб фикр-мулоҳазалар, тақлиф-тавсияларни илмий-назарий жиҳатдан асослантиришга хизмат қилади. Илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тугалланган тадқиқот дейишга асослар диссертацияда етарлича мавжуд.

Диссертация "Прокурор назорати" фанини янги маълумотлар, илмий хулосалар, тавсиялар билан бойитиш баробарида амалдаги қонунчиликнинг такомиллашуви, ҳуқуқ фанларидаги мавзуга оид масалаларга ечим топишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, янги Ўзбекистоннинг келажаги А.Махмудов ва унга ўхшаш ёш ва теран, замонавий фикрловчи ёшларнинг тадқиқотларни юқори савияда амалга ошириши, кўпроқ жаҳон илм-фани билан рақобатбардош концепциялар, ғояларни илгари суришига боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун тинимсиз изланишлар, тадқиқотларни амалга ошириш баробарида ундаги хулосаларнинг реал ҳаётда ўрин олишига кўпроқ эътибор бериш зарур. Ушанда учинчи уйғониш (ренессанс) даврига муваффақиятли эришамиз.

ТУРКИСТОН ҚОЗИЛАРИ ҲУҚУҚИЙ ҲАМЛАЛАРИНИНГ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ АКСИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Туркистоннинг Россия империяси давридаги қозилик маҳкамалари фаолияти ва ҳуқуқий ҳужжатлари таҳлил қилинган. Ёзма манбалар асосида қозиларнинг нотариал амалиёти, ҳужжатларни расмийлаштириш услуги ва уларнинг ҳуқуқий аҳамияти ёритилган. Архивларда сақланаётган вақф, васиятнома ва мулк битимлари ҳуқуқий маданият ва давлатчилик анъаналарини акс эттириши кўрсатилган.

Калит сўзлар: Туркистон, қозилик маҳкамаси, ҳуқуқий манбалар, вақф ҳужжатлари, васиятнома, нотариал амалиёт, архив ҳужжатлари, Қўқон хонлиги, шариат ҳуқуқи, давлат бошқарув тизими.

Глобаллашув шароитида маданий меросга бой минтақалар тарихи, айниқса Туркистоннинг Россия империяси давридаги давлат бошқарув тизими ва ҳуқуқий манбаларини илмий ўрганиш долзарб аҳамият касб этмокда. Бу даврда миллий давлатчилик анъаналарига таъсир, қозилик маҳкамалари ва нотариал амалиётнинг ривожини, маҳаллий аҳолининг бошқарувдаги иштироки муҳим тадқиқот йўналишларидандир.

Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсатининг устувор вазифасидир. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, халқимизнинг бой маданий мероси ва интеллектуал салоҳияти Янги Ўзбекистон стратегиясининг асосий суянчидир. Шу боис тарихий-ҳуқуқий тадқиқотлар миллий қадриятларни англаш ва ҳуқуқий онгни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ёзма манбалар тарихий маълумотларнинг энг муҳим тури бўлиб, инсоннинг ижтимоий фаолияти ва жамиятдаги муносабатлар натижасида юзага келган сиёсий ҳамда ҳуқуқий воқеаларни акс эттиради. Ҳужжатли манбалар баёний ёзма асарларни тўлдириш, улардаги маълумотларни аниқлаштириш ва қайта баҳолаш имконини берадиган қимматли тарихий ёдгорликлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида тарихий ҳужжатлар жуда катта тўпламни ташкил этиб, экспертлар баҳосига кўра, уларнинг сони 150 мингдан ошади. Жумладан, Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида XV–XX асрларга оид ўн мингга яқин асл ҳужжатлар — вақф хатлар, ёрлиқлар, савдо, ипотека, ижара, даъво ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар сақланиб, Ўрта Осиё тарихини илмий тадқиқ этишда муҳим манба вазифасини бажаради¹.

М. Абдусалимова таъкидлаганидек, 1875 йилда Худойрхон Тошкентга қочган пайтда Қўқон хонлиги архиви йўқолган. Кейин топилган ҳужжатлар маълум қимматга эга бўлса-да, хонлик тарихини тўлиқ ёритмайди. Шунинг учун Қўқон хонлиги тарихини илмий тадқиқ этишда қўлёзма манбалар асосий илмий аҳамиятга эга ҳисобланади².

Республикамиз архивлари, фонд ва музейларида ердан фойдаланиш, сугориш ва шу билан боғлиқ низоларни суд қарорлари орқали ҳал этишга оид қимматли ҳужжатлар сақланмокда. Ҳозирги архивлардаги хонлик ва мустамлака даври меъёрий-ҳуқуқий манбаларнинг асосий қисми жисмоний шахслар ўртасидаги битимларни расмийлаштирувчи ҳужжатлардан иборат бўлиб, улар ер-мулк, уй, савдо дўконлари ва устахоналарни сотиш ёки сотиб олишга оид “сотиш актлари”ни қамраб олади³.

Мустамлака даврига оид қўлёзма ва тошбосма асарларда асосий эътибор Россия империяси истилоси ва унинг Ўрта Осиё ҳаётига таъсирига қаратилган⁴. Шу билан бирга, қозилик маҳкамасига оид ҳужжатли манбаларда жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлари ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган.

Қўлаб вақф ҳужжатлари масжид, мадраса ва мақбаралар учун ажратилган мулкларга оид бўлиб, улар диний муассасаларни сақлаш ҳамда хизматчиларни моддий таъминлаш мақсадида вақф мулкни ижарага бериш шартларини қамраб олади.

“Қозилик маҳкамаси” ҳужжатларидан маълум бўлишича, суд амалиётида қуйидаги ишлар кўриб чиқилган:

- ерни ижарага бериш;
- мерос ва умумий мулкни тақсимлаш;
- никоҳ шартномалари;
- васиятномалар;
- хайрия маблағларига оид ҳисоботлар;
- васийлик ишлари;
- никоҳ ва ажралишга оид даъволар.

Ҳар бир ҳужжат белгиланган ҳуқуқий шаклда расмийлаштирилган бўлиб, унда тарафлар номи, яшаш манзили, мулк чегаралари, гувоҳлар ва акт тузувчининг маълумотлари аниқ қайд этилган. Ҳужжат қозининг муҳри билан тасдиқланган, хошиясида эса ёзма қарор ёки фатво кўрсатилган. Бу ҳолат қозилик ҳужжатларининг расмий-ҳуқуқий кучини белгилайди⁵.

Фатволар турли мазмунда бўлган. Масалан, нафл намози тўғрисида⁶, вақтинчалик никоҳ, каффорат тўғрисида⁷, вакилик, гувоҳ бўлишлик, даъво масалалари⁸ ва бошқалар. Ҳужжат бошида, уни тузиш санаси белгиланган⁹.

Қозилик маҳкамаларида, ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги “тамға”, “муҳр”, “нишон”лар билан қонунийлаштирилган¹⁰.

Қозининг ёзма қарори ҳуқуқий кучга эга бўлиши учун у қатор расмий талабларга жавоб бериши зарур бўлган. Хусусан, ҳужжатда қозининг лавозимини тасдиқловчи ҳукмдор муҳри, ҳудуд номи ва қозининг исми кўрсатилган бўлиши шарт. Қарор хошиясида юридик асос – далил, манба ёки шахс номи қайд этилган; иш мазмуни ва сабаблари аниқ баён этилган; гувоҳлар ва даъвогарлар тўлиқ кўрсатилган. Шунингдек, ҳужжатда иш кўрилган жой, сана, ой, кун ва маҳкама котибининг исми қайд этилиши талаб қилинган.

Шу жиҳатдан, ушбу шартлардан бири етмаслиги қарорни юридик кучдан маҳрум этган. Ёзма қарорнинг ҳақиқийлиги бошқа ҳудуд қозиси томонидан текширилиб, фақат тасдиқлангандан сўнг ҳуқуқий иш юритувга қабул қилинган¹¹.

Тадқиқот натижаларига кўра, қозилик маҳкамасига оид кўплаб ҳужжатлар физик жиҳатдан шикастланган ҳолда сақланиб қолган. Улар орасида йиртилган, эзилган, ифосланган, кемирувчилардан зарар кўрган ёки чириган намуна ҳужжатлар учрайди; айримларининг боши ёки охири йўқ, баъзиларида фақат муҳр изи ёки матннинг кичик қисми сақланган.

Шу билан бирга, ҳужжатларнинг катта қисмида саналар, иштирокчи шахслар, гувоҳлар, уламолар ва топографик маълумотлар каби ҳақиқий материаллар сақланиб, улар тарихий-қонуний таҳлил учун муҳим манба вазифасини бажаради.

Шариат асосида фаолият юритган қозилар (нотариуслар) куйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширганлар:

- битим ва васиятномаларни тасдиқлаш;
- мулк ва мерос ҳуқуқига оид гувоҳномалар бериш;
- мол-мулкни ўтказишни тақиқлаш ёки бекор қилиш;
- ҳужжат нусхалари ва кўчирмаларни шаҳодатлаш;
- ижро хатларини расмийлаштириш;
- нотариал тасдиқланган ҳужжатлар дубликатлари ҳамда реестрдан кўчирмалар бериш.

Бу ҳужжатлар қозилик тизимидаги ҳуқуқий ва нотариал амалиётнинг илк шакллари ёритиб берувчи қимматли манбалар ҳисобланади.

Васиқалар, аҳднолар, иқрорномалар, вақфномалар ва бошқа мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ифодаловчи ҳужжатларда томонлар ўртасида олди-берди бўлиб ўтганлиги куйидагича кўрсатилган. Ерни сотиш, бирон нарсани айирбошлаш билан боғлиқ васиқаларда олувчи пулни ёки қиймати сотилаётган ерга, айирбошланаётган нарсага тенг молни ҳеч қолдирмай санаб берганини, сотувчи эса уни санаб олганини билдиради¹². Ҳар икки томоннинг бу жумлалари котиб тилидан (нутқидан)¹³, баъзиларида эса ўз тилидан (нутқидан)¹⁴ берилган. Шунга ўхшаш стенограмма¹⁵лар ҳажми 6Х3 дан 14Х10 сантиметргача бўлган ҳажмда маҳаллий ёки Қўқон қоғозига эзилган¹⁶. Хон томонидан тасдиқланган ҳужжатларда ипакли қоғоздан фойдаланилган.

Мустамлака маъмурияти даврида шакллантирилган далолатнома (акт), буйруқ (приказы), эълон (объявление) каби ҳужжатлар кўп ҳолларда ёзув машинкасида эзилган. Буйруқлар шахсан генерал-губернатор томонидан имзоланган¹⁷. Одатда, уезд бошлиқлари томонидан юборилган ахборотлар котиб томонидан қўлёзма шаклида юборилган¹⁸. Юборилган хатлар почта хизмати орқали махсус маркалар ёпиштирилган ҳолда амалга оширилган¹⁹. Жиддий мазмундаги хабарномалар сўргичланган²⁰. Рус империяси маъмурияти ҳужжат қоғозларида босма герб, нақшлар, ҳудуд ва ташкилот номлари каби сўзларда типографик элементлар кўп учрайди²¹.

Мулкнинг олди-бердиси билан боғлиқ васиқалар ер ёки мулкнинг бутунлай ёки қисман шаклда сотилганлигини билдириш учун эгалик ҳақида тегишли ҳужжат билан қонунийлаштирилган²². Қосимлар²³ томонидан тақсимланган мулклар эътирозлар бўлмаган ҳолдагина қози томонидан расмийлаштирилган ҳамда икки нусхада кўчирилиб, бири мулкни тақсимлаб олган томонларга берилган. Иккинчиси қози маҳкамаси архивида сақлаб қўйилган. Керакли хат-ҳужжатга, васиқага эга бўлган ворислар учун эгалик қилиш муддати аниқ кўрсатилган. Яъни, олувчи кимсанинг бундан бўёғига фойдаланиш ҳуқуқи ўзида эканини таъкидлаб ўтилган.

Табииyki, вақф мулки эгасининг виндикация²⁴ ҳуқуқи яъни, ўз мол-мулкни унга ноқонуний эгалик қилаётган шахслардан қозилик маҳкамаси (суд) орқали талаб қилиб олиши ҳуқуқи сақланган.

Фикримизча, айрим қозилик ҳужжатлари матнида кирилл ёзувида жой тежаш мақсадида қисқартма ёзув қўлланилган бўлиши мумкин. Бу ҳолат ҳужжатларни маҳаллий ва рус маъмурияти томонидан бир вақтнинг ўзида тасдиқлаш амалиёти билан боғлиқ.

Таҳлил қилинган манбаларда қозилар томонидан нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда ўчирилган, устидан чизилган ёки изоҳсиз тузатилган жойлар деярли учрамайди. Битимлар матни аниқ ва равшан баён этилган бўлиб, ёзма қарорлар фақат бир давлат ёки қўшни мусулмон давлатлари доирасида юридик кучга эга бўлган.

Қаҳрамон КАРИМОВ,

Қўқон давлат университети ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Урунбаев А. Хорикаева Т. Файзиёв Т. Джураева Г. Исогай К. Каталог Хивинских казийских документов XIX-начало XX вв. Киот: "Дайшин-инсатцу" 2001.-V-стр.
2. Тарихий манбашуносликнинг долзарб муаммолари. – Тошкент: ТДПУ "Ризограф" 2001. – Б. 112.
3. Урунбаев А. Хорикаева Т. Файзиёв Т. Джураева Г. Исогай К. Каталог Хивинских казийских документов XIX – начало XX вв. Киото: "Дайшин-инсатцу" 2001.-VIII-стр.
4. Ўзбекистон тарихи хрестоматия 1860-1917 йй. 4-жилд. Т.: "Navro'z", 2014. – Б. 11.
5. И.И.Бекмирзаев. Қозилик маънавияти. – Тошкент: "Маънавият", 2019. – Б. 20.
6. Мир Ҳабибуллоҳ Мирзалол ал-Ҳисайний. "Фатвойи Мир Ҳабибуллоҳ". – Тошкент: ФАШИ. – Қўлёзма № 9019. – В. 26.
7. Бурхониддин Марғиноний. "Ҳидоя". – Тошкент: ФАШИ. – Қўлёзма № 1707. – 379 в.
8. Жомеъ ал-фатво. – Тошкент: ФАШИ. – Қўлёзма № 1388. – 232 в.
9. Урунбаев А. Хорикаева Т. Файзиёв Т. Джураева Г. Исогай К. Каталог Хивинских казийских документов XIX-начало XX вв. Киот: "Дайшин-инсатцу" 2001.-VIII-стр.
10. И.И.Бекмирзаев. Қозилик маънавияти. – Тошкент: "Маънавият", 2019. – Б. 35.
11. И.И.Бекмирзаев. Қозилик маънавияти. – Тошкент: "Маънавият", 2019. – Б. 20-21.
12. Қўқон давлат музей қўриқхонаси. КП(кирим китоби)-3568, ДП(ҳужжатли ёдгорлик)-2331, 52/9-коллекция.
13. Қўқон давлат музей қўриқхонаси. КП(кирим китоби)-3568, ДП(ҳужжатли ёдгорлик)-2331, 52/11-коллекция.
14. Муҳаммад Яҳёхон Хўқандий. Хўқанди Латиф манокби (Тазкира). – Тошкент: "Мовароуннаҳр", 2018. – Б. 95.
15. Стенограмма (юн. stenos – тор, сиқик, қисқа ва... грамма) – оғзаки нутқ турлари (биронбир маъруза, нутқ ва ш. к.)нинг стенография усулидаги сўзма-сўз ёзувидан иборат матн. Қаранг: QOMUS.INFO onlayn ensiklopediya (Электрон ресурс) (кириш вақти 08.01.2021) (соат 15:43)https://qomus.info/encyclopedia/cat-s/stenogramma-uz/
16. Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – Москва: "НАУКА", 1968. – С. 9.
17. ЎзРМДА И-19-фонд, 35-рўйхат, 42-иш, 574-варақ.
18. ЎзРМДА И-18-фонд, 1-рўйхат, 1800-иш, 4-варақ.
19. ЎзРМДА И-19-фонд, 1-рўйхат, 10014-иш, 189-варақ.
20. ЎзРМДА И-19-фонд, 1-рўйхат, 10014-иш, 371-варақ.
21. ЎзРМДА И-17-фонд, 1-рўйхат, 7041-иш, 4-варақ.
22. Қўқон давлат музей қўриқхонаси. КП (кирим китоби)-3568, ДП (ҳужжатли ёдгорлик)-2331, 52/8-коллекция.
23. Қосим – мол – мулкларни одамлар орасида адолатли тақсимлаб берувчи амалдор. И.И.Бекмирзаев. Қозилик маънавияти. – Тошкент: "Маънавият", 2019. – Б. 22.
24. Виндикация (лот.-ҳимоя, қўриқлаш, талаб қилиш) "Ёш раҳбар" энциклопедик луғати. 2-нашр. – Тошкент: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2018. – Б. 166.

ВАКИЛЛИК ИНСТИТУТИ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар оралигида бўлиб ўтадиган сиёсий жараён, яъни вакиллик органларига сайловлар олдидан улар фаолиятига оид қонунчилик такомиллаштирилиб борилиши табиий жараёнга айланди.

Сиёсий партияларга оид устувор нормалар аввало мамлакат Конституциясида, тегишли махсус қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган. Шунингдек, мамлакат келгуси стратегиясини, асосий вазифаларини белгиланган ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони ва ундаги вазифаларни айтиш мумкин.

2024 йил 2 июлда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб қуйидаги масалаларни тартибга солиш, хусусан:

Биринчи йўналиш - сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш, депутатлар ва сенаторларнинг ўз конституциявий ваколатларини амалга ошириши учун қўшимча кафолатлар яратиш, уларнинг сайловчилар ва депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партиялар билан алоқаларини сақлаб туриш учун шарт-шароитлар яратиш;

Иккинчи йўналиш - депутатлар ва сенаторлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши, уларнинг парламент ҳамда унинг органлари фаолиятида тўлиқ иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг ўзи сайланган вакиллик органлари билан ўзаро муносабатлари ҳуқуқий асосларининг такомиллаштириши;

Учинчи йўналиш - сиёсий партиялар фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш ва мамлакатимизда хорижий давлатларнинг сиёсий партиялар фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш масалалари;

Тўртинчи йўналиш - Қонун билан “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг сиёсий партияларини, уларнинг бўлинмаларини ташкил этишга ва уларнинг фаолияти амалга оширилишига йўл қўйилмаслигини назарда тутувчи норма киритилгани;

Бешинчи йўналиш - “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига сиёсий партияларнинг уставида назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажмини кўпайтириш, шунингдек Қонунчилик палатасига охирги сайлов натижаларига асосан давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида ушбу маблағларнинг тақсимланиш тартибини ўзгартиришни назарда тутувчи янги тартиб киритилгани;

Олтинчи йўналиш - “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига Қонунчилик палатаси депутатларининг, Сенат аъзоларининг ва маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш асосларини, шунингдек ўз вазифаларини ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун уларга нисбатан қўллани-

ладиган тартибга солиш чораларини аниқлаштиришни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилгани;

Еттинчи йўналиш - Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ушбу қоидаларнинг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган қўшимча киритилган.

Мазкур Қонун сиёсий партиялар фаолиятини мустаҳкамлаш, депутатлар ва сенаторларнинг ўз вазифаларини бажариш чоғидаги масъулиятини ошириш, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, шунингдек уларнинг дахлсизлик ҳуқуқини тўлақонли таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

2024 йилдаги вакиллик органларига сайловлар мазкур қонун ҳужжатлари асосида ташкил этилди ҳамда бугунги кунда сиёсий партиялар ва уларнинг вакиллари вакиллик органида фаолият юритишларида улар асосида янгиланган нормалар талаби ва мазмунига мос тарзда олиб борилмоқда.

Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлиб, улар фаолияти самарадорлигини ошириш давлат ва жамият ривожини учун кўп жиҳатдан фойдалидир. Хусусан, сиёсий партиялар аҳолининг фаол қатламларини бирлаштириш ва улар орзу-истакларини давлат органларига вакиллари орқали етказиш, вакиллик органларига ўз номзодларини илгари суриш орқали дастурий вазифаларини амалга оширишга эришиш, ҳукумат олдида масалалар қўйиш, давлат ва жамиятдаги мавжуд масалаларга таклифлар бериш, халқ ва давлат органлари ўртасида кўприк вазифасини ўташ орқали ўз ўринларига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2025 йил 30 январдаги ПФ-16-сон Фармони асосида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган мақсад ва вазифалар белгиланди.

Хусусан, мазкур Фармоннинг 11-иловасида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича 2025 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати белгиланиб, унинг 75-76 ва 79-мақсадларида 2025 йилда парламент ва маҳаллий кенгашлар фаолиятини кучайтиришга ҳамда сиёсий партиялар ролини оширишга қаратилган аниқ вазифалар белгиланди.

Жумладан, 75-мақсадда маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш белгиланган. Лойиҳада маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари ўз партиясининг йўналишидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этишини йўлга қўйиш, шунингдек маҳаллий кенгашларда ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари тасдиқланаётганда уларнинг лойиҳалари бўйича маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фикрини ҳисобга олиш амалиётини жорий қилишга оид нормалар киритилиши назарда тутилган.

Давлат дастурининг 76-мақсад йўналишида халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши томонидан Кенгаш сўрови юбориш тартиб-таомилларини белгилаш бўйича Олий Мажлис Сенати қарори лойиҳасини тайёрлаш, унда Кенгаш сўровига оид, шунингдек Кенгаш сўрови юбориш масаласини маҳаллий Кенгаш доимий комиссияси ва Кенгаш сессиясида кўриб чиқиш тартиб-таомиллари белгиланиши кўзда тутилган.

Дастурнинг 79-мақсади Янги Ўзбекистонни барпо этишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада оширишга қаратилган бўлиб, унинг 8-бандида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Давлат бюджети ижросини назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди.

79-мақсаднинг 9-бандида парламентда муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқларини янада кенгайтириш бўйича қонун лойиҳасини тайёрлаш белгиланиб, унга кўра муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқлари сонини ошириш, муҳолифат вакилларида парламент бошқарув органларига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини кафолатлашга оид, муҳолифат томонидан қонун лойиҳасининг, шунингдек Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш ҳуқуқига оид, ҳар чоракда "ҳукумат соати" ва парламент сўрови доирасида муҳолифат томонидан камида биттадан таклиф киритиш каби масалалар назарда тутилди.

Шу ўринда, 2024 йил 18 ноябрь куни Президент Ш.Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида парламентда муҳолифатни жонлантириш зарурлигини таъкидлаб: "Янги даврда парламент чинакам халқ уйи, унинг қуёи палатаси эса ғоялар генераторига, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдониغا айланиши керак. Ўтган сайловларда сиёсий партияларнинг дастури ҳам, ғоялари ҳам бир-биридан фарқ қилди, турли сиёсий мафкуралар кураши яққол кўзга ташланиб турди. Хусусан, сайловлар жараёнида кўплаб дебатлар ташкил этилганини халқимиз ва халқаро кузатувчилар алоҳида эътироф этди", деб фикр билдирганини келтириш ўринли.

Сиёсий партиялар, уларнинг ғоявий платформаси, спектрдан келиб чиқиб, шунингдек вакиллик органларидаги фаолиятда муҳолифатнинг ўрнини ҳисобга олиб ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш мақсадида "Муҳолифат тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди. Зеро, бу масала сиёсий партиялар ҳамда янги ваколатда иш олиб бораётган парламент аъзоларининг келгуси вазифалари бўлиши лозимлигини айтиш ўринлидир.

Давлат дастурини ўрганиб чиқиб айтиш мумкинки, унда мамлакат тараққиёти йўлида парламентни янада ривожлантириш, маҳаллий кенгашлар фаолиятини кучайтириш ва сиёсий партиялар ролини янада оширишга қаратилган масалалар Давлат дастурида аниқ вазифаларни акс эттириш, уни амалга ошириш юзасидан давлат бюджетидан маблағ ажратиш, мазкур йўналишдаги масъулларни белгилаш даражасида эътибор қаратилмоқда.

Юқорида келтирилган ҳуқуқий асослар ва янги нормалар билан бир қаторда эътибор қаратилиши муҳим бўлган ҳамда вакиллик институти ҳуқуқларини оширишга қаратилган масалалар ҳам мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик пала-

таси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Қонунини 7-моддаси депутат ва сенаторнинг ҳуқуқлари ҳақида бўлиб, унинг иккинчи қисми 4-бандида "қарор лойиҳалари ва уларга тузатишлар киритиш" ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддаси депутатнинг ҳуқуқлари ҳақида бўлиб, мазкур икки қонуннинг тегишли нормалари қиёслаб кўрилганда ҳуқуқлар мазмунан деярли бир хил, фақат парламент ва маҳаллий кенгаш ўзига хослиги билан ажралиб тургани ҳолда юқоридаги "қарор лойиҳалари ва уларга тузатишлар киритиш" ҳуқуқи маҳаллий кенгаш депутати ҳуқуқида мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. Бу норма муҳим ҳуқуқ эканлигини ҳисобга олсак, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутати ҳуқуқи ҳақидаги 5-моддага "қарор лойиҳалари ва уларга тузатишлар киритиш" тўғрисидаги нормани киритиш зарур ҳисобланади, сабаби маҳаллий кенгаш фаолияти ҳам парламент каби қабул қилган ҳужжати билан салмоқлидир.

Шу ўринда қонунчиликдаги яна бир ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш зарурияти мавжудлиги кўринади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 133-моддаси ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди, деб белгиланган.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари, маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилиб, ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий тамойилнинг маҳаллий даражада ижросини таъминлашда муҳим ўзгариш бўлганини ҳисобга олсак, бундан кўринадики, қонунлар ва Олий Мажлис палаталари қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Конституцияга мувофиқлиги ўрганилиши баробарида, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг норматив тусдаги қарорларининг ҳам Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш масаласи бугунги кундаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Вакиллик институти тизимини модернизация қилиш, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш, маҳаллий кенгашлар фаолиятини парламент ривожланиш даражасига кўтариш, сиёсий партиялар рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, хусусан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилувчи ислохотлар учун интилиш мамлакат тараққиётидаги энг долзарб масалалар бўлиб ҳисобланади.

Камола ХАМИДОВА,

*Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди
катта эксперти, Тошкент давлат
юримдик университети мустақил изланувчиси.*

ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК ИНСТИТУТИДА ЭЛЕКТРОН СУД АМАЛИЁТИ: АФЗАЛЛИК ВА МУАММОЛАР

Тўловга қобилиятсизлик институти замонавий бозор иқтисодиётининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиб, унинг асосий вазифаси иқтисодий муомаладаги барқарорликни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг қарздорлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Ушбу ҳуқуқий институт орқали фаолиятни давом эттириш имконияти йўқ деб топилган ҳўжалик юритувчи субъектлар бозордан чиқарилади, бу эса иқтисодиётдаги ресурсларнинг самарали тақсимланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида тўловга қобилиятсизлик институтининг ҳуқуқий асоси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун билан белгиланган бўлиб, у қарздорнинг молиявий аҳволини баҳолаш, кредиторлар талабларини қаноатлантириш тартиби, тугатиш массаси ва бошқарувчи фаолиятини аниқ белгилайди.

Иқтисодий нуқтаи назардан, мазкур институт бозор механизмларининг соғлом рақобатини таъминлайди, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади, кредиторлар ва инвесторлар ишончини мустаҳкамлайди ҳамда миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшади.

Шу тариқа, мазкур институт нафақат ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи восита, балки иқтисодий барқарорликни таъминловчи стратегик механизм сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда тўловга қобилиятсизлик ишлари билан боғлиқ суд жараёнларининг кўплиги, ҳужжат айланмасининг катталиги ва маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш муаммоси мавжуд. Рақамли технологияларни жорий этиш орқали ушбу муаммоларни бартараф этиш, суд ишларини электрон форматда юритиш ва барча иштирокчилар учун тенг ахборот муҳитини яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Судда тўловга қобилиятсизлик ишларини юритиш жараёнларида электрон судлов тизимини жорий этиш бу соҳадаги қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш, инсон омилини камайтириш ва кредиторлар ҳамда қарздорлар манфаатларини самарали ҳимоя қилиш имконини беради.

Мамлакатимизда ҳам суд-ҳуқуқ тизимини рақамлаштириш, электрон ҳужжат айланмаси ва онлайн суд мажлисларини ташкил этиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб, унинг қонунчилик асослари босқичма-босқич яратилди. Зеро, тўловга қобилиятсизлик ишларини юритиш жараёнида ҳам рақамли суд тизимини адолатли, тезкор ва шаффоф қарорлар қабул қилишда муҳим восита ҳисобланади.

Рақамли суд тизими бу суд адолатини таъминлаш жараёнини тўлиқ рақамли муҳитда амалга оширишга қаратилган янги ҳуқуқий ва технологик платформа бўлиб, унинг асосий элементи электрон суд тизими (E-sud) яъни рақамли суднинг дастлабки босқичи ва пойдевори ҳисобланади. Бошқача айтганда, электрон суд тизими аввал электрон ҳужжатлар, онлайн мурожаатлар ва видеоконференция асосида ишлаган бўлса, эндиликда бу тизим рақамли суд концепциясига айланиб бормоқди.

Рақамли суд амалиётини жорий этишнинг ҳуқуқий ва қонунчилик асослари, аввало, суд ҳокимияти фаолиятини замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этишга қаратилган норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Бу борадаги ислохотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони янги босқичга кўтарган, десак муболаға бўлмайди. Ушбу ҳужжатда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг олти устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, улардан бири судлар фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўлди. Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинуви яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Барча судларда 2021 йил 1 январдан бошлаб суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш, 2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш, 2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш, 2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш чораларини кўриш назарда тутилди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясидаги вазифалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши ва унда судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда рақамлаштириш

жараёнларини жадаллаштириш, суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан воз кечиш мақсадида "Рақамли суд" концепцияси асосида ишларнинг юритилишини босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, сунъий интеллект ёрдамида суд харажатларини ҳисоблаш имкониятини яратиш вазибаларининг белгиланиши бу борадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ваҳоланки, хорижий давлатлар тажрибасида хусусан, Эстония, Корея Республикаси, Сингапур ва Германия амалиётида электрон суд тизими, электрон суд платформалари орқали тўловга қобилиятсизлик ишлари тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда юритилиши, суд ҳужжатлари электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ва судни барча иштирокчилар онлайн кузатиш имкониятлари самарали йўлга қўйилган. Бу эса уларнинг энг илғор ютуқларини амалиётимизга жорий этиш фурсати етганини билдиради.

Дарҳақиқат, рақамли суд тизими тўловга қобилиятсизлик жараёнида суд ишларини автоматлаштириш ва самарадорликни оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг ўзига хос афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

Биринчидан, тўловга қобилиятсизлик ишларини юритишда ариза ва бошқа илова ҳужжатлар электрон шаклда тақдим этилади, бу эса иш юритиш жараёнида ҳужжатларни йиғиш, текшириш ва таҳлил қилишни сезиларли даражада тезлаштиради. Электрон ҳужжат айланмаси орқали суд ва иштирокчилар ўртасидаги ахборот алмашинуви автоматлаштирилади, бу эса банкротлик жараёнларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, тўловга қобилиятсизлик ишларини юритишда суд мажлисларининг видеоконференция орқали ўтказилиши иш жараёнини масофавий ва тезкор тарзда ташкил этиш имконини беради. Бу орқали қарздор, кредиторлар ва бошқа иштирокчиларнинг суд мажлисларида қатнашиши енгиллашади, вақт ва харажатлар тежалади ҳамда суд фаолиятининг очиклиги ва самарадорлиги таъминланади.

Учинчидан, тўловга қобилиятсизлик ишларини юритишда суд қарорлари рақамли имзо билан тасдиқланади, бу эса қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги, ҳақиқийлиги ва тезкорлигини кафолатлайди. Рақамли имзо орқали ҳужжатларнинг ҳуқуқий кучи таъминланади, суд қарорларини электрон шаклда расмийлаштириш ва етказиб бериш жараёни автоматлаштирилади. Маълумотлар марказлашган ахборот тизимида сақланади, бу тўловга қобилиятсизлик ишларини юритиш жараёнида шаффофлик ва таҳлил имкониятини оширади.

Бундан ташқари, низоларни ҳал этишда рақамли суд интеллектуал алгоритмлар, сунъий интеллект, блокчейн ва Big Data технологиялари ёрдамида маълумотларни таҳлил қилади ва тўловга қобилиятсизлик жараёнларининг эҳтимолий натижаларини прогноз қилади.

Шу жиҳатдан, бугунги кунда мамлакатимизда рақамли суд амалиёти фақатгина техник ислохот эмас, балки суд адолатини таъминлашнинг янги ҳуқуқий-ташкилий модели сифатида намоён бўлмоқда.

Замонавий рақамли трансформация жараёнлари нафақат иқтисодиёт, балки суд-ҳуқуқ тизимини ҳам тубдан ўзгартирмоқда.

Тўловга қобилиятсизлик ишларини юритишда рақамлаштириш ва электрон суд амалиётини жорий этиш ҳуқуқни қўллаш амалиётида катта имкониятлар яратаётган бўлса-да, бу

жараёнда бир қатор ҳуқуқий, ташкилий ва техник муаммолар мавжудлигини ҳам қайд этиш лозим.

Биринчидан, норматив-ҳуқуқий асослар етарлича такомиллашмаган. Яъни, амалдаги процессуал қонунларда электрон ҳужжатлар, рақамли имзолар ва видеоконференция орқали суд ишларини кўриб чиқиш тартиби бўйича аниқ ва бир хил қоидалар етарлича белгиланмаган.

Аниқ қоидаларнинг процессуал қонунчиликда мустаҳкамланиши электрон суд амалиётининг ҳуқуқий жиҳатдан барқарор ва бир хил қўлланишини таъминлайди.

Иккинчидан, техник инфратузилманинг ривожланмаганлиги айрим ҳолларда тизимнинг барқарор ишлашини чеклайди. Хусусан, айрим ҳудудларда интернет тезлиги пастлиги ёки "E-sud" модули билан ишлашда техник узилишлар юзага келиши суд жараёнларини кечиктиради.

Шу боис техник инфратузилмани ривожлантириш ва ягона ахборот платформасини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, суд органлари ва тўловга қобилиятсизлик жараёни иштирокчилари учун барқарор интернет алоқаси, ахборот базалари ўзаро интеграцияси, маълумотлар алмашинувининг автоматлаштирилган тизимини яратиш зарур аҳамият касб этиб боради.

Учинчидан, ахборот хавфсизлиги ва маълумотлар махфийлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳим муаммолардан бири. Чунки, суд ҳужжатларидаги маълумотлар ноқонуний кириш ёки ўзгартириш хавфига учраши мумкинлиги рақамли тизимнинг ишончлилигига таъсир кўрсатади. Айрим ҳолларда рақамли воситалардан судда ишончсиз далиллар тақдим этиш учун фойдаланиш ҳолатлари намоён бўлиши мумкин.

Шу боис, ахборот хавфсизлиги ва маълумотлар махфийлиги ва сифатли тақдим этилишини таъминлаш бўйича замонавий криптографик усуллар, блокчейн технологияси ва хавфсиз сервер тизимларидан фойдаланиш тавсия этилади, зеро бу рақамли суд тизимининг ишончлилигини оширади.

Тўртинчидан, судьялар ва иштирокчиларнинг рақамли кўникмалар даражаси турличалиги, суд ходимлари, қарздор ва кредиторлар томонидан электрон тизимлардан фойдаланишдаги тажрибанинг етарли эмаслиги иш жараёнини секинлаштиради ва амалиётда қийинчилик туғдириши мумкин.

Шу боис, электрон суд тизимини сунъий интеллект ва Big Data таҳлиллари билан бойитиш, тўловга қобилиятсизлик жараёнини прогнозлаш ва қарор қабул қилишда ёрдамчи восита сифатида жорий этиш, судья ва суд иштирокчиларнинг рақамли кўникмаларини ошириш бўйича мунтазам ўқув курслари ташкил этилиши лозим. Бу ўз навбатида электрон рақамли суд тизимида самарали ишлаш ва унинг имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланишни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда тўловга қобилиятсизлик институтида электрон суд амалиётини жорий этиш миллий суд тизимида замонавий, самарали ва очик судловни таъминлашнинг муҳим босқичи ҳисобланиб, бу марказлашган ахборот тизими орқали жараёнларни самарали ташкил этиш, иштирокчиларнинг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш, миллий суд тизимининг замонавий талабларга мослашуви ва инновацион ривожланишини ҳамда суд ишларини юритиш жараёнида шаффофликни ва қонунийликни таъминлайди.

Раҳматжон БЕРДИЯРОВ,

Одил судлов академияси доценти в.б., ю.ф.ф.д. (PhD).

МЕДИАЦИЯ: НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМИ

“Медиацция” – бу тушунча гарчи оддий эшитилса-да, амалиётда тадбиқ этилиши жиҳатидан жуда катта аҳамият касб этади. 2018 йил 1 апрелдан қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 10-боби 107-моддаси биринчи қисми 5¹, 5² ҳамда 5³ бандларида айнан медиацция тартиб-таомили қўлланилганда иқтисодий судда даъво аризасини кўрмасдан қолдириш масаласи белгиланган.

Медиацция келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усулидир.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, медиацция нафақат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, балки иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда ҳам самарали ҳисобланади.

ЎРҚ-531-сонли қонун билан Иқтисодий процессуал кодекснинг 107-моддасига киритилган ўзгаришдан кейин медиацция тартиб-таомилини қўллаш амалиёти кенг йўлга қўйилди.

Судга келиб тушган даъво аризалар бўйича ишлар кўрилишида тарафлар ўртасида профессионал медиаторлар ёрдамида медиатив келишувларнинг тузилиши судда иштирок қилаётган иштирокчилар учун янгилик ва имкониятларни яратди, десак муболаға бўлмайди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманлараро иқтисодий судда кўрилган ишларнинг 30 фоизи тарафлар медиатив келишувга эришганлиги боис, даъво кўрмасдан қолдирилган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 131-моддасига кўра, тарафлар низони келишув битимини ёки ме-

диатив келишувни тузиб ҳал этиши мумкин. Келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин. Келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси биринчи қисмини 9-бандида, агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда давлат божи қайтарилиши белгиланган.

2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси биринчи қисм 5¹, банди даъвогар низони жавобгар билан медиацция тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

5² банди медиацция тартиб-таомилини амалга ошириш ҳақида илтимоснома билан арз қилган тарафлар уни амалга ошириш муддати тугаганидан сўнг суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаса;

5³ банди тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса.

Мамлакатимизда фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини ҳамда суд ишларини кўрилишида ҳолисликни таъминлаш мақсадида медиацция тартиб-таомилининг кенг йўлга қўйилиши айниқса, тадбиркорлик субъектлари билан бўладиган иқтисодий низоларни адолатли ҳал этишда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Бу тартиб-таомилни айнан қонун даражасига кўтарилиб, Иқтисодий процессуал кодексига алоҳида модда тариқасида киритилганлиги ҳам суд процессида тарафларнинг ортиқча оворагарчилик ва харажатлардан ҳоли қилади ва ишларнинг тез кўрилиб, тарафларнинг кейинчалик ҳам судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмаган ҳолда ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга имкон беради.

Моҳира АЛЛАБЕРГАНОВА,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси.



МАЪНАВИЯТ БЎЛМАГАН ЖОЙДА..!

МАЪНАВИЯТ – бу шунчаки бир сўз эмас, балки моҳиятан ниҳоятда катта тушунча бўлиб, давлат ва жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Фазилатли ИНСОНга хос бўлган юксак ахлоқий қарашларга эга, бурчи олдида ҳузур-ҳаловатидан воз кеча оладиган, ижтимоий ҳаётнинг ўзига ром қиладиган, лекин шаънига доғ туширадиган баъзи бир лаззатларидан тийила биладиган, ҳар қандай шароитда ҳам фақат зеҳн-заковати ва тафаккури билан иш тутадиган, масъулиятли, одоб-ахлоқли одамни биз маънавият деб биламиз.

Мана шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, маънавият барча касб эгаларининг бирламчи хусусияти бўлиши шарт, айниқса биз судьяларда бу икки хисса кўпроқ бўлишини тақоза этади.

Бундан қарийб саккиз йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар экани, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмаслиги, шунинг учун ҳам судьялар, юрист кадрларни тайёрлаш ва судьялик лавозимига тайинлашда бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб, “айнан маънавий фазилатларнинг етишмаслиги туфайли айрим судьялар ўртасида қонунга зид ҳаракатлар содир этиш, нопоклик, таъмагирлик, одамларнинг дарду-ташвишларига лоқайд бўлиш, адолат мезонларига хилоф равишда қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учраб келаётгани”ни жиддий танқид қилган эдилар.

Дарҳақиқат, одил судлов учун масъул бўлган судьяларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари жами-

ят ҳаётида адолатни таъминлашнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат борки, юксак маънавий-ахлоқий қарашларга эга судьяларгина ўзининг судьяликдек ўта масъулиятли вазифасини, қолаверса инсоний бурчини виждонан бажаришга қодир бўлади.

Шубҳасиз, судьянинг билими, интеллектуал салоҳияти, тажриба ва малакаси юксак бўлишини инкор этмаган ҳолда унинг маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳам шунчалик муҳим аҳамиятга эга бўлишини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим!

Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан судьяларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини юксалтириш билан боғлиқ жуда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ишларнинг айримларини ҳеч иккиланмай йирик маънавий-маърифий лойиҳалар, деб айтиш тўғри бўлади.

Буларнинг замирида судьяларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини юксалтириш орқали суд тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва уларни барвақт аниқлаш масалалари ётади.

Бундай 4-5 йил олдин суд тизими ходимлари ўртасида коррупциявий жиноятларга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида фуқаролар қабулхоналарига “Пора берма” номли постер, суд бинолари ва судьяларнинг хизмат хоналарига эса “Пора олма” номли буклетлар жойлаштирилди.

Доимий равишда барча ҳудудларда “Ҳалоллик ва поклик – адолатнинг саодатли йўли” мавзусида инсоннинг қалбига ва руҳиятига ижобий таъсир кўрсатадиган жуда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Айниқса, бундай тадбирларда таниқли ва тажрибали ҳуқуқшунос олимлар, машҳур адиблар, шоир ва ёзувчилар, педагог ва психологлар, қолаверса диний уламоларнинг иштироки биз судьяларда катта таассуротлар қолдиради.

Судьялик ваколатларини сидқидилдан, қонуний амалга оширишда, шунинг баробарида хизматдан ташқари вақтларда, инчунун фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан муносабатларда Судьялик одоби кодекси талабларига қатъий риоя этишимиз, суд ҳокимияти обрўсини, судьянинг шаъни ва қадр-қимматини тушириши ёки унинг беғаразлиги, холислиги ва адолатлилигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан тийилишимиз шарт, деб биламан. Юқоридагилар эса албатта судьялардан юксак маънавиятни талаб қилади.

Зеро, маънавияти юксак, иродаси мустаҳкам инсон адолатсизликка йўл қўймайди.

Бахтиёр ҚЛИЧОВ,

жиноят ишлари бўйича Кўкдала туман судининг тергов судьяси.

**"Сен ўзингни
кўрмоқ истай-
санми? У ҳолда
кўзгудаги ташқи
қиёфангга эмас,
ичингдаги кўзгуга
боқ."**

**Тоҳир МАЛИКнинг
"Одамийлик мулки"
китобидан**

ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАРНИНГ СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада иқтисодий низоларнинг судга тааллуқлилигининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Иқтисодий ва бошқа умумий юрисдикция судлари ўртасидаги ваколатларни чегаралаш муаммоларига, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоясини таъминлаш нуқтаи назаридан суд тизими ислоҳотларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида Германия, Россия ва Қозғоғистонда бу каби масалаларни ҳал этишга ёндашувлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: тааллуқлилиқ, иқтисодий низо, иқтисодий ишлар бўйича суд, ваколат, суд ислоҳотлари, тадбиркорлик ҳуқуқи, суд маъмуриятчилиги.

Ўзбекистонда суд тизимини ислоҳ қилиш жараёнида иқтисодий низоларнинг судга тааллуқлилиги муаммоси алоҳида долзарблиқ касб этмоқда. Замонавий ўзгаришлар суд амалиёти бирлигини таъминлаш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ошириш ва бизнес вакилларининг одил судлов орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнини соддалаштиришга қаратилган. Бироқ, иқтисодий ишлар бўйича судлар ва бошқа турдаги умумий юрисдикция судлари ўртасидаги ваколатларни чегаралаш масалалари, айниқса, давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар, яъни тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги ишларда мунозарали бўлиб қолмоқда.

Судга тааллуқлилиқ масаласи суд маъмуриятчилигининг нафақат процессуал, балки тизимли элементи ҳисобланади, чунки низоларни кўриб чиқишнинг тезкорлиги, суд қарорларининг сифати ва тадбиркорлик ҳамжамиятининг суд тизимига бўлган ишончи унга боғлиқ.

Иқтисодий низоларнинг судга тааллуқлилиги – бу суд тизимининг турли бўғинлари ўртасида иқтисодий фаолиятдан келиб чиқадиган ишларни кўриб чиқиш бўйича ваколатларнинг қонунда белгиланган тақсимланишидир.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 25-моддасига кўра, иқтисодий судлар тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият билан боғлиқ ишларни, шунингдек юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, давлат органлари ва фуқаролик муомаласининг бошқа иштирокчилари ўртасидаги низоларни кўради.

Тааллуқлилиқ институтининг аҳамияти суд ҳимоясининг қонунийлиги ва олдиндан айтиб бериш мумкинлигини таъминлаш, суд функцияларининг тақдорланиши ва қарорлар коллизиясининг олдини олиш ҳамда судьяларнинг иқтисодий масалалар бўйича ихтисослашувини таъминлашда намоён бўлади.

Тааллуқлилиқ институтининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (134-модда)¹, Иқтисодий процессуал кодексида (5-боб, 1-параграф)², Фуқаролик процессуал кодексида³, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, “Судлар тўғрисида”ги Қонун⁴ ва Олий суд Пленуми қарорларида мустаҳкамланган.

2017-2020 йиллардаги суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида Ўзбекистонда иқтисодий ва маъмурий судларнинг дуалистик тизими бекор қилинди, бу эса процедураларнинг

унификациясини кучайтирди. Шунга қарамай, аралаш низоларнинг (масалан, юридик шахс ва давлат органи ўртасидаги) судга тааллуқлилиги масаласи очиқ қолмоқда.

Асосий муаммолардан бири тарафлардан бири иқтисодий муносабатлар соҳасида қарор қабул қилувчи давлат ҳокимияти органи (масалан, солиқ ёки божхона органлари) бўлган низоларнинг тааллуқлилигини аниқлашдир.

Амалиётда шундай ҳолатлар учрайдики, иқтисодий судлар далолатноманинг маъмурий хусусиятини рўқач қилиб, тадбиркорнинг шикоятини қабул қилмайди, маъмурий судлар эса ишни иқтисодий деб ҳисоблайди. Бундай “муаллақ компетенция”⁵ одил судловга эришиш тамойилининг бузилишига олиб келади ва ишни кўриб чиқишни чўзиб юборади. Иқтисодий ва маъмурий низоларни ажратиш мезонларини аниқ бирлаштириш зарур. Айниқса, низо юридик шахс билан тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган жисмоний шахс ўртасида келиб чиққан ҳоллар мураккаблиқ туғдиради. Масалан, устав капиталидаги улушлар ёки тижорат кўчмас мулкни ижарага олиш тўғрисидаги низоларда.

ИПКга кўра бундай ишлар кўпинча иқтисодий судга тааллуқли бўлмаган ишлар сифатида тавсифланади, бироқ моҳиятан иқтисодий хусусиятга эга.

Суд тизимининг номарказлашуви шароитида низоларнинг айрим тоифалари (хусусан, корпоратив ва солиқ низолари) бир вақтнинг ўзида иккита суднинг ваколатига кириши мумкин. Бу қарама-қарши қарорлар хавфини туғдиради ва ҳуқуқий аниқлик тамойилини бузади.

Хорижий ҳуқуқий тизимлар таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиқ институти суд тизимининг тузилиши ва ҳуқуқий аъналарнинг хусусиятига қараб турлича ҳал этилади. Бу борада Германия, Россия, Қозғоғистон ва Ўзбекистоннинг ёндашувлари энг ибратлидир.

Германияда умумий, маъмурий ва молиявий судларни ўз ичига олган уч бўғинли суд тизими амал қилади. Судга тааллуқлилиқни чегаралаш ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятига кўра амалга оширилади: оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар (масалан, давлат органларининг ҳужжатлари устидан шикоят қилиш) маъмурий судлар томонидан, хусусий ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги низолар эса иқтисодий ёки фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилади⁶. Бундай функционал ёндашув оммавий ва хусусий ҳуқуқ соҳалари ўртасида аниқ чегарани таъминлайди ва ваколатларнинг тақдорланишини истисно қилади.



Россия Федерациясида иқтисодий ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган ҳакамлик судларининг алоҳида тармоғи мавжуд. Низоларнинг тааллуқлилиги Россия Федерациясининг Арбитраж процессуал кодекси (АПК РФ) билан белгиланади. Субъектлар таркиби (юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар) ва муносабатлар хусусияти (тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш) асосий мезон бўлиб хизмат қилади⁷. Тадбиркорлар билан давлат идоралари ўртасида низо чиққан тақдирда иқтисодий судлари бундай ишларни низо тарафларнинг мулкӣй манфаатларига дахлдор бўлсагина кўриб чиқади-лар⁸.

Қозоғистон Республикасида иқтисодий судлар умумий юрисдикция судлари таркибида фаолият юритади, бироқ бунда функционал ихтисослашувни сақлаб қолади. Судга тааллуқлилиги субъектлар таркиби бўйича эмас, балки низо предмети бўйича аниқланади. Агар низо тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиқса, унда жисмоний шахслар ҳам иштирок этса, низо иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилиши мумкин⁹. Бу иқтисодиётни кенг талқин қилиш тенденциясини акс эттиради.

Иқтисодий низоларнинг тааллуқлилигини тартибга солиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ҳозирги ҳолати сезиларли ютуқларни кўрсатмоқда, бироқ айрим назарий ва амалий муаммолар ҳал этилмаган. Бу, энг аввало, иқтисодий ва маъмурий судлар ўртасидаги ваколатларни чегаралаш, "аралаш" низолар мезонларини белгилаш, шунингдек, процессуал ҳуқуқ нормаларининг бир хил талқин қилинишини таъминлашга тааллуқлидир. Мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида қонунчилик ва суд амалиётини изчил такомиллаштириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида аралаш, яъни айниқса, тарафлардан бири давлат органи бўлган низоларнинг судга тааллуқлилигининг аниқ ва тўлиқ мезонларини жорий этиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда бундай низолар кўпинча "юрисдикциядан ташқарида" бўлиб қолмоқда.

Такомиллаштиришнинг иккинчи йўналиши сифатида Германияда қўлланилаётган механизмга ўхшаш суд ваколатини олдиндан белгилаш институтини жорий этишни кўрсатиш мумкин. Мазкур институтнинг моҳияти шундан иборатки, низоли иш келиб тушганда суд муайян низони кўриб чиқишга ваколатли ёки ваколатли эмаслигини дастлабки босқичда аниқлашга ҳақли. Бу эса ишни судлар ўртасида ўтказиш билан боғлиқ жараённинг чўзилиб кетишига йўл қўймаслик, тадбиркорлик субъектлари аризаларининг тезкорлик билан кўриб чиқилишини қамолатлайди.

Ислохотларнинг учинчи йўналиши Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд амалиётини фаол ривожлантиришдан иборат. Судга тааллуқлилиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашда Олий суд Пленуми амалиёти муҳим ўрин тутиши лозим. Суд шарҳларини тизимлаштириш ҳамда ваколатнинг мураккаб ва мунозарали масалалари бўйича тушунтиришларни нашр этиш зарур, бу нафақат суд амалиётининг барқарорлигини таъминлайди, балки иқтисодий айланма иштирокчиларининг ҳуқуққа бўлган ишончини ҳам мустаҳкамлайди.

Иқтисодий судлар тузилмасида солиқ ва инвестиция ишлари бўйича ихтисослаштирилган ҳайъатларни ташкил этиш масаласи алоҳида эътиборга лойиқ. Бундай ҳайъатлар тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда низоларнинг мураккаб тоифаларини кўриб чиқиш ва судьяларнинг юқори даражадаги касбий маҳоратини таъминлаш имконини беради. Мазкур амалиёт Россия Федерациясида муваффақиятли амалга оширилган бўлиб, у ерда ҳакамлик судлари доирасида иқтисодий ишларнинг айрим турлари бўйича ихтисослаштирилган суд таркиблари фаолият юритади.

Ниҳоят, бизнес субъектларининг тегишли судларга мурожаат қилиш тартиби тўғрисидаги ҳуқуқий хабардорлик даражасини ошириш муҳим йўналиш бўлиб қолмоқда. Рақамлаштириш ва "АДОЛАТ" комплекс ахборот тизимлари жорий этилганига қарамай, тадбиркорларнинг аксарияти иқтисодий ёки маъмурий низо юзага келганда қайси судга мурожаат қилиш кераклиги ҳақида етарли билимга эга эмас. Ўқув дастурларини ўтказиш, услубий тавсияларни нашр этиш ва электрон ҳуқуқий хизматларни ривожлантириш тадбиркорларнинг ҳуқуқдан фойдаланишини сезиларли даражада осонлаштиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги институтини такомиллаштириш комплекс хусусиятга эга бўлиши лозим. У нафақат процессуал қонунчиликни ислох қилишни, балки суд амалиётини фаол ривожлантириш, судларнинг институтчионал ихтисослашувини, шунингдек, иқтисодий муомала иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришни назарда тутди. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши суд амалиётининг бир хиллигини таъминлаш, одил судлов сифатини ошириш ва умуман суд тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлаш имконини беради.

Ихтияр МАТМУРАТОВ,

Сирдарё вилоят судининг судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. <https://lex.uz/docs/3523891>
3. <https://lex.uz/docs/3517337>
4. <https://lex.uz/docs/5534923>
5. "Муаллақ компетенция" (ёки "коллизия тааллуқлилиги") атамаси муайян ишни бирон-бир суднинг юрисдикциясига аниқ киритиб бўлмайдиган вазиятни англатади, чунки низо бир вақтнинг ўзида ҳам хусусий-ҳуқуқий, ҳам оммавий-ҳуқуқий элементларга таъсир қилади. Бошқача айтганда, муаллақ компетенция судларнинг расмий таснифи (ҳуқуқ соҳалари бўйича) ва замонавий ҳуқуқий муносабатларнинг реал тармоқлараро табиати ўртасидаги тафовутни акс эттиради. Солиқ органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги тадбиркор ва давлат органи ўртасидаги низо бунга мисол бўла олади, у бир вақтнинг ўзида ҳам давлатнинг маъмурий ваколатларига, ҳам хусусий ҳуқуқ субъектининг мулкӣй манфаатларига дахл қилади.
6. Schwartz H. Verwaltungsrecht und Justiz in Deutschland. — Berlin: Springer Verlag, 2021. — S. 85–90.
7. Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации: принят Государственной Думой 24 июня 2002 г. (в ред. от 28.06.2023 г.) // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800
8. Постановление Пленума Верховного Суда РФ от 27 сентября 2016 г. № 36 "О некоторых вопросах применения АПК РФ" // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_205136
9. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан от 31 октября 2015 г. № 377-V (в ред. от 2023 г.) // <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1500000377>

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ЯНГИ ДАВР

Одил судловни таъминлашда суд ишларини олиб боришни шаффофлаштириш, судлар очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахслар учун адолатли суд хизматидан самарали ҳамда максимал даражада манфаатли фойдаланишни йўлга қўйиш, рақамлаштириш ва иш юритишда инсон омилини камайтириш ҳамда онлайн суд (давлат) хизматлари сонини оширишнинг аҳамияти жуда катта.

Ўзбекистонда судлар фаолиятини рақамлаштиришни янада кучайтириш мақсадида 2025 йилнинг 21 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-140-сонли Фармони қабул қилинди.

Халқимизга, хусусан, фуқаролар ва тадбиркорларга қулайликлар яратиш учун ушбу Фармон билан Ўзбекистон судлари фаолиятини ривожлантириш, жумладан, рақамлаштириш бўйича қуйидаги **7 та асосий мақсад** белгилаб олинди:

- суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан воз кечиш мақсадида **“Рақамли суд” концепцияси** асосида ишларнинг юритилишини босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтказиш;

- фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган **интерактив электрон хизматлар турларини ошириб бориш**, суд ҳужжатларидан нусха олиш, суд ишлари билан танишиш, аризининг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилигини аниқлаш, сунъий интеллект ёрдамида суд харажатларини ҳисоблаш имкониятини яратиш, шунингдек, суд томонидан тақиқланган манба ва контентларнинг электрон реестрини юритиш;

- судлар фаолиятига **сунъий интеллект технологияларини** жорий этиш учун зарур техник инфратузилма яратиш, шунингдек, ушбу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

- Олий суднинг ахборот тизимлари негизига **суд ҳужжатлари архиви модулини** ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- судлар фаолиятини рақамлаштириш бўйича **“Кибер ҳуқуқ”** йўналишида илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, судьялар ва суд аппарати ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакасини доимий ошириб бориш;

- **иқтисодий судлар тузилмасини оптималлаштириш** орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва ягона суд амалиётини шакллантириш;

- “Рақамли суд” концепцияси асосида босқичма-босқич суд мажлиси залларини ташкил этиш ҳамда аҳоли ва судьялар учун қулай ва замонавий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.

Эътиборли жиҳати шундаки, Концепция доирасида судларни рақамлаштиришнинг мутлақо янги фазаси – **сунъий интеллектдан фойдаланиш** масалалари ва имкониятларига ҳам дастлабки бор урғу берилди. Фармон билан, шунингдек, “Рақамли суд” концепциясини амалга ошириш ва суд ҳокимиятини рақамлаштиришнинг келгусидаги режаларини амалга ошириш бўйича бажарилиши керак бўлган вазифалар ҳам аниқ белгиланди.

Ушбу Концепция судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган бўлиб, у босқичма-босқич амалиётга жорий қилиб борилади ва уни амалга ошириш учун қуйидаги ишлар қилинади:

- Судга мурожаат қилишдан олдин, сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг эҳтимолий натижалари ҳамда қўйилган харажатлар таҳлил қилиниб, олдиндан шакллантирилади.

Бундан кўзланган мақсад – аввало судга мурожаат қилмоқчи бўлган шахсларнинг мавжуд муаммоларини ҳуқуқий йўл билан олдиндан ҳал қилиш, уларда мазкур масалаларнинг судловга тааллуқлилиги ва тегишлилиги, қонунчиликка асосан суд қандай тўхтамга келиши мумкинлиги бўйича тасаввур уйғотишдир. Чунки, биринчидан, бу орқали мурожаатчининг ҳуқуқий онги оширилади, иккинчидан эса, агар у қонуний жиҳатдан ноҳақ бўлса, муаммолари вазиятни судгача олиб бориш фикридан қайтиб, унга бошқа ҳуқуқий йўллар билан ечим излаш чораларини кўриши (жумладан, иккинчи томон билан келишув чораларини кўриши) мумкин бўлади. Ушбу имконият фуқароларнинг вақтини ва суд харажатларига сарфланадиган маблағларининг тежаб қолишига ҳам имкон беради. Натижада эса ҳар қандай муаммо ва низолар бўйича ҳам судга мурожаат қилиш камаёди, бу эса судларда маълум даражада иш ҳажмининг оптималлашишига ҳам таъсир қилади.

- Барча мурожаатлар суд органларига электрон форматда юборилади. Яъни мурожаатларни қоғоз шаклида юбориш билан боғлиқ турли қоғоз ва талаблардан халос бўлинади. Бу орқали мурожаатчилар учун энг осон ва қулай усулдан фойдаланишга ўтилади. Чунки мурожаатлар судларнинг электрон маълумотлар базасига онлайн шаклда келиб тушади. Умуман олганда, бугунги кунда ҳам айнан шу тарзда мурожаатларни судга қабул қилиш амалиёти ва тартиблари мавжуд. Аммо мазкур Фармонга кўра, мурожаатларни электрон қабул қилиш секин-аста тўлиғича электрон форматга ўтказилади.

- Суд жараёнида иштирок этувчи шахслар суд биносига келмасдан, масофадан туриб онлайн тарзда қатнашиш имкониятига эга бўлади.

Бу амалиёт ҳам ҳозирги вақтда судларда мавжуд. Хусусан, суд залларида ишларни видеоконференцалоқа (ВКА) режимида ўтказиш учун зарур алоқа воситалари ўрнатилган бўлиб, фуқаролар ўзлари истаган жойдаги суд биносидан туриб, суд мажлисларида онлайн қатнашишлари мумкин. Бундан ташқари, <https://vka.sud.uz/> сайтига кириш орқали “TE Desktop” (компьютерлар учун) ёки “TE Mobile” (телефон қурилмалари учун) дастурини ўрнатиш орқали, фуқаро ва тадбиркорлар, биронта суд биносига бормасдан, ишонаси ёки уйдан чиқмаган ҳолда компьютер ёки мобил телефони воситасида, ҳатто хорижда туриб суд мажлисларида қатнашишлари мумкин. Юқоридаги Фармон асосида келажақда судлардаги мазкур имкониятлардан максимал даражада кенг фойдаланилиши мумкин бўлади.

- Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ишга оид барча ҳужжатлар ва материаллар билан электрон тарзда танишиш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунда судларга электрон тарзда даъво ариза (ариза) киритган шахсларда мазкур имконият мавжуд бўлиб, судларнинг

ахборот тизимини янада такомиллаштириш, унинг бошқа давлат ташкилотларининг маълумотлар базаси ва давлат интерактив маълумот платформалари билан интеграциясини мустаҳкамлаш орқали ушбу имкониятдан барча ишда иштирок этувчи шахсларнинг фойдаланишларига шароит яратилади.

• **Суд харажатлари электрон усулда ҳисобланади ва тўланади, ижро варақалари эса автоматик равишда ижрога юборилади.**

Ҳозирги вақтда суд харажатларини муурожаатчи ўзи ҳисоблашига тўғри келмоқда. Суд харажатлари, айниқса, давлат божларини тўғри ҳисоблаш ва тўлашда айрим ҳолларда турли хатоликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Гарчи суд платформаларида фуқаролик ва иқтисодий ишлар юзасидан давлат божини ҳисоблаш бўйича айрим имкониятлар яратилган бўлса-да, бу муурожаатчиларнинг турли суд ишлари бўйича барча суд харажатларини ҳисоблаш ва тўлаш бўйича эҳтиёжларини тўлақонли таъминлаб бера олмаслиги мумкин. Қолаверса, суд ҳужжати қабул қилиниши вақтида судьянинг суд харажатларини тўғри ҳисоблаши ва ёки тақсимлаши учун ҳам мукамал ҳисоблаш механизмига зарурат мавжуд. Бундан ташқари, бугунги кунда турли ижро варақалари турлича кўринишда ундирувчиларга ёки МИБга юборилмоқда. Бу эса суд ҳужжатларининг ижро қилинишида хилма-хилликни келтириб чиқариши мумкин.

• **Суд ишлари тўлиқ электрон форматда, замонавий ахборот технологиялари асосида юритилади.**

Бугунги кунда судларда иш юритишни рақамлаштириш ва ишларни электрон юритиш борасида жадал ислохотлар олиб борилмоқда. Шундай бўлса-да, судларда айрим тоифадаги ишлар илгаригидек – қоғоз шаклида, айримлари – гибрид шаклда (муурожаатчи томонидан электрон тарзда юборилган ариза бўйича ишнинг қоғоз шаклда юритилиши), бошқалари эса тўлиқ электрон шаклда юритилмоқда. Бу ҳам судларда ишларни юритишнинг ҳали ҳам турлича кўринишда олиб борилаётганлигини, иш юритишнинг классик усуллари (қоғоз шаклида) тўлиқ воз кечилмаганлигини, бу эса давлат бюджетига сезиларли даражада молиявий юк бўлиб тушаётганлигини, судларга муурожаат қилишда инсон омили ҳали максимал даражада чекланмаганлигини англатади.

• **Суд мажлислари баённомалари сунъий интеллект ёрдамида реал вақтда матн шаклида тайёрланади.**

Бугунги кунда ҳам деярли барча ҳолатларда (ВКА, мобил ВКА режимида кўрилиб, аудио-видеофиксация қилинадиган ишлардан ташқари) суд мажлиси баённомалари суд мажлиси котиблари томонидан “эски” услубда қоғозда ёзилади, иккинчидан, баённомани ёзиш улардан анча вақтни талаб қилади, учинчидан, ушбу баённомаларни яна компьютерда қайтадан ёзиб чиқиш эса ундан-да кўпроқ вақтни олади, тўртинчидан, мазкур баённомаларни ёзиш ва имзолаш муддатлари ҳам қонунчилик билан чегараланган бўлиб, баённомаларни ўз вақтида ва батафсил ёзиш кўп меҳнат ва маҳоратни талаб қилади. Бу эса суд мажлиси котибларининг бошқа хизмат вазифаларини қилишлари учун етарли вақт ажратишларига жиддий салбий таъсир қилиши мумкин.

• **Суд ҳужжатлари лойиҳалари автоматик равишда шакллантирилади.**

Ҳозирги кунда барча судларда ва барча тоифадаги ишлар бўйича ҳамма суд ҳужжатлари судьялар томонидан қўлда қўлда тайёрланади. Масалан, иқтисодий судларда ажрим, ҳал қилув қарори, қарор ва суд буйруғи каби суд ҳужжатлари чиқарилади (қабул қилинади). Шунингдек, бу ҳужжатлар турли тоифадаги ишлар бўйича

турлича кўринишда бўлади. Қолаверса, ҳар бир судьянинг ўз ёзиш услуби, тактикаси бўлиши ҳам мумкин. Биргина суд ажримларининг жуда кўплаб турлари мавжуд. Мазкур ҳужжатларнинг ҳаммаси қўлда ёзилади ва уларни ёзиш ниҳоятда кўп вақтни олади. Ваҳоланки процессуал қонунчиликда барча суд ҳужжатларининг ёзилиши ва ўз вақтида ишда иштирок этувчи шахсларга юборилиши бўйича қатъий талаблар белгилаб қўйилган.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун ҳам Фармонда “Рақамли суд” концепцияси асосида 2025 йил якунига қадар, пилот лойиҳа сифатида Тошкент шаҳрида иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий низоларни кўришга мўлжалланган суд мажлиси заллари ташкил этилиши, шунингдек, Олий суд томонидан “Рақамли суд” концепцияси доирасида кўриладиган низолар бўйича ишлар тоифаси тасдиқла-ниши, мазкур Концепцияни 2026 — 2027 йилларда босқичма-босқич мамлакатимизнинг барча судларида татбиқ этилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Фармон билан 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган суд соҳасини рақамлаштириш ва одил судлов жараёнларига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш дастури тасдиқланган бўлиб, унга кўра:

- 2025 йил 1 декабрдан бошлаб фуқаролар, адвокатлар, юристлар, судьялар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш платформасини ишга тушириш;

- 2025 йил якунига қадар суд ҳужжатларини автоматик тайёрлаш махсус ахборот дастурини яратиш;

- 2026 йил 1 январдан бошлаб “mysud.uz” интерактив хизматлар порталида фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш модулини жорий этиш, бунда сунъий интеллект асосида ишлайдиган виртуал маслаҳатчини яратиш, ҳуқуқий муурожаатларга жавоб бериш ҳамда суд маълумотларини автоматик етказиш;

- 2026 йил 1 мартдан бошлаб фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки суд маълумотларини фуқароларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олиш имкониятини яратиш;

- 2026 йил якунига қадар фуқароларга одил судловга эришишда қулай имкониятлар яратиш мақсадида 5 та янги интерактив хизматларни йўлга қўйиш, шунингдек, суднинг ахборот тизимидаги “Шахсий кабинет” платформасининг фойдаланувчилар учун янада қулай бўлган янги версиясини ишлаб чиқиш белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, “Рақамли суд” концепцияси — бу суд фаолиятини рақамлаштиришнинг техник босқичигина эмас, балки одил судловни таъминлаш шароитларининг тубдан ўзгаришидир. Бу ислохотлардан мақсад – фуқаро ва тадбиркорларнинг одил судлов орқали ўз ҳуқуқ ва манфаатлари янада самарали ҳимоя қилинишига шароит яратишдир. Сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланилиши ва суд ахборот тизимларининг давлат органларнинг маълумотлар базаси ҳамда бошқа миллий интерактив хизматлар билан интеграциялашуви суд тизимининг классик иш юритиш моделидан замонавий тизимга ўтишини англатади. Ушбу трансформация, нафақат одил судлов самарадорлигига, балки, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ва демократик давлатнинг асосий ҳуқуқий принципларини амалий тарзда таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Авазжон САТТОРОВ,

Сариусиё туманлараро иқтисодий суди раиси.

ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

АННОТАЦИЯ: мақолада мамлакатимиздаги моддий ва процессуал қонун ҳужжатларида судлар фаолиятида исботлаш ва далилларнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш, унинг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларда акс этиши, далиллар ва исботлаш институтининг Ўзбекистон судлар фаолиятидаги тажрибаси ўрганилди.

Калит сўзлар: далиллар, исботлаш, Ўзбекистон тажрибаси, судлар фаолияти, хорижий тажриба.

Маълумки, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида далиллар исботлаш воситалари ҳисобланади. Тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатларнинг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далиллардир. Бу маълумотлар қуйидаги воситалар, яъни: тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда улар қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари) билан аниқланади¹.

Судга оид далиллар бу иш учун аҳамиятли бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни олишнинг қонун билан белгиланган процессуал воситаларига ва исботлаш аҳамиятга эга бўлган фактларга айтилади.

Амалдаги фуқаролик процессуал кодекси талабига асосан суд фуқаролик ишини кўраётганда ишга оид далилларни бевосита текшириши: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини, экспертларнинг хулосаларини ва мутахассисларнинг маслаҳатларини (тушунтиришларини) эшитиши, ёзма далиллар билан танишиши, ашёвий ва рақамли далилларни кўздан кечириши шарт.

*Яхши табъинг,
яхши қилгай
фикрингни.*

**Шарофиддин
Али ЯЗДИЙ**

Қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши шарт бўлган ишнинг ҳолатлари бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин эмас.

Суд далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда, ҳар тарафлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради.

Ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан, далилларнинг мажмуи эса етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб топилади.

Ҳеч бир далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас.

Далилларга баҳо бериш натижаларини суд ҳал қилув қарорида акс эттириши шарт бўлиб, унда айрим далиллар суднинг хулосаларини асослаш воситаси сифатида қабул қилинганлиги, бошқа далиллар суд томонидан рад этилганлиги сабаблари, шунингдек айрим далилларнинг афзаллиги асослари келтирилади.

Ҳужжатларга ёки бошқа ёзма далилларга баҳо беришда суд бошқа далилларни инобатга олган ҳолда, бундай ҳужжат ёки ёзма далил шу турдаги далилларни тақдим этишга ваколатли бўлган орган томонидан берилганлигига, ҳужжатни имзолаб тасдиқлаш ҳуқуқига эга шахс томонидан имзоланганлигига, мазкур турдаги далилнинг бошқа барча ажралмас реквизитлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши шарт.

Ҳужжат ёки бошқа ёзма далилнинг кўчирма нусхасига баҳо беришда суд нусха кўчириш вақтида унинг аслига нисбатан мазмуни ўзгариб қолмаганлигини, нусха кўчириш қандай техник усулда бажарилганлигини, нусха кўчириш ҳужжатнинг кўчирма нусхаси унинг асли билан бир хиллигини кафолатлашини, ҳужжатнинг кўчирма нусхаси қандай тарзда сақланганлигини текширади.

Агар ҳужжатнинг асли йўқолган ва судга тақдим этилмаган бўлса, низолашаётган ҳар бир тараф томонидан тақдим этилган ушбу ҳужжатнинг кўчирма нусхалари эса ўзаро бир хил бўлмаган ҳамда бошқа далиллар ёрдамида ҳужжатнинг асл мазмунини аниқлашнинг иложи бўлмаган тақдирда, суд ҳужжатнинг ёки бошқа ёзма далилнинг фақат кўчирма нусхаси билан тасдиқланган ҳолатларни исботланган деб ҳисоблаши мумкин эмас².

Ахборот технологияларининг ривожланиши ўз навбатида фуқаролик процессида ҳам электрон маълумотлар ва рақамли далиллар тақдим қилинишини эътиборга олган ҳолда процессуал кодексга қўшимчалар киритилиб, буларни тартибга солиш механизмини ишлаб чиқишни тақозо этади.



Кодексга киритилган 89¹-моддада электрон маълумотларга тариф берилган бўлиб, уни тақдим қилиш тартиби ва кўздан кечириш процесси ҳақидадир.

Мазкур кодекснинг 89²-моддаси эса рақамли далиллар ҳақида бўлиб, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги электрон маълумотлар, шу жумладан электрон тарздаги файллар, аудио-, видеоёзувлар, интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган маълумотлар, шунингдек бошқа электрон маълумотлар рақамли далиллар эканлиги кўрсатилди.

Президентимиз томонидан 2025 йил 21 августдаги ПФ-140 сонли "Судлар фаолиятига суъний интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони³ қабул қилиниши Ўзбекистонда "Рақамли суд" концепцияси асосида ишлар юритилишини босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтказишни белгилайди. Бу эса процессуал кодекс талабига асосан рақамли далилларнинг суд мажлисида олиниши, текширилиши ва баҳо берилишида муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан ҳисобланади.

Далиллар мақбуллигига оид суд амалиёти умуллаштирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги "Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича далиллар ва исботлашга оид қонун нормаларини қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 35-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур Пленум қарорининг 13-бандида тушунтирилишича, процессуал қонун талабларига мувофиқ, фуқаролик ишлари бўйича исботлаш далиллар алоқадорлиги ва мақбуллиги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Далиллар мақбуллиги қондаси (ФПК 74-моддаси) қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши шарт бўлган иш ҳолатлари бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин эмаслигини англатади (масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 109-моддасида белгиланган битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик, низо келиб чиққанда тарафларни битим тузилганлиги ва унинг шартларини тасдиқлаш мақсадида гувоҳлар кўрсатуви таяниш ҳуқуқидан маҳрум қилади).

Далиллар алоқадорлиги қондаси (ФПК 73-моддаси) суд томонидан, фақат низо предмети алоқадор ҳолатларни тасдиқловчи далиллар кўришга қабул қилиниши мумкинлигини англатади. Шунга кўра, судлар барча ҳолларда, айнан қайси ҳолатлар иш бўйича аҳамиятга эга эканлигини ва гувоҳлар кўрсатувлари, ёзма, рақамли ёки ашёвий далиллар билан тасдиқланиши мумкинлигини аниқлаб олишлари лозим.

Судлар далилларга баҳо беришда иш учун барча ҳолатларни тўлиқ ўрганиб, процессуал қонун талаби ҳамда мазкур Пленум қарори тушунтиришларига таянган ҳолда қарор қабул қилиши лозим бўлади.

Суд амалиётига оид ишлар ўрганилганда, фуқаро судга даъво киритиб, жавобгардан қарзини ундириб беришни сўрайди. Суд ўз навбатида ишни жавобгар иштирокисиз кўриб чиқиб, даъвогар томонидан тақдим қилинган тилхат

асосида даъво қаноатлантириш ҳақида хулосага келади. Жавобгар суднинг қароридан хабар топгач, юқори инстанцияга шикоят билан мурожаат қилиб, ишда мавжуд тилхатни имзоламаганлигини, тилхат у томонидан ёзилмаганлигини иддао қилади. Ўз навбатида юқори инстанция суди жавобгарнинг шикоятдаги вазжаларини текшириш мақсадида, суд-хатшунослик экспертизаси тайинлайди. Экспертиза хулосасига асосан ишда мавжуд тилхат жавобгар томонидан ёзилмаганлиги ва имзоланмаганлиги аниқланади.

Биринчи инстанция суди ўз навбатида далилларга баҳо беришда хатоликка йўл қўйган бўлиб, ишда жавобгарнинг иштирокини таъминлаш ва даъво бўйича унинг тушунтирилишини олиши лозимлигини эътибордан четда қолдирганлиги сабаб қарор юқори инстанцияси томонидан бекор қилинган.

Суд процессига тарафларни жалб қилишда ҳуқуқий таъсир чораларини амалда ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, фуқаролик процессида тарафлар иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролик процессуал кодекси нормаларига асосан барча ишларда тарафлар низо юзасидан исботлаш ва далилларни тақдим қилишда тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Ўз навбатида ишга мажбурий келтириш ҳам харажат ва вақтни олишини инобатга олиш лозим бўлади.

Бугунги кунда суд процессига тарафларни чақиришда "гибрид почта" ва "смс хабарнома" хизматидан фойдаланиб келинмоқда. Бу ҳам вақт ва сарф-харажатни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида биометрик паспорт тизими доирасида идоралараро ўзаро ҳамкорлик тўғрисида"ги қарори⁴нинг 1-бандига "фуқаролар биометрик паспорти олиш жараёнида шахснинг электрон почтасини яратиш" тўғрисида қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ўз навбатида давлат ва фуқаро ўртасида мулоқотни ташкил қилади. Мисол учун суд чақирув хатлари, солиқ қарздорлиги ҳақида талабномалар ва бошқалар фуқаронинг электрон почтасига юборилади. Мазкур ҳолатда эса вақт ва сарф харажатларнинг олдини олади.

Бизнингча, бу каби муаммоларнинг ҳал этилиши одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириб, фуқароларнинг суд ҳокимиятига ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ойбек ХАСАНОВ,

*Фарвона вилоят суди раисининг ўринбосари,
фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси <https://lex.uz/docs/3517337>
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси <https://lex.uz/docs/3517337>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Судлар фаолиятига суъний интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 2025 йил 21 августдаги ПФ-140 сонли <https://lex.uz/docs/7696567>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида биометрик паспорт тизими доирасида идоралараро ўзаро ҳамкорлик тўғрисида"ги қарори, 2012 йил 6 март, 63-сон <https://lex.uz/docs/1975912>

КЕЛИШУВ БИТИМИ – НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

Азал-азалдан шахслар ўртасида низо келиб чиқса ёши улуглар, жамиятда обрўли инсонлар ўртага тушиб, низолашаётган томонларни ўзаро яраштиришга ҳаракат қилиб келган, яъни медиацияни қўллаган ҳолда низоларнинг ечимига эришилган.

Юридик нуқтаи назаридан, медиация — низоли тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули ҳисобланади.

Мазкур амалиёт мамлакатимизда “Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан йўлга қўйилган. Тадбиркорлар ўртасида низо келиб чиқса ва томонлардан бири иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилган бўлса, суд тарафларга низоли медиатив келишув йўли билан ҳал этиш мумкинлигини тушунтиради. Башарти, томонлар низоли медиатор ҳузурида ҳал этиш истагини билдирса, суд уларга икки ойдан ошмаган ҳолда муддат беради ва бу орада ишни кўриш тўхтатилади. Агарда тадбиркорлар шу муддат давомида медиатив келишувга эришса, суд даъвони кўрмасдан қолдиради.

Судга иши тушган тадбиркорларимиз яхши билади — судда иш кўрилса, албатта, давлат божи ундирилади. Лекин томонлар ўртасида медиатив келишув тузилганда ва суд даъвони кўрмасдан қолдирган бўлса, ҳеч бир тарафдан давлат божи ундирилмайди, агар давлат божи олдиндан тўланган бўлса, қайтариб берилади.

Биргина 2024 йил давомида Бухоро вилояти иқтисодий судлари томонидан кўрилган 282 та даъво аризалари тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилган ва тадбиркорлик субъектларидан 24,1 млрд. сўмлик давлат божи ундирилмаган.

Бу албатта тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий имкониятлари яхшиланиб иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келган.

Энди табиатан медиатив келишувга яқин бўлган келишув битимига келсак, келишув битимига нисбатан қонунчиликда бундай рағбатлантириш чораларини кўрмаймиз.

Ҳўш, келишув битими ўзи нима? Келишув битими деганда, ўзаро келишишга асосланган, даъво талаби (талаблари)га нисбатан аниқликка эришишга қаратилган, низоли ҳал қилиш тўғрисидаги тарафларнинг ёзма келишуви тушунилади.

Келишув битимини тарафлар ва низолининг предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар суднинг ҳар қандай инстанциясида ҳамда суд ҳужжатини ижро этишда ҳам тузишлари мумкин. Ишда иштирок этмаган шахслар низоли ҳал қилиш тўғрисидаги келишув битимида иштирок этиши мумкин эмас, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар бундан мустасно.

Лекин амалдаги қонунчилигимизда тарафлар ўртасида келишув битими тузилганда уларнинг суд харажатларидан тўлиқ ёки қисман озод қилиниши назарда тутилмаган. Бу эса низоли томонларнинг келишув битими тузишга бўлган қизиқиши камайишига олиб келмоқда.

Яна статистик маълумотларга қарасак, 2024 йил давомида Бухоро вилояти иқтисодий судларида кўрилган ишларнинг 78 таси келишув битими тузилганлиги сабабли иш юритишдан тугатилган, ушбу ишлар бўйича тарафлардан 376,5 млн. сўмлик давлат божи ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-184-сонли фармонининг биринчи банди “в” кичик бандига кўра, 2025 йил 1 мартдан бошлаб судда иш юритиш тарафлар келишув битими тузганлиги сабабли тугатилганда, жараён тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга биринчи инстанция судида иш юритиш пайтида амалга оширилганда тўланган давлат божининг 70 фоизи миқдорида, апелляция ва кассация тартибиде берилган шикоятлар бўйича амалга оширилганда тўланган давлат божининг 30 фоизи миқдоридаги дав-

лат божи суммаларини қайтариб бериш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифларга розилик берилган.

Шундан келиб чиқиб, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддаси биринчи қисмини қўйидаги мазмундаги 9¹-банд билан тўлдириш таклиф этилади (тафтиш инстанциясини ҳам киритиш лозим):

“9¹ тарафлар келишув битими тузганлиги сабабли иш юритиш тугатилганда, биринчи инстанция судида — тўланган давлат божининг 70 фоизи; апелляция, кассация ва тафтиш тартибиде берилган шикоятлар бўйича судда — тўланган давлат божининг 30 фоизи миқдорида”.

Шу ўринда, тарафлар ўртасида келишув битими тузишни рағбатлантириш учун яна бир таклифга эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, низоли келишув битими ёки медиатив келишув тузиб ҳал этиш ҳуқуқига фақатгина тарафлар эга (Иқтисодий процессуал кодекси (ИПК) 131-модда). Маълумки, даъвогар (аризачи) ва жавобгар иқтисодий суд ишларини юритишдаги тарафлардир.

Лекин амалиётдаги айрим ҳолатларда низо предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар ҳам келишув битими тузиш хоҳишини билдиради. Лекин амалдаги қонунчилигимиз бунга тўсқинлик қилади.

Агар низоли кўриш жараёнида судга юқоридагидек келишув битими тақдим этилган тақдирда, суд ИПКнинг 134-моддасига мувофиқ, келишув битимининг шартлари учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлганлиги сабабли уни тасдиқлашни рад этади ва ишни мазмунан кўради.

Келишув битими тузилиши ва низолининг келишув йўли билан ҳал этилиши низолидаги барча тарафлар, бошқа учинчи шахслар учун ва ҳатто суд учун ҳам манфаатли. Чунки, судгача келган низо ўзаро тинч йўл билан ўз ечимини топанлиги амалдаги қонунчилигимизда ҳам қўллаб-қувватланади.

Хусусан, ИПК нормаларига кўра, судья судгача мажлис ўтказиш, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида ва суд муҳокамаси давомида ҳам тарафлардан келишув битимини тузиш ёки низоли ҳал қилишнинг муқобил усуллари эҳтимолини аниқлайди ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради, тарафларни келиштириш чораларини кўради, тарафнинг илтимосномаси бўйича, у низоли келишув йўли билан ҳал қилиш мақсадида суддан кўмаклашни сўраб мурожаат қилган тақдирда суд муҳокамасини кейинга қолдиради ва ҳ.

Шундан келиб чиқиб, ИПК 131-моддасига “Низо предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар ушбу келишув шартларига мувофиқ ҳуқуқларга эга бўлган ёки мажбуриятлар юкланган ҳолларда келишув битимида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади” деган мазмундаги қисм билан тўлдириш, ИПК 134-моддаси биринчи қисмининг 2-бандини “унинг шартлари битимда иштирок этмаган бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлса” деган таҳрирда баён этиш таклиф этилади.

Юқоридагиларга кўра, амалдаги қонунчилигимизга ушбу таклиф этилаётган ўзгартiriшларнинг киритилиши низолининг ўзаро келишув йўли билан тинч ҳал этилишини янада рағбатлантиради ва ўз ўрнида судга келаётган низолининг камайишига, тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро келишувчанлик ва ўзаро ишонч ортишига, пировардида эса республикаимиз иқтисодиётининг ривожланиб боришига олиб келади.

Салимжон АБДУРАСУЛОВ,

Бухоро вилояти суди раиси ўринбосари,

Азизбек АСАДОВ,

Бухоро вилоят судининг катта консултантанти.

КОНСТИТУЦИЯ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ

АННОТАЦИЯ: мақолада, илк қонунлар ва уларнинг кўриниши, Конституция, Ўзбекистон ССР Конституцияси, Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг яратилиш тарихи, хорижий тажриба, халқ муҳокамалари, Янги Ўзбекистон конституциясининг яратилиши ва қабул қилиниши баён этилган.

Калит сўзлар: Конституция, БМТ, ЕХҲТ, муқаддима, боб, модда, таълим олиш ҳуқуқи, ёшлар ҳуқуқлари, экологик ҳуқуқлар, ушлаб туриш, Роман-герман, норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

Ер юзида инсоният пайдо бўлганидан то бугунги кунга қадар давом этаётган цивилизация ўзининг кўп минг йиллик тарихида кўплаб воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Шулардан бири инсоният тарихида давлатларнинг пайдо бўлиши эди. Давлатларнинг пайдо бўлиши инсоният ҳаётининг сифат жиҳатидан янги босқичи бўлиб, бу цивилизациялашувнинг асосий белгиси эди. Ҳукмдорлар олдида эса ушбу давлатни бошқариш энг асосий масала сифатида турар эди. Шундай шароитда улар қонунлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга кириштириш муаммоларининг ечими деб баҳолаб, бирин-кетин қонунлар тўпламларини ёзма шаклда ишлаб чиқа бошладилар.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратиш бўйича илк қадам Олий Кенгаш қарори билан 1990 йил 21 июнь куни Конституциявий комиссия тузиш билан бошланди. Ушбу комиссия Конституция лойиҳаси устида 2 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлади. Биринчи маротаба 1992 йил 8 сентябрда Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. Ушбу йиғилишда лойиҳани охирига етказиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гуруҳ тузилди. Янги Конституциянинг биринчи лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрь куни тайёр бўлди ва шу куни матбуотда чоп этилди. Лойиҳа эълон қилинган, унинг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олди.

1992 йил 21 ноябрда умумхалқ муҳокамасини давом эттириш учун Конституция лойиҳаси иккинчи марта газеталарда чоп этилди. Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент – икки босқичли умумхалқ муҳокамаси юз берди. Ушбу ҳолат, бир томондан, муҳокама иштирокчиларини фаоллаштириш учун қудратли рағбат вазифасини бажарган бўлса, иккинчи томондан, Асосий Қонунизмнинг халқчиллигини таъминлади. Конституция лойиҳасининг ўзи кенг жамоатчилик экспертизасидан ўтди. Конституция лойиҳасини икки босқичда муҳокама этиш учун матбуотда эълон қилинишининг маъноси шундан иборат эдики, фуқаролар унинг қайта ишланган вариантида ўз иштирокларининг натижасини кўра олдилар. Конституция лойиҳасининг янги вариантида умумхалқ муҳокамасининг дастлабки босқичида келиб тушган кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўз ифодасини топди. Фуқароларимиз Конституциявий комиссия томонидан уларнинг овози эшитилганига, таклифлари тегишли равишда кўриб чиқилиб, инобатга олинганига ишонч ҳосил қилдилар. Конституциявий комиссия томонидан 1992 йил 6 декабрда Конституция лойиҳаси охириги марта муҳокама этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки,

Конституциявий комиссия жаҳон конституциявий тажрибасининг бир қатор илғор жиҳатларини ҳисобга олди. Лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция каби демократик давлатлар мутахассисларининг синчков экспертизасидан ўтди. Айниқса, унинг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш ҳамда жуда бой материал тўплаш имконини берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди. Олий Кенгаш сессиясига муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгаришлар, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Парламент депутатлари томонидан лойиҳа модда-модда муҳокама қилиниб, унга яна бир қатор ўзгаришлар киритилган, 1992 йил 8 декабрь куни Бош Қомусимиз қабул қилинди. Шу кундан эътиборан, 8 декабрь – умумхалқ байрами деб эълон қилинди. Конституциямиз 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат эди.

2017 йилдан мамалакатимиз тараққиётида бошланган туб ислохотлар кун тартибига асосий қонун ҳисобланган конституцияни замон талабларига мос равишда ўзгартириш вазифасини кўйди. Қисқа муддат ичида конституциявий комиссия тузилди ва асосий қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш устида иш бошланди. Иш фаолиятида комиссияга 2 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди. Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун тайёрланган конституциявий қонун лойиҳасида амалдаги конституциянинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгартиришлар киритиш, 16 нормани ўз ичига олган 6 та янги модда қўшиш таклиф этилди. Мазкур таклифлар умумий ҳисобда амалдаги конституцияга 65% миқдоридagi ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни назарда тутганлиги сабабли уни умумхалқ муҳокамаси – референдумда кўриб чиқиш таклиф этилди. Шунингдек конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамаси учун www.meningkonstitutsiyam.uz сайти ишга туширилди. 2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдум натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий Қонунни маъқуллади. Ушбу қонуннинг 1-моддасидаги илова билан янги таҳрирдаги Ўзбекистон

Республикасининг Конституцияси тасдиқланди. Мазкур конституция муқаддима, 6 бўлим, 27 боб, 155 моддадан иборат. Янги Конституцияга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан бири бу Ўзбекистоннинг – суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилиши бўлди. Ушбу модда билан давлат сиёсатининг ижтимоий соҳага йўналганлиги ва мамлакат дунёвий мамлакат эканлиги асосий қонун даражасида мустақамланиши бўлса, яна бири инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмуни этиб белгиланиши бўлди. Ушбу модда давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг фақат ва фақат фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишига асос бўлди. Чунки ҳар қандай демократик, ҳуқуқий давлатда қонунлардаги зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлиши шарт ва зарур.

Бундан ташқари Конституцияда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича нормалар белгиланди. Ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини ошириш имконини беради. Шу билан бирга ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланиши кафолатланди.

Аҳоли ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарурий шарти сифатида Конституцияда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Шу муносабат билан, давлат атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилиши ҳақида норма белгиланди. Шаҳарларнинг бош режаларини жамоатчилик муҳокамасидан мажбурий ўтказилиши шартлиги қайд этилди. Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эгалиги белгиланди.

Таълим олиш ҳуқуқи ва имконияти кенгайтирилади, мустақиллигимиз давомида биринчи маротаба ўқитувчилар конституциявий мақомга эга бўлди. Жумладан, фуқароларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилди. Асосий қонунда фуқароларнинг бепул бошланғич касб-хунарга ўқитилиши ҳам

белгиланди. Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти қайд этилди. Олий таълим ташкилотларига илк маротаба академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи тақдим этилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари сезиларли даражада кучайтирилмоқда. Хусусан, шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Яъни, шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши шарт этиб қўйилди. Натижада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан шахсни ноқонуний равишда ушлаб туриш, қамоққа олиш ва қамоқда сақлашга қаратилган ҳаракатларнинг олди олинди. Бу орқали халқаро эътироф этилган «Хабеас корпус» институтини қўллаш қўлами янада кенгайди. Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шартлиги, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик (халқаро эътироф этилган «Миранда қониси»), сукут сақлаш ҳуқуқи берилди.

Ёшлар ҳуқуқларининг ҳимояланиши ва уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирокини рағбатлантирувчи бир қатор нормалар киритилди. Жумладан, давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, ёшларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириши, ёшларнинг интеллектуал, ижодий, jisмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиши, ёшларнинг таълим олишга, соғлигини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши, шунингдек уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланадиган, ватанпарвар сифатида тарбиялаш вазифасини олди.

Бундан ташқари оммавий ахборот воситаларига оид бир қанча муҳим нормалар белгиланган бўлиб, уларга давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлаши, оммавий ахборот воситаларининг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлаши билан бирга уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашини белгиланган тартибда жавобгарликка тортишни мустақамлаб қўйди.

Янги Конституцияда энг муҳим белгиланган нормалардан бири бу конституциянинг бутун мамлакат ҳудудида тўғридан-тўғри амал қилиши бўлди. Бу норма назарий жиҳатдан таҳлил қилинганда бир қанча қарама-қаршиликларни ўзида мужассамлаштиради.

Қуйида уларни атрофлича таҳлил қиламиз. Демак, ушбу нормага биринчи навбатда тўғридан-тўғри амал қилишининг ҳуқуқий аҳамияти юзасидан ёндашадиган бўлсак, бу жуда ажойиб натижа. Чунки мамалакат ҳуқуқ тизимининг асосини ташкил этувчи асосий қонун бевосита ва тўғридан-тўғри амал қилади. Лекин бизнинг ҳуқуқ тизимимиз Роман-герман ҳуқуқ оиласи сифатида асосий қонунимизнинг тўғридан-тўғри амал қилиши қанчалик мақсадга мувофиқ? Роман-герман ҳуқуқ оиласининг асоси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қабул қилинган қонунларни амалга тадбиқ қилиш учун ўз ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда қонуности ҳужжатларини жорий қилиши, бу эса ўз навбатида бир неча мураккаб босқичдан иборат бўлган иерархик тизим асосида қонунни амалиётда ишлашини таъминловчи механизм ҳисобланади. Яъни қабул қилинган қонун тўғридан-тўғри ишга тушмайди, бунинг амалда иложи ҳам йўқ. Чунки бу қонун ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим ва долзарб масалаларини умумий тарзда тартибга солади ва ҳал этади холос. Қонуности ҳужжатларида эса ушбу масалаларни ҳал этиш ва тартибга солишда қайси давлат органи қандай вазифани амалга ошириши, уни қандай тартибда бажариши, оқибат ёки натижа қандай бўлиши, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, зиддият ва қарама-қаршиликларнинг олдини олиш, молиялаштириш механизми ва тартибини ҳар бир қадам кетма-кетлиги асосида батафсил белгилайди. Бу белгилаш қўшма қарор, буйруқ, низом кўринишида акс этади.

Айрим ҳолларда қонунлар ҳам тўғридан-тўғри жорий этилиши мумкин. Бундай ҳолатларда ушбу қонунлар фақат аниқ ва битта ижтимоий муносабатни тартибга солади. Бироқ бундай вазиятларда ушбу қонун бажарилмаганлиги учун келиб чиқадиган оқибатга нисбатан жавобгарлик қўллаш масаласи очиқ қолади. Масалан Конституциянинг 150-моддасида сўм Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона чекланмаган қонуний тўлов воситаси эканлиги белгиланган. Ушбу нормадаги чекланмаган сўзининг ўзи сўмни бутун республика ҳудудида тўлов воситаси сифатида ишлатиш мумкин эканлигини ва ундан фойдаланишда ҳеч қандай чекловлар йўқлигини кўрсатади. Ушбу норма Конституциянинг 150-моддаси бўйича тўғридан-тўғри амал қилади. Бироқ "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ автобусларда йўловчи ташиш хизматини кўрсатиш давомида сўм пул бирлигини купюралар кўринишида қабул қилмайди. Тўлов фақат электрон тўлов тизимлари ва пластик карточкалар орқали амалга оширилиши талаб қилинади. Агар сизда пластик карточка ёки электрон тўлов тизимлари бўлмаса чиптахонадан чипта сотиб олишингизга тўғри келади. Бу эса ўз навбатида ортиқча вақт ва тушунмовчиликни келтириб чиқаради. Автобусларда сўм купюраларни қабул қилмаслик бевосита Конституциянинг бузилиши эмасми? Бундай ҳолат учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик

белгиланмаган, шу билан бирга Конституциянинг ушбу нормаси бузилганида уни ҳал қилиш тартиби амалдаги қонунчилигимизда мавжуд эмас. Айнан мана шу механизм мавжуд эмаслигининг ўзи қонуннинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш бўйича асосий муаммодир.

Иккинчи тарафдан олиб қараганда Конституциянинг тўғридан-тўғри ва бевосита амал қилиши юқори даражада қонунийликнинг таъминланиши дейиш мумкин. Масалан Конституциянинг 27-моддасига мувофиқ шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Ушбу норма терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов, тезкор-қидирув фаолиятини олиб боровчи органларнинг шахсни ушлаб туриш жараёнини тўғридан-тўғри тартибга солади. Яъни улар ўз фаолияти давомида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини процессуал тартибда ушлаб туриш, унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлашда ушбу нормага асосан вақтни белгилайди. Бу бир вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ушлаб туриш борасидаги аниқ вақтини белгилаб берса, бошқа томондан фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқларининг таъминланишини кафолатлайди. Шунинг учун ҳам қонуннинг тўғридан-тўғри ва бевосита амал қилишини таъминлашда биринчи навбатда уни амалга ошириш механизмини, иккинчидан эса бажарилмаган тақдирда жавобгарлик масаласини ҳал этиш лозим.

Асосий қонунимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали Конституциянинг янги тахрирда қабул қилиниши конституциявий ислохотларнинг Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган мақсадларга мос олиб бораётганлигининг ёрқин намунасидир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш бу борадаги ислохотларнинг марказига олиб чиқилмоқда.

Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси катта ўқитувчиси,
Адлия катта маслаҳатчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 285 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 йил, 03/23/837/0241 сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик Декларацияси // 20.06.1990 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида" қонуни, 31.08.1991 йил // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги конституциявий қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
7. www.meningkonstitutsiyam.uz
8. www.lex.uz
9. www.xs.uz

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ДАЪВО МУДДАТИ ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ

АННОТАЦИЯ: мақолада фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда даъво муддати институтининг ҳуқуқий табиати, моҳияти ва аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, Россия, Германия ва АҚШ фуқаролик қонунчилигидаги даъво муддати тизими билан қиёсий таҳлил амалга оширилиб, халқаро тажриба билан миллий ҳуқуқ тизими ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: фуқаролик ҳуқуқи, даъво муддати, Фуқаролик кодекси, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, умумий ва махсус даъво муддатлари, қонунчилик, қиёсий таҳлил.

Шахсий-номулкий, мулкый, шартномавий, ворислик каби фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар инсон ҳаётининг барча жабҳаларида вужудга келади. Ушбу муносабатларнинг барқарор бўлиши, ҳуқуқлар ўз вақтида амалга оширилиши ва бузилганлари адолатли тарзда тикланиши учун қонунчиликда турли механизмлар мавжуд. Шулардан бири — даъво муддати институти ҳисобланади.

Даъво муддати шахснинг бузилган ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш учун белгиланган вақт чегарасини англатади. Бу институт ҳуқуқий аниқлик ва барқарорликни таъминлаб, суд амалиётида “адолатли мувозанат”ни сақлашга хизмат қилади. Унинг асосий вазифаси — фуқаролар ва юридик шахсларни ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида амалга оширишга ундаш ҳамда судларни ортиқча даъволар билан банд бўлиб қолишидан ҳимоя қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 149-моддасига кўра, даъво муддати — шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир. Умумий даъво муддати — уч йил қилиб белгиланган. Яъни, ҳуқуқи бузилгани ҳақида билган (ёки билиши лозим бўлган) кундан бошлаб уч йил давомида фуқаро судда ўз даъво ҳуқуқини ҳимоя қилиш имконига эга. Ушбу вақт давомида судга мурожаат қилинмаса, шахс ўз ҳуқуқларини тиклаш учун судга даъво кўзғатиш ҳуқуқини йўқотиши мумкин. Шундай қилиб, даъво муддати шахсга ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун бериладиган ҳуқуқий имконият бўлиб, унинг асосий вазифаси фуқаролик судлов ишларида барқарорликни таъминлаш ва қарздорни мажбуриятини ўз вақтида бажаришга ундашдан иборатдир.

Даъво муддати институтининг мақсади — фуқаролик суди иштирокчиларини ўз ҳуқуқларини ўз вақтида амалга оширишга йўналтириш, жавобгарни эса қонунда кўрсатилган муддат ичида жавобгарликка мажбур қилишдир.

Юридик адабиётларда олимлар даъво муддати институтининг турли жиҳатларига алоҳида эътибор қаратганлар.

Масалан, ҳуқуқшунос олим Е.М. Казанцев таъкидлайдики, даъво муддати муайян шахс учун эмас, балки умумий ҳуқуқий тартибни таъминлаш учун жорий этилган бўлиб, у даъво аризаси қимдан келиб тушганлигидан қатъи назар, ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг умумий чегарасини белгилайди.

А. В. Козачукнинг фикрича, даъво муддати институтининг ҳуқуқий табиати фуқаролик-ҳуқуқий битимларнинг барқарорлигини таъминлашда, шунингдек, уларда иштирок этувчи шахсларни ҳуқуқий интизомга риоя қилишга ундашда намоён бўлади.

А. С. Мужичкова эса даъво муддатининг асосий мақсадини “ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги ва олдиндан башорат қилина олинисини таъминлаш” деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу институт чексиз ва ноаниқ даъволарнинг олдини олиб, фуқаролик муомаласида адолат ва қонунийликни сақлаб қолишга хизмат қилади. Шу билан бирга, тадбиркорлар ва фуқаролар ўз ҳуқуқлари фақат белгиланган муддат ичида судда ҳимоя қилинишини билиб, суд тизимига ишонч билан қарайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси даъво муддатини кенг тарзда тартибга солади. Кодексда умумий ва махсус даъво муддатлари, даъво муддатларини ўзгартириш тўғрисидаги битимнинг ҳақиқий саналмаслиги, даъво муддатини қўллаш, унинг ўта бошланиши, мажбуриятдаги шахслар алмашинганида даъво муддатининг белгиланиши, ушбу муддат ўтишининг тўхтатилиши, узилиши ҳамда даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларга бағишланган қоидалар белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 155-моддасида мажбуриятдаги шахсларнинг алмашиниши даъво муддати ва уни ҳисоблаш тартибининг ўзгаришига олиб келмаслиги белгиланган. Яъни, агар мажбуриятда иштирок этувчи шахслар (қарздор ёки кредитор) алмашса (масалан, қарздор ўрнига бошқа шахс келса ёки талаб ҳуқуқи бошқа шахсга ўтса), бу ҳолат даъво муддатини ўзгартирмайди.

Умумий қоидага кўра, даъво муддати судга мурожаат қилиш учун бериладиган вақт шахс ўз ҳуқуқи бузилганини билган ёки билиши керак бўлган кундан бошланади. Масалан, агар сизга қимматли мулк зарар етказса ёки шартномани бузса ёхуд мулкнингизни қонуний равишда олса, даъво муддати шу воқеани билганингиз ёки билишингиз керак бўлган кундан ҳисобланади.

Даъво муддати институтининг моҳияти ва қоидалари дунёнинг кўплаб давлатларида ўхшаш бўлса-да, муддатлар ва қўлланилиш тартибида фарқларга эга. Масалан, Россия Федерациясининг Фуқаролик кодексига даъво муддати — бу фуқаро ёки компания ўзининг бузилган ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиши мумкин бўлган вақт давридир. Умумий қоидага кўра, даъво муддати уч йилни ташкил этади. Бироқ айрим ҳолатларда бу муддат анча қисқа ёки узок бўлиши мумкин. Даъво муддати — бу қонунчилик билан белгиланган муайян вақт даври бўлиб, унда даъвогар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилиши мумкин. Россияда даъво муддати худди бизнинг фуқаролик қонунчилигимиз каби императив характерга эга, яъни уни томонлар ўзаро келишув орқали ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Даъво муддатлари давомийлиги жиҳатидан турлича бўлиши мумкин. Шу муносабат билан улар икки турга бўлинади: умумий даъво муддати ва махсус даъво муддатлари.

Умумий қоидага кўра, шахс ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга уч йил ичида мурожаат қилиши мумкин. Бу муддат даъвогар қуйидагилар ҳақида билган (ёки билиши керак бўлган) вақтдан бошланади:

- ўз ҳуқуқининг бузилганлиги ҳақида;
- ҳуқуқини тиклаш учун қиммат даъво кўзғатиш лозимлиги ҳақида.

Демак, Россия Федерациясида умумий даъво муддати уч йиллик муддат қилиб белгиланган. У шахс ўз ҳуқуқининг бузилганлигини ва бу ҳуқуқни бузган шахсни билган (ёки билиши керак бўлган) кундан бошлаб ҳисобланади.

Махсус даъво муддатлари Россия Федерацияси Фуқаролик кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган бўлиб, улар турли ҳуқуқий муносабатларга қараб фарқ қилади.

Турли давлатларда даъво муддатлари ҳар хил белгиланган. Масалан, Германияда фуқаролик даъволари бўйича умумий даъво муддати 30 йил этиб белгиланган, аммо айрим махсус турдаги даъвогар (масалан, деликт — яъни зарар етказиш билан боғлиқ даъвогар ёки фоиз талаблари)да бу муддат фақат 2 ёки 3 йил бўлиши мумкин. Умумий даъво муддатларидан ташқари, кўплаб махсус қонунларда айрим шахслар томонидан ёки айрим шахсларга қарши даъво кўзғатиш мумкин бўлган муддатлар ҳам чеклаб қўйилган. Масалан, тўхмат (сўз билан ҳақорат қилиш) бўйича даъвогар, жарима ёки компенсация талаб қилиш ҳақидаги ишлар ҳамда айрим давлат мансабдор шахсларига қарши даъвогар одатда жуда қисқа муддатлар билан чекланади — кўп ҳолларда бу муддат олти ойдан кам бўлади.

Шунингдек, мерос ишларини бошқариш билан боғлиқ жараёнлар ҳам қисқа даъво муддатига эга бўлиб, одатда у меросни бошқарувчи ёки ижрочи тайинланган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, даъво муддати институти нафақат жамиятда ҳуқуқий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади, балки томонларнинг суд орқали қилинган муддат ичида ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларни бажаришни тартибга солади. Ўзбекистонда ушбу институтнинг қонунчилик асослари яқин йилларда яшилланган, суд амалиётида эса унинг қоидалари қатъий ва адолатли қўлланилишини таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади.

Козимжон ХОЛДОРОВ,

Термиз давлат университети ўқитувчиси,
Мунир РАВШАНОВ,

Самарқанд вилояти академик лицей ўқитувчиси.

ЭКЗИСТЕНЦИАЛ ВА ҲУҚУҚИЙ ДРАМАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАҲЛИЛИ

Жаҳон адабиётининг етук вакили Франц Кафка (1883–1924) XX асрнинг энг таъсирчан ва фалсафий ёзувчиларидан бири сифатида бутун дунё маданиятида алоҳида ўринга эга. Кафканинг асарлари инсоннинг дунёдаги ҳимоясизлиги, бюрократия ва тизим олдидаги ночорлиги, маънавий ва ҳуқуқий англашилмаслик каби мавзуларни ёритади.

Кафканинг “Жараён” романи 1914–1915 йилларда ёзилган бўлиб, 1925 йилда нашр этилган. Асар инсоннинг ақлга мувофиқ бўлмаган тизим билан тўқнашуви, айб ва жазо тушунчалари ҳамда экзистенциал тафаккурнинг чуқур ифодаси сифатида талқин этилади.

Роман нафақат модернизм давридаги ижтимоий-ҳуқуқий фалсафани, балки инсоннинг ички дунёсидаги беқарорликни ҳам ифода этади. Кафка бу романи орқали “адолат” ва “жиноят” тушунчаларининг маънавий моҳиятини қайта кўриб чиқишга чорлайди.

Романда бош қаҳрамон Йозеф К. оддий хизматчи бўлиб, кунларнинг бирида ҳеч бир сабабсиз равишда “айбланади”. Ачинарли томони шундаки, унинг устидан қайси идора ёки ким томонидан иш қўзғатилгани номаълум. Шу ҳолда у турли даражадаги “суд” органларига чақирилади, аммо у ерда ҳам қонун, айблов ёки ҳимоянинг аниқ белгиси кўринмайди.

Ушбу ҳолат Кафканинг абсурд реалигини яратади: жиноят мавжуд эмас, аммо айб бор; суд бор, аммо адолат йўқ; инсон бор, аммо эркинлик ғояси йўқ. Асар қаҳрамони Йозеф К.нинг ҳаёти аста-секин бу тушунарсиз жараён томонидан йўқ қилинади. Роман охирида у сабабсиз равишда ўлдирилади, бу эса инсоннинг тизим олдидаги мутлақ ночорлигини намоён қилади.

Мазкур асар экзистенциализм фалсафаси билан узвий боғлиқ бўлиб, Сартр, Камю ёки Хайдеггер сингари мутафаккир ёзувчилардан аввалроқ, Кафка инсоннинг “маъносиз дунёдаги мавжудлиги” ҳақида ёзгани алоҳида эътирофга сазовор.

Асар қаҳрамони Йозеф К.нинг ҳолати – инсониятнинг мавжудлик драмаси: инсон ўз ҳаётини тушунишга уринади, лекин уни тушунтириб берадиган тизим йўқ.

Асарда Кафка тушунарсиз дунёдаги айб туйғусини марказга қўяди. Бу айб реал жиноят билан боғлиқ эмас, балки инсоннинг мавжудлигининг ўзи айбдек намоён бўлади. Бу, хусусан, диний ва онтологик маънода “қудратли куч олдидаги айбдорлик” ғояси билан ҳам уйғун. Йозеф К.нинг айбсизлиги уни қутқармайди; чунки айбнинг манбаи ақл билан эмас, тақдир билан белгиланган.

“Жараён” романи – бу фақат фалсафий асар эмас, балки жамиятдаги бюрократик тизимнинг инсон руҳига таъсирини кўрсатувчи сатирик драма ҳамдир. Романда Кафка расмий идораларни, хусусан суд тизимини ва давлат маъмуриятини метафора сифатида қўллайди.

Бу тизимлар инсонни шахс сифатида эмас, балки рақам, ҳужжат ёки “иш жадвали” сифатида кўради. Асарда суд биноси одамлар яшайдиган уйнинг томида жойлашган – бу тасвир ҳуқуқий тузумнинг маънавий жиҳатдан чиркин шаклини кўрсатади. Суд ходимлари, котиблар, адвокатлар – барчаси ҳақиқий адолатни эмас, балки ўз лавозимларини сақлаб қолишни ўйлайди.

Шу тариқа, Кафка инсоннинг ҳокимият ва қонун олдидаги онгсиз итбатини фош қилади. Унинг фикрича, бюрократия инсон онгини йўқ қиладиган “машина” дир.

Адибнинг бу услуби “рамзий реализм” ёки “абсурд реализм” деб аталади. У реал ҳаётни тасвирлар экан, унинг ичидаги мантиқсизликни очади. “Жараён” романидаги ҳар бир қаҳрамон ва воқеа рамзий маъно касб этади: Чунончи, суд – инсон тафаккури тушунолмайдиган тизимнинг рамзи; Йозеф К. – замонавий инсон, замонавий жамият кўрбони; қонун – мавҳум, инсон учун етиб бўлмайдиган адолат тимсоли; жиноят иши қўзғатиши – инсоннинг мавжудлиги билан боғлиқ тушунарсиз айб рамзи.



Кафка тилидаги оддийлик ва расмийлик асарнинг таъсирини қучайтиради: у ҳеч қандай ҳиссиётни тўғридан-тўғри ифода этмайди, лекин ўқувчида кучли руҳий беҳузурлик уйғотади.

Таъкидлаш керакки, XXI асрда Кафканинг “Жараён” романи замонавий инсоннинг рақамли бюрократия ва назорат тизимидаги ҳолати билан янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда инсон маълумотлар базалари, алгоритмлар ва давлат аппарати олдида Кафка ёзган “айбсиз айбдор” ҳолатига тушмоқда.

Замонавий тадқиқотчилар Ю. Хабермас, С. Жижек, М. Фуко ва бошқалар Кафкани “ҳокимият ва назорат фалсафаси”нинг илк таҳлилчиси сифатида кўради. Унинг асарлари орқали инсон эркинлиги ва масъулияти ҳақидаги муаммолар янги ракурсда ёритилади.

Франц Кафканинг “Жараён” романи нафақат бир шахснинг фожиаси, балки бутун инсониятнинг замонавий жамиятдаги руҳий изтироби рамзидир. Унда ҳуқуқ, адолат ва инсон қадрининг йўқотилиши, бюрократик тизимнинг маънавий драмага айланиши, ҳамда экзистенциал айбдорлик туйғуси марказда туради.

Кафка ўқувчини аниқ жавоб эмас, балки Инсон нима учун айбдор? Қонун нима? Адолат қаерда? деган абадий саволлар билан қолдиради. Шу боис, “Жараён” – бу фақат бир асар эмас, балки инсониятнинг маънавий кўзгусидир. У ҳар бир замонда ўз маъносини янгича ифода эта олади.

Луқмонбой АСАТОВ,

Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди раиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Kafka, F. Der Prozess. Berlin: Verlag Die Schmiede, 1925.
2. Camus, A. Le Mythe de Sisyphe. Paris: Gallimard, 1942.
3. Foucault, M. Surveiller et punir. Paris: Gallimard, 1975.
4. Brod, M. Franz Kafka: A Biography. New York: Schocken Books, 1960.
5. Žižek, S. The Metastases of Enjoyment. London: Verso, 1994.
6. Habermas, J. The Structural Transformation of the Public Sphere. MIT Press, 1989.
7. Қаюмов, Б. “Кафка ва инсоннинг маънавий фожиаси”. Ўзбек адабиёти журнали, №3, 2015.

ҲАРБИЙ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ДИПЛОМАТИК ҲАМКОРЛИК

“Биз ҳарбий соҳада халқаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, жумладан, яқин ва узоқ хориждаги стратегик ҳамкорларимиз билан ҳарбий-техник ва ҳарбий-сиёсий мулоқотни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратамиз”¹.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистон Республикасининг БМТ, ШХТ, МДХ, ОТМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳарбий-дипломатик соҳадаги ҳамкорлик муносабатлари таҳлил этилади. Муаллиф халқаро ташкилотлар билан амалга оширилаётган офицерлар тайёрлаш, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, тинчликпарварлик, қўшма учрашув ва машғулотлар каби йўналишлардаги фаолиятларни атрофлича ёритади.

Калит сўзлар: ҳарбий дипломатия, халқаро ташкилотлар, офицерлар тайёрлаш, тинчликпарварлик, ҳамкорлик муносабатлари, муҳофаза сиёсати, Ўзбекистон.

Ўзбекистон ҳарбий соҳада бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар билан стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳамкорлик алоқаларини яхши йўлга қўйган. Бу муносабатлар мамлакатнинг ҳарбий-дипломатик салоҳиятини мустаҳкамлаш, минтақавий барқарорликни таъминлаш, жанговар тайёргарлик, ҳарбий таълим, тинчликпарварлик ва киберхавфсизлик соҳаларида илғор тажрибаларни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, айти масала юзасидан халқаро ташкилотлар доирасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик форматларини таҳлил этиш, мавзунинг илмий-амалий аҳамиятини очиш ҳамда ҳарбий-дипломатик ҳамкорлиkning турфа институционал моделларини солиштирма таҳлил қилишга шароит яратди.

Ўзбекистоннинг ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги борасида хорижий таҳлилчилар турли фикрларни билдирадилар. Хусусан, Россиялик Марказий Осиё бўйича етакчи эксперт Александр Князев Ўзбекистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) ва Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти (КХШТ) доирасидаги ҳарбий ҳамкорлигини “миллий суверенитетни устувор қадрият” деб билиш сифатида баҳолайди. Унинг таъкидлашича Тошкент ҳар қандай ҳарбий блокка қўшилишдан ўзини тияди, бироқ стратегик алоқаларни сақлаб қолишга эътибор қаратади².

Франциялик халқаро ҳуқуқ ва ташқи сиёсат тадқиқотчиси Baptiste Jeangène Vilmer томонидан илгари сурилган “Норматив куч” назарияси доирасида Европа Иттифоқи ва Франция Ўзбекистон билан ҳамкорликда ҳарбий соҳада инсон ҳуқуқлари, шаффофлик ва институционал назорат механизмлари асосида салоҳиятни ривожлантиришни мақсад қилмоқда. Унинг таъкидлашича, ҳарбий ислохотлар инсон хавфсизлиги стандарти билан уйғунлаштирилиши зарурлигига алоҳида урғу беради³.

Ўзбекистон бир қанча халқаро ташкилотлар билан ҳарбий йўналишларда ҳам ҳамкорлик қилади. Хусусан, БМТ билан ҳарбий ва ҳарбий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликка ўзининг глобал хавфсизлик ва тинчликни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсий йўналишининг устувор қисми сифатида қараб келмоқда. Бундай ҳамкорлик, аввало, халқаро тинчликпарварлик операцияларида иштирок этиш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш, инсон ҳуқуқлари ва халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини ҳарбий хизматчиларга сингдириш, шунингдек, терроризм, жиноятчилик ва қуроли можа-роларни олдини олиш соҳаларида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон 2010 йилдан бошлаб БМТнинг “Тинчликпарварлик қобилиятига тайёргарлик тизими” (Peacekeeping Capability Readiness System – PCRS) доирасида фаолият юритиб, ўз ҳарбий хизматчиларининг халқаро миссиялардаги иштирокини таъминлаш бўйича институционал салоҳиятини босқичма-босқич ривожлантириб келмоқда⁴.

Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТнинг ҳарбий соҳадаги қўшимча дастурлари, жумладан, “Uniformed Gender Parity Strategy”⁵ ва “Integrated Training Service”⁶ орқали ҳарбий хизматчиларнинг фуқаролик ҳимояси, қонун устуворлиги, маҳаллий аҳоли билан мулоқот ва маданий ҳассослик каби соҳаларда тайёргарлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, 2022 йилда БМТнинг Comprehensive Training Initiative for Peace Support Operations (COTIPSO)⁷ дастури доирасида Тошкентда минтақавий семинар ташкил этилган бўлиб, унда Марказий Осиё давлатларининг 40 дан ортиқ ҳарбий ва полиция хизматчилари қатнашган⁸.

Ўзбекистон ШХТнинг асосчиларидан бири сифатида ушбу ташкилот доирасидаги ҳарбий ҳамкорликни миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган муҳим стратегик восита сифатида баҳолайди. ШХТнинг ҳарбий соҳадаги фаолияти, аввало, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши қўшма кураш, ҳарбий-техник тайёргарлик, жанговар ҳамкорлик ва фавқулодда вазиятларга тайёргарлик каби йўналишларда амалга оширилади. Ташкилотнинг “учта ёвуз куч”⁹ – “терроризм, сепаратизм ва экстремизм”га қарши йўналтирилган концепцияси Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлик стратегияси билан уйғунликда шакллантирилган.

Ўзбекистон ҳар йили ШХТ доирасида ўтказиладиган “Мирная миссия” (Peace Mission) номли қўшма ҳарбий машқларда фаол иштирок этиб келмоқда. 2021 йил сентябрь ойида Россиянинг Оренбург вилоятида бўлиб ўтган “Мирная миссия-2021” ва Қозоғистонда ўтказилган “Марказ-2021” машғулотларида Ўзбекистон Қуроли Кучлари 200 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчи билан қатнашди¹⁰.

Шунингдек, Ўзбекистон ШХТ доирасидаги ҳарбий таълим соҳасида ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, 2020 йилдан буён Тошкент Ахборот технологиялари университети ва Хитойнинг PLA National Defence University ўртасида ҳарбий IT мутахассислар тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Марказий Осиёдаги кибертаҳдидларга қарши курашиш бўйича ШХТнинг махсус таҳлил гуруҳларида ўзбекистонлик ҳарбий мутахассислар ҳам фаол иштирок этмоқда¹¹.

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллиkning дастлабки йилларида минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида 1992 йилда тузилган Коллектив Хавфсизлик Шартномасига (КХШ) қўшилган ва 2006 йилда КХШ асосида тузилган КХШга аъзо бўлган. 2012 йилда Ўзбекистон мазкур ташкилотдан чиқиш қарорини қабул қилган бўлса-да, КХШнинг айрим аъзо давлатлари – хусусан, Россия, Беларусь ва Қозоғистон билан икки томонлама асосда ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни давом эттирмоқда¹².

Ўзбекистон Республикаси НАТО билан муносабатларни 1996 йилда ташкилотнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” (Partnership for Peace – PfP) дастурига

қўйилиш орқали бошлаган. Бу ташаббус Ўзбекистоннинг нейтраллик ва кўп векторли ташқи сиёсат принципларига мос равишда, хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида йўлга қўйилган¹³.

2023 йилда ҳамкорлик янада янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси НАТО билан "Индивидуал шериклик дастури" (*Individual Partnership and Cooperation Programme*) доирасидаги алоқаларни қайта тиклади ва ушбу дастур асосида бир нечта устувор йўналишлар бўйича ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олинди. Хусусан, киберхавфсизликни таъминлаш, ҳарбий кадрларни қайта тайёрлаш, ҳарбий соҳага рақамли технологияларни жорий этиш, норматив-ҳуқуқий ислохотларни қўллаб-қувватлаш ҳамкорлигининг марказий нуқталаридан ҳисобланади¹⁴.

Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) билан ҳарбий ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик 1992 йилдан буён давом этмоқда. Шу пайтдан бошлаб хавфсизлик, қурол-назорати, ҳарбий шаффоқлик ва минтақавий барқарорлик соҳаларидаги алоқаларни изчил равишда ривожлантириб келмоқда. ЕХХТнинг хавфсизлик бўйича кенг қамровли ёндашуви (*Comprehensive Security Concept*) Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги "мулти-вектор" стратегияси ва "тинчликпарварлик дипломатияси" тамойиллари билан уйғунлашади¹⁵.

ЕХХТ билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ички ислохотлар жараёнида ҳарбий соҳани демократик назорат асосида модернизация қилиш, инсон ҳуқуқлари, шаффоқлик ва халқаро стандартларга мослашувини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда ЕХХТнинг Тошкентдаги Лойиҳа координатори (PCUz) орқали қатор хавфсизлик ва ҳарбий-ҳуқуқий ислохот лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Европадаги яна бир катта тузилмалардан бири Европа Иттифоқи (ЕИ)дир. Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар 1996 йилда "Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги битим" (*Partnership and Cooperation Agreement – PCA*) имзоланган пайтдан бошлаб изчил ривожланиб келмоқда. Гарчи ЕИ тузилмасига тўғридан-тўғри ҳарбий иттифоқ сифатида қаралмаса-да, унинг ташқи ва хавфсизлик сиёсати (*Common Security and Defence Policy – CSDP*) доирасида Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорлик хавфсизлик ва тинчликпарварлик соҳаларида фаол йўлга қўйилган¹⁶.

Бу каби ҳамкорлик БМТ, ШХТ, КХШТ, ЕХХТ, НАТО, ЕИ ва Ўзбекистон ўртасида нафақат хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот соҳаларида, балки ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик асосларини мустаҳкамлашга, соҳавий ислохотлар, халқаро стандартлар ва инсон ҳуқуқларини ҳарбий хизматда жорий этишга хизмат қилмоқда.

Юқорида қайд этилган маълумотлардан билиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон БМТнинг PCRS ва ITS дастурлари доирасида ҳарбий кадрларини тайёрлашда фаол иштирок этмоқда, минтақавий семинарлар ташкил қилмоқда. GCSP билан ҳамкорлик асосида ҳарбий дипломатия ва киберхавфсизлик соҳаларида ўқув курслари ва форумлар ўтказилмоқда. Бу ҳамкорликлар Ўзбекистоннинг халқаро ҳарбий таълим ва тинчликпарварлик соҳаларидаги нуфузини мустаҳкамламоқда.

Илмий таҳлиллардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда Янги Ўзбекистон шароитида ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган баъзи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда айрим ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд эканлигини таъкидлаш керак.

Хусусан, ҳозирда амал қилаётган "Мудофаа тўғрисида"ги ва "Қуролли Кучлар тўғрисида"ги Қонунлар ҳарбий ҳамкорлик ва халқаро тинчликпарварлик соҳаларидаги фаолиятни фақат умумий қоидалар билан қамраб олган. Мазкур қонунларнинг мазмунида:

а) БМТ, НАТО, ШХТ, ЕХХТ, ЕИ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик механизмлари ҳуқуқий жиҳатдан алоҳида қонуний тартибга солинмаган;

б) парламент ва фуқаролик жамиятининг ҳарбий-дипломатик фаолият устидан назорати институционал асосда таъминланмаган.

Юқорида аниқланган ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, шунингдек, Янги Ўзбекистон шароитида ҳарбий ҳамкорлик ва халқаро тинчликпарварлик соҳаларидаги фаолиятни тизимли асосда такомиллаштириш мақсадида "Халқаро ҳарбий ҳамкорлик ва ҳарбий-дипломатик фаолият тўғрисида"ги алоҳида қонунни қабул қилиш долзарб ва илмий жиҳатдан асосланган ташаббус ҳисобланади. Ушбу қонун мазмунида қуйидагиларни назарда тутиш лозим:

✶ кадрлар тайёргарлиги ва институтларнинг мувофиқлаштирувни таъминлаш;

✶ халқаро курс ва миссияларга юбориш механизмларини қонун билан белгилаш;

✶ миллий тайёргарлик марказларини ташкил этиш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш.

Юқорида келтирилган Ўзбекистоннинг ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик йўналишларини тизимли таҳлил қилиш асосида, мамлакатнинг халқаро тинчликпарвар ташкилотлар, ҳарбий таълим платформалари ҳамда глобал хавфсизлик марказлари билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик муносабатларини илмий таҳлил асосида ёритиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур йўналишларни комплекс таҳлил этиш нафақат мавзунинг илмий салоҳиятини оширади, балки Ўзбекистоннинг ҳарбий-дипломатик фаолиятининг замонавий тенденцияларини очиб беришга, миллий ва халқаро хавфсизлик тизимларидаги интеграция жараёнларини теран англашга хизмат қилади.

Ботир АРИПОВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://president.uz>
2. Князев А. "Центральная Азия и политика нейтралитета Узбекистана", Азиатский вектор, №4, 2020. – 65–70-бетлар.
3. Vilmer, J.B. "Soft Power and Strategic Autonomy in Central Asia", IRSEM Report No. 158, 2022. <https://www.irsem.fr>
4. Home United Nations Peacekeeping // <https://peacekeeping.un.org/en>
5. Uniformed Gender Parity Strategy 2018-2028 // <https://peacekeeping.un.org/en/uniformed-gender-parity-strategy-2018-2028-full-text>
6. HomeUnited Nations Police // <https://police.un.org/en/un-integrated-training-service-organizes-development-course-to-certify-member-state-trainers-to-0>
7. Peace Operations Training Institute // <https://www.peaceopstraining.org/>
8. Home United Nations Peacekeeping // Department of Peace Operations // <https://peacekeeping.un.org/en/departments-of-peace-operations>
9. Тулаганов Ш. "Экспертлар: Ҳиндистон ва Покистон ШХТга аъзо бўлиши билан ташкилот том маънода "Евроосиё саккизлиги"га айланди" // https://uza.uz/uz/posts/ekspertlar-hindiston-va-pokiston-shhtga-azo-bolishibilan-tashkilot-tom-manoda-evroosiyo-sakkizligiga-aylandi_271057
10. "SCO Peace Mission 2021 Wrap-Up," Russian Ministry of Defence, 23.09.2021 // <https://eng.mil.ru;>
11. Zhang, Wei. "SCO Military Education Cooperation: Uzbekistan's Integration into Digital Defence Initiatives," China Defence Journal, 2022, №3, pp. 112–118;
12. Ситников, А. "Ўзбекистоннинг КХШТ билан муносабатлари: истиқболлар ва хавфлар," Центральная Азия и Кавказ, 2021, №1(117), с. 38–45.
13. NATO Public Diplomacy Division, "Uzbekistan Joins the Partnership for Peace," nato.int, 1996, <https://www.nato.int/pfp/uzbekistan.htm>
14. NATO Official Report, "Uzbekistan's Enhanced Cooperation under IPAP Framework," nato.int, 2023.
15. OSCE Secretariat. "Conceptual Framework for Comprehensive Security." Vienna, 2020 // <https://www.osce.org/files/f/documents/e/1/42127.pdf>.
16. European External Action Service (EEAS), "EU-Uzbekistan Relations," <https://www.eeas.europa.eu>

ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақола ўғирлик жиноятининг криминалогик хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Ўрганиш жараёнида ушбу соҳада мавжуд хусусиятлар атрофлича ёритилди. Ўғирлик жиноятини малакалаш даврида юзага келадиган бир қатор муаммолар аниқланди. Тергов ва суд ходимларининг касбий тайёргарлиги даражасини ошириш, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг малака даражасини назорат қилиш чораларини кўриш зарур деган хулосага келинди.

Калит сўзлар: жиноят, ўғирлик, объектив белгилар, субъектив белгилар, криминалогик белгилар.

Статистик маълумотларига кўра, рўйхатга олинган барча жиноятларнинг 52,2% ни бошқа бировнинг мол – мулкни ўғирлаш, яъни ўғирлик жинояти ташкил этган. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, жиноятнинг ушбу тури ўтган йилга нисбатан 17 фоизга ошган, талончилик ва босқинчилик эса камайган.

Ўғирлик субъекти 14 ёшга тўлган, жисмоний, ақли расо шахсдир. 14 ёшгача бўлган шахс ўғирлик субъекти бўлиши мумкин эмас. Президентимизнинг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишнинг энг кам ёши ўн тўрт ёш қилиб белгиланган.

Жиноят кодекси 17-моддасининг амалдаги таҳририга кўра, жиноят содир этгунга қадар 13 ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганликлари (97-модданинг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортиладилар.

Хориж мамлакатлари, хусусан Германия, Италия, Испания, Япония ва МДҲ мамлакатларида ҳам жиноят қонунчилигида жиноий жавобгарликка тортишнинг энг кичик ёши сифатида 14 ёш ҳисобланади.

Уюшган гуруҳ томонидан ўғирлик жиноят содир этилганда уни малакалаш кўплаб саволларни туғдиради. Бундай ҳолда, асосий муаммо субъектив мезон мавжуд бўлганда юзага келади. Гап шундаки, шахс бир ёки бир нечта жиноятларни содир этиш мақсадида барқарор ва олдиндан бирлашган ташкилот бўлган уюшган гуруҳ таркибида жиноят содир этаётганлигини англашга чақирилади.

Жиноятнинг субъекти – Жиноят кодекси билан тақиқланган ижтимоий хавfli қилмишни содир қилган ва қонунга мувофиқ равишда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ёшдаги жисмоний шахсдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мулкни яширин талон-тарож қилиш ўғирланаётган мулкка нисбатан уни тасарруф этиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича муайян ваколатларга эга шахс томонидан содир этилган бўлса, бу қилмиш Жиноят кодексининг 167-моддаси бўйича квалификация қилинади. Ушбу модданинг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик фақатгина ташкилот, муассаса ва корхоналардан ходим томонидан ўғирланган мулкнинг умумий қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан юқори бўлганда келиб чиқа-

ди. Акс ҳолда шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Агар ўғирланган мулкнинг умумий қиймати Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси 3-қисмида кўрсатилган миқдордан ошмаса (яъни талон-тарож қилинган мулк қиймати энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан ошмаса), неча маротаба майда ўғирлик содир этилганидан қатъи назар, шахс фақатгина маъмурий жавобгарликка тортилади.

Бировнинг мол-мулкни жабрланувчига ёки бошқа шахсларга улар йўқлигида ёки улар мавжуд бўлганда оғохлантормасдан яширин равишда ўғирлаш ўғирлик ҳисобланади. Бордини жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулкнинг олинаётганлигини кўрган бўлсада, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қилишман деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғирлик деб тавсифлаш лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”га қарорининг 1-бандида белгилаб ўтилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, мулкни яширин талон-тарож қилиш ўғирланаётган мулкка нисбатан уни тасарруф этиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича муайян ваколатларга эга шахс томонидан содир этилган бўлса, бу қилмиш Жиноят кодексининг 167-моддаси бўйича квалификация қилинади. Ушбу модданинг биринчи қисми юзасидан жиноий жавобгарлик фақатгина ташкилот, муассаса ва корхоналардан ходим томонидан ўғирланган мулкнинг умумий қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан юқори бўлганда келиб чиқади. Акс ҳолда шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ўғирланган мулкнинг миқдори ҳуқуқбузарлик содир этилган кунда амалда бўлган, Республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб аниқланади. Ўғирланган мулк қийматини аниқлашда ишнинг муайян ҳолатларига қараб, ҳуқуқбузарлик содир этилган кундаги шартномавий, бозор, биржа баҳоларига асосланади.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисмида ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соат-

гача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланиб ўтилган.

Киссавурлик, яъни кийим, сумка ёки бошқа қўл юкидаги ашёни ўғирлаш Республикамизнинг жиноят қонунига янги киритилган оғирлаштирувчи ҳолатлар деб қаралади. Чунки, киссавурликнинг ижтимоий хавфлилиги, биринчидан, унинг анча кўп тарқалганлиги билан, иккинчидан, айбдор бевосита жабрланувчининг ўзида турган мулкни тортиб олиши, агар эгаси ўз мулкига суиқасд қилинаётганини пайқаб қолса, унга нисбатан зўрлик ишлатилиши хавфи туғилиши мумкинлиги билан тавсифланади.

Малакадаги қийинчиликлар уюшган гуруҳга кириш тўғрисида ушбу хабардорлик мавжуд бўлмаганда пайдо бўлади. Мазкур муаммонинг тадқиқотчилари уюшган гуруҳда иштирок этиш каби хусусиятни маълум бир шахсга киритиш мумкин эмаслигини таъкидлайдилар. Шу муносабат билан, шахснинг хатти-ҳаракатлари бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ўғирлик содир этиш сифатида баҳоланиши керак.

Ўғирликнинг субъектив томони тўғридан-тўғри ният ва худбин мақсад билан тавсифланади. Шахс бошқаларнинг мол-мулкни яширинча эгаллаб олганини тушунади ва бойиш мақсадини кўзлаб, буни хоҳлайди. Агар ўғирлик пайтида айбдорнинг хатти-ҳаракатлари мулк эгаси ёки бошқа мулкдор томонидан ёки бошқа шахслар томонидан топилса, лекин айбдор буни англаб, мулкни ноқонуний олиб қўйишни ёки уни ушлаб туришни давом эттирса, қилмиш талончилик, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўравонлик ёки бундай зўравонликдан фойдаланиш таҳдиди бўлса, талончилик сифатида баҳоланиши керак.

Ҳаракатнинг криминалогик характеристикаси — бу ҳаракатнинг ҳажмини, унинг тенденцияларини, динамикасини аниқлашга, ўғирлик содир этган шахсларнинг криминалогик портретини яратишга, ёш гуруҳларидаги энг катта ва энг кичик жиноий фаолиятни аниқлашга имкон берадиган усул. Ўғирлашда шериклик шакллари аниқлаш, уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш, мулкка қарши жиноятлар содир этиладиган объектларни, шу жумладан ўғирликни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай маълумотлар ўғирлик турли шакллари олдидан олиш ва уларга қарши курашиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун муҳим ҳисобланади.

Ўғирлик усуллари асосан бир хил бўлиб қолмоқда: ишончга кириш, турли хил ўғирлик воситаларидан фойдаланиш, деразалардан кириш, ёпиқ шифтларни демонтаж қилиш ва бошқалар.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ўғирлик бино ёки уйдан жисмоний тажовузсиз содир этилган кўплаб ҳолатлар мавжуд. Мазкур ҳаракатларнинг малакаси Олий суд Пленумининг қарорида берилган яъни: "ушбу бинолар ёки иншоотларга кириш, айбдор ўғирланган нарсаларни тегишли хонага кирмасдан олиб ташлаганида ҳам амалга оширилиши мумкин". Шундай қилиб, агар бино ёки уйга

жисмоний бостириб кирмаган жиноятчи ҳам ўғирлаш мосламаларидан фойдаланган ва уйдан ўғирлик қилган бўлса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 169-моддасига мувофиқ малакаланади.

Жиноят кодексда ўғирликни квалификация қилишда янги квалификация хусусияти жорий этилди, яъни – банк ҳисобварағидан ёки электрон пулга нисбатан бировнинг мулкни яширин ўғирлаш. Аслида, ушбу элемент банк карталаридан маблағларни ўғирлашга тааллуқли.

Ёлланма жиноятлар, хусусан ўғирлик содир этилишининг сабаблари аҳолининг табақаланиши, ёш авлод тарбиясидаги нотўғри ҳисоб-китоблар, маънавий соҳадаги камчиликлар ва бошқаларда ётади. Шахснинг мастлик, гиёҳвандлик, қимор ўйинларига берилиб кетиши ва бунинг натижасида шахснинг қадрсизланиши, бўш вақтлари ва кундалик манфаатларининг деформацияси ўз манфаатларини кўзлаб жиноятлар, жумладан, ўғирлик содир этилишига ёрдам беради.

Шу муносабат билан ўғирлик жиноятининг олдини олишда аҳолининг ҳуқуқий онги даражасини ошириш, жазо, қонунийлик ва бошқа чораларнинг муқаррарлиги тамойиллари билан ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиш муҳим рол ўйнайди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўғирликни квалификация қилишда йўл қўйилган хатолар таҳлили ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари юқори инстанцияларнинг кўрсатмалари ва тушунтиришларидан нотўғри фойдаланади, деган хулосага келишимизга имкон беради. Ушбу масалаларни Олий суд Пленуми қарорлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тушунтиришларини ҳисобга олган ҳолда пухта ўзлаштириш жиноятни малакалаш жараёнида хатолардан қочишга ёрдам беради.

Зохиджон ЖУРАЕВ,

*ТерДУ юридик факультети ўқитувчиси,
Ўзбекистон Республикаси Криминология институтини
мустақил тадқиқотчи-изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Jurayev, Z.A., O'g'irlik - salbiy ijtimoiy hodisa sifatida", "Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali" (2181-3477) Jild: 04 Nashr: 10 (2025)
2. Juraev, Z.A., Biologicheskaya karakteristika nekotorykh lekarstvennykh rasteniy, proizrastayuyux vo flore uzbekistana, Mejdunarodnyy sentr nauchnogo sotrudnichestva "nauka i prosveteniye", Nauka i prosveteniye mejdunarodnyy sentr nauchnogo sotrudnichestva teoriya i praktika sovremennoy nauki sbornik statey XIV mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferentsii, sostoyavsheysya 20 dekabrya 2024 g.
3. Astanov I. R. Zo'ri'lik ishlatib sodir etiladigan jinoyatlar va ularni tergov qilishning o'ziga xos jihatlari: O'quv qo'llanma. – T., TDYuU, 2015. – B. 139.
4. Abdurasulova Q.R. Kriminologiya: Darslik. Mas'ul muharrir: yu.f.d., prof. M.H. Rustamboev. – T.: TDYuU nashriyoti, 2008. – B. 163;
5. Predostavlenie uslug politzii, chast' mejvedomstvennogo reagirovaniya na gendrenoe nasilie. Standartnye operativnye protsedury. 2015/ UNFPA, East European Institute for Reproductive Health
6. Muxtorov J. S. Ichki ishlar idoralari profilaktika xizmatlari tomonidan jinoyatlarning oldini olishni ta'minlash: yurid. fan. nomz. diss.-ya. – T., 2009. – B. 114;
7. Morchev. I. A. Viktimologicheskie aspekty preduprezhdeniya nasilstvennykh prestupleniy sovershaemyx v sem'ye: aforef. dis. kan. yurid. nauk. – Krasnodar. 2009. – S. 13.
8. "Yangi O'zbekiston strategiyasi 2022-2026" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-60-son Farmoni Lex.uz. 2022.
9. Saydullayev, Sh.A. Davlat va huquq nazaryasi darslik.. "Yuridik adabiyotlar publish", Toshkent-2021.
10. Odilqoriyev, X.T.. Davlat va huquq nazaryasi darslik. "Adolat", Toshkent-2018.

СУДЬЯЛИК ЁШ ЦЕНЗИНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада муаллиф томонидан судьялик лавозимига қўйилган ёш цензи талаби хорижий давлатлар (Россия Федерацияси, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон)нинг судга оид қонунчилик ҳужжатлари асосида таҳлил этилиб, ижобий тажрибалар асосида миллий суд ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: судья, судья мақоми, судьялик лавозимига қўйилган талаб, ёш цензи, 25 ёш, 30 ёш, 35 ёш, суд бўғинларига қараб ёш талабини дифференциал тарзда белгилаш.

Амалдаги қонунчиликка кўра, мамлакатимизда судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслар ҳисобланади. Шу боис, ўзларига берилган вазифани ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқиш учун давлат томонидан айрим талаблар белгиланган.

Мазкур талаблар Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 67-68-моддаларида акс эттирилган бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади¹:

- 1) ўттиз беш ёшга тўлган;
- 2) олий юридик маълумотга эга;
- 3) Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш.

Судьялик лавозими номзодларига қўйиладиган талабларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиш ва таҳлил этиш зарур. Чунки амалдаги қонунчиликда ушбу соҳада айрим бўшлиқлар ва ноаниқликлар мавжуд бўлиб, бу ҳолат суд тизимининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёнини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Биз эътибор қаратаётган жиҳат судьялик ёш цензи бўлганлиги сабабли бу борада хориж тажрибасига юзланиб уларнинг қонунчилигидаги талабларини кўриб чиқамиз.

Россия қонунчилигида ёш цензи ягона эмас, балки суд тизимининг турли бўғинлари даражасига қараб дифференциал тарзда белгиланган. Аниқроқ қилиб айтганда, Россия Федерациясида судьялик лавозимига номзодларнинг ёши қуйидаги тоифаларга бўлинади:

биринчи тоифа – Россия Федерацияси Конституциявий суди судьяси этиб тайинланиш учун шахс камида 40 ёшда бўлиши ва юриспруденция соҳасида 15 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

иккинчи тоифа – Россия Федерацияси Олий суди судьяси лавозимига номзод камида 35 ёшда ва ҳуқуқий соҳада 10 йиллик тажрибага эга бўлиши талаб этилади.

учинчи тоифа – умумий юрисдикция кассация, апелляция, ҳарбий кассация, ҳарбий апелляция суди, республика олий суди, вилоят, ҳудудий ёки федерал шаҳар суди, шунингдек ихтисослаштирилган ҳакамлик суди судьялари учун камида 30 ёш ва 7 йиллик юридик иш стажига талаб этилади.

тўртинчи тоифа – Россия Федерацияси субъектлари (яъни федерация таркибидаги республикалар, ўлкалар, вилоятлар ва автоном ҳудудлар) миқёсида фаолият

юритувчи арбитраж, конституциявий, туман ёки гарнизон ҳарбий суди судьяси лавозимига номзод камида 25 ёшда бўлиши ҳамда 5 йиллик юридик иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

Кўриниб турибдики, Россия Федерациясида судьялик лавозимига қўйиладиган ёш цензининг бундай даражаларга бўлиниши суд тизимининг кўп поғоналилиги ва ҳар бир даражадаги судьядан талаб қилинадиган касбий тайёргарликнинг фарқлилигидан далолат беради. Мазкур ёндашув орқали суд тизимининг ҳар бир бўғинида тажрибали, масъулиятли ҳамда малакали кадрларни шакллантиришга эришилган.

Бизнинг фикримизча, Россия Федерациясида судьяликка номзодлар учун ёш цензининг суд тизими даражаларига қараб табақалаштирилган ҳолда белгиланиши ижобий тажриба ҳисобланади. Бундай ёндашув суд тизимининг ҳар бир бўғинида зарур касбий етуқлик, тажриба ва масъулият даражасини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис, ушбу амалиётнинг айрим жиҳатларини Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, Тожикистон Республикаси қонунчилиги ҳам судьяликка номзодларга қўйиладиган ёш талаблари бўйича ўзига хос ёндашувга эга. Мазкур масала “Тожикистон Республикаси судлари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг² 12-моддасида ўз ифодасини топган. Ушбу модда таҳлилига кўра, Тожикистон Республикасида судьяликка номзодларнинг ёши икки тоифа бўйича белгиланади:

биринчи тоифа – Олий суд, Олий иқтисодий суд, Тоғли-Бадахшон автоном вилояти суди, вилоятлар ҳамда Душанбе шаҳар судлари судьяси лавозимига камида 30 ёшдаги шахс тайинланиши ёки сайланиши мумкин.

иккинчи тоифа – шаҳар ва туман судлари, гарнизон ҳарбий судлари, Тоғли-Бадахшон автоном вилояти иқтисодий суди, шунингдек вилоятлар ва Душанбе шаҳри иқтисодий судлари судьяси лавозимига камида 25 ёшдаги Тожикистон фуқароси номзод бўлиши мумкин.

Қозоғистон Республикасининг тажрибаси шуни кўрсатадики, бу давлатда суд тизими ва судьяларнинг мақомини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат 2000 йил 25 декабрдаги “Қозоғистон Республикасининг суд тизими ва судьяларининг мақоми тўғрисида”ги 132-II-сон Конституциявий Қонун³ ҳисобланади. Мазкур қонуннинг 29-моддасида судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар аниқ

белгилаб берилган. Ушбу нормаларни таҳлил қилиш натижасида аниқланишича, Қозоғистон Республикасида туман суди судьяси лавозимига номзод камида 30 ёшга тўлган бўлиши шарт.

Қирғиз Республикаси қонунчилигида эса мазкур масала 2021 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Қирғиз Республикасининг судьялар мақоми тўғрисида"ги 138-сон Қонун⁴ орқали тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 19-моддасида Конституциявий суд ва Олий суд судьялигига номзодларга қўйиладиган талаблар, шунингдек, уларни сайлаш тартиби белгиланган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Қирғиз Республикасининг Конституциявий суди ёки Олий судига номзод 40 ёшдан кичик бўлмаслиги лозим.

Грузияда суд тизимини тартибга солувчи асосий ҳужжат "Умумий судлар тўғрисида"ги Қонун⁵ ҳисобланади. Мазкур қонуннинг 34-моддасида судьялик лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар баён этилган бўлиб, унга мувофиқ, судья лавозимига номзод 30 ёшга тўлган бўлиши лозим. Ушбу ёндашув судьялик фаолиятига киришиш учун минимал ёш цензини белгилаш орқали тизимга етарли ҳаётий ва касбий тажрибага эга кадрларни жалб этиш имконини беради.

Озарбайжон Республикаси қонунчилигида эса бу масала "Судлар ва судьялар тўғрисида"ги Қонуннинг 93-моддасида тартибга солинган. Модда мазмунига кўра, судьялик лавозимига номзод камида 30 ёшга етган бўлиши шарт. Шунингдек, Озарбайжонда 1997 йил 10 июнда қабул қилинган "Судлар ва судьялар тўғрисида"ги 310-1Г-сон Қонунида ушбу талаб мустақамлаб қўйилган⁶.

Туркменистон Республикасининг 2025 йил 12 апрелдаги "Судлар тўғрисида"ги 151-VII-сон Қонунида⁷ эса судьялик лавозимига номзодларга қўйилган ёш талаблари бир неча моддаларда баён этилган бўлиб, уларнинг мазмуни табақалаштирилган тарзда ифодаланган. Масалан, қонуннинг 64-моддасида номзодларга нисбатан қуйидаги ёш цензлари белгиланган:

- Этрап суди ҳамда этрап ҳуқуқларига эга шахар суди судьяси лавозимига 25 ёшга тўлган шахс тайинланиши мумкин;
- Туркменистон Арбитраж суди, вилоят судлари ҳамда вилоят ҳуқуқларига ва давлат аҳамиятига эга шахар судлари судьяси лавозимига 30 ёшга тўлган шахс тайинланиши мумкин;
- Туркменистон Олий суди судьяси лавозимига 30 ёшга тўлган шахс тайинланиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 101-моддаси Оила ишлари бўйича судья лавозимига номзодга алоҳида ёш цензи белгиланган. Унга кўра, 30 ёшга тўлган шахс оила ишлари бўйича судья лавозимига номзод бўлиши мумкин.

Мазкур тизим Туркменистон суд органлари тузилмасининг даражаларига мос тарзда ёш чегарасининг босқичма-босқич белгиланаётганини кўрсатади.

Юқоридаги хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларида ёш чегарасининг табақалаштирилган тарзда белгиланиши суд тизимининг ҳар бир поғонасида номзодлардан кутиладиган касбий малака, тажриба ва масъулият даражасини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликда ифода этилган. Суд тизимининг турли бўғинлари учун ёш цензининг табақалаштирилган ҳолда белгиланиши суд тизимига ёш, билим, лекин шу билан бирга маълум даражадаги тажрибага эга кадрларни жалб этишга хизмат қилади. Бундай амалиёт Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш жараёнида ҳам фойдали тажриба сифатида ўрганилиши мумкин. Шу боис, Ўзбекистон Республикасида ҳам судьялик лавозимига номзодларнинг ёш чегарасини табақалаштириш мақсада мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Судьялик лавозимига номзодлар учун ёш цензига оид талаблар институтнинг шаклланиши ҳамда ривожланиш жараёнида муҳим босқичлар босиб ўтилгани кузатилади. Юқорида келтирилган олимлар фикрлари ҳамда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасига таяниб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

биринчидан, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий Қонуни 10-моддасида белгиланган Конституциявий суднинг судьяси лавозимига номзодга қўйиладиган 35 ёшни 40 ёш қилиб белгилаш лозим.

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни 67-моддаси 1-қисмида судьялик лавозимига номзодга қўйиладиган 35 ёшни суд бўғини кесимида қуйидагича ўзгартириш таклиф этилмоқда:

- қуйи бўғин судлари судьяси учун – 30 ёш;
- ўрта бўғин судлари судьяси учун – 35 ёш;
- юқори бўғин суди судьяси учун – 40 ёш.

Мазкур таклифларни миллий қонунчиликка кириши, бир томондан, суд тизимида ёш, ҳалол ва салоҳиятли кадрларнинг фаолият юритишига кенг имконият яратади, иккинчи томондан эса, суд органларини малакали мутахассислар билан тўлдиришга хизмат қилади.

Темур КАРИМОВ,

Тошкент давлат юридик университетининг
мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 28-iyulda qabul qilingan "Sudlar to'g'risida"gi 703-son Qonuni <https://lex.uz/docs/-5534923#-5538427>
2. Tojikiston Respublikasining "Tojikiston Respublikasi sudlari to'g'risida"gi Konstitutsiyaviy qonuni <https://constcourt.tj/ru/hujatho/konstitucionnyj-zakon-respubliki-tadzhikistan-o-sudah-respubliki-tadzhikistan/>
3. Qozog'iston Respublikasining 2000-yil 25-dekabrda qabul qilingan "Qozog'iston Respublikasining sud tizimi va sudyalarning maqomi to'g'risida"gi 132-II-son Konstitutsiyaviy qonuni https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1021164&pos=593;46#pos=593;46
4. Qirg'iz Respublikasining 2021-yil 15-noyabrda qabul qilingan "Qirg'iz Respublikasining sudyalari maqomi to'g'risida"gi 138-son Qonuni <https://cbd.minjust.gov.kg/12311/edition/1270733/ru>
5. Gruzija Respublikasining "Umumiy sudlar to'g'risida"gi Qonuni <https://www.refworld.org/ru/legal/legislation/natlegbod/2009/ru/102668>
6. Ozarbayjon Respublikasining "Sudlar va sudyalari to'g'risida"gi Qonuni https://republic.preslib.az/ru_d4-61.html
7. Turkmaniston Respublikasining "Sudlar to'g'risida"gi Qonuni // <https://minjust.gov.tm/ru/hukuk/merkezi/hukuk/689>

ФУҚАРОЛИК СУД ИШ ЮРИТУВИДА ЭКСПЕРТ ВА МУТАХАССИСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ЎРНИ

АННОТАЦИЯ: *мазкур мақолада фуқаролик суд ишларини кўриб чиқиш жараёнида эксперт ҳамда мутахассис институти фаолияти орқали одил судловни таъминлашнинг назарий ва амалий асослари таҳлил этилади. Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексда белгиланган эксперт ва мутахассисларнинг процессуал мақоми, уларнинг вазифалари, процессдаги иштирок шакллари, судлов фаолиятига кўрсатадиган бевосита ва билвосита таъсири илмий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ўрганилади. Мақолада амалиётда учраётган тизимли муаммолар – экспертиза хулосаларининг сифат кўрсаткичлари наслиги, экспертларнинг малака талаблари бўйича ягона ёндашувнинг етишмаслиги, экспертларнинг мустақиллигини таъминлашда учрайдиган чекловлар каби масалалар батафсил кўриб чиқилиб, ушбу камчиликларни бартараф этишга қаратилган такомиллаштириш йўналишлари, норматив-ҳуқуқий асосни янада ривожлантиришга оид таклифлар ҳамда суд-экспертиза тизимини ислоҳ қилиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *экспертиза, мутахассис, хулоса, процессуал мақом, суд-экспертиза тизими.*

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 58-моддасига кўра, эксперт — суд томонидан тайинладиган шахс бўлиб, у махсус билим талаб қилувчи масалалар юзасидан хулоса беради¹. Экспертнинг суд жараёнидаги вазифаси — ўзига юкланган саволларга илмий асосланган ва холисона хулоса тайёрлашдан иборат. Мутахассис эса судга бевосита ёрдам берувчи шахс сифатида тан олинади. У суд мажлисида қатнашади, техник воситалардан фойдаланади, ҳужжатларни шарҳлайди ёки айрим ҳаракатларни тушунтиради.

Фуқаролик процессуал кодексининг 61-моддасига биноан, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш мақсадида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва кўникмага эга бўлган, ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаган вояга етган шахс суд мажлисида ёки процессуал ҳаракатларда иштирок этиш учун суд томонидан мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин.

У эксперт хулосасини баҳоламайди, бироқ уни тушунтириб бериши мумкин. Мутахассис ўз фикрини билдирса-да, бу фикр эксперт хулосаси даражасида ҳуқуқий аҳамият касб этмайди. Ушбу шахсларнинг суддаги мақоми фуқаролик процессининг объектив ва адолатли юритилиши, айниқса, тарафларнинг тенглигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Улар суд ишининг моҳиятини аниқлаштириш, далилларни таҳлил қилиш, турли ихтисослаштирилган муаммоларни ечиш орқали судга реал кўмак беради.

Суд томонидан қабул қилинадиган ҳар бир қарор қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозим. Бироқ бу фақат юридик мезонлар билан чекланмайди. Айрим ҳолатларда, судга иш билан боғлиқ бўлган техник ёки илмий масалаларни аниқлаш учун мутахассис ёрдами зарур бўлади. Масалан: қурилиш бўйича даъволарда — бино сифати, лойиҳа ҳужжатлари, меъёрларга мувофиқлик масалаларида; тиббий низоларда — даволаниш сифати, ногиронлик сабаблари, касбий хатоликлар юзасидан; иқтисодий низоларда — ҳисоб-

китоблар, молиявий таҳлил, зарар миқдорини аниқлаш каби ҳолатларда². Бундай вазиятларда экспертнинг хулосаси — суд учун ҳақиқатни аниқлаш воситаси ҳисобланади. Эксперт хулосаси процессуал ҳужжат бўлиб, суд уни бошқа далиллар билан бирга баҳолайди. Агар эксперт хулосаси асосли, тушунарли ва холис бўлса, у ҳолда суд унинг асосида қарор чиқариши мумкин. Шунингдек, экспертиза натижалари тарафлар ўртасидаги низони ҳал қилишда муҳим ҳуқуқий позицияни белгилаб беради. Бу эса эксперт ва мутахассисларнинг масъулияти юқори бўлишини талаб этади. Чунки нотўғри эксперт хулосаси — тарафлардан бири ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши мумкин³.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, амалдаги норматив-ҳуқуқий тартибот мутахассис ва экспертларнинг фуқаролик суд ишларидаги иштирокини белгилаб бераётган бўлса-да, уларнинг амалий фаолиятида бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Аввало, эксперт ҳамда мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражаси бир хил эмаслиги сабабли экспертиза натижасининг сифати кўп жиҳатдан конкрет экспертнинг шахсий билим, малака ва амалий тажрибасига боғланиб қолмоқда. Судлар айрим ҳолларда мазмунан ўхшаш ёки айнан бир хил масалаларда турли экспертларга мурожаат қилишади, бу эса эксперт хулосалари ўртасида тафовутлар пайдо бўлишига ва натижада суд қарорларининг бир хиллиги бузилиш хавфига олиб келади. Яна бир муҳим муаммо — экспертиза хулосасининг объективлиги тўлиқ даражада кафолатланмаганидир. Айрим хулосаларда масала фақат юзаки баён қилинган бўлиб, умумий иборалар, фактлар санаб ўтилиши ёки шаблон жумлалардан фойдаланилиши ҳолати тез-тез учрайди. Натижада, судья эксперт хулосасидан амалий ёрдам ололмайди. Сабаби низони мазмунан ёритувчи асосли илмий ёндашув етишмайди.

Баъзи ҳолатларда бир иш доирасида турли экспертлардан кескин қарама-қарши хулосалар олингани сабабли суднинг адолатли қарор қабул қилиш жараёнида жиддий тўсқинлик юзага келади. Бу каби номувофиқликларнинг асосий сабаблари сифатида эксперт касбий

салоҳиятини пастлиги, етарли амалий тажрибанинг йўқлиги ёки экспертиза ўтказишга юзаки ёндашув келтирилмоқда.

Экспертиза ўтказувчи кўплаб муассасаларнинг маъмурий жиҳатдан тегишли вазирлик ёки ташкилотларга бевосита бўйсунishi уларнинг институционал мустақиллигини чегаралайди. Шунингдек, экспертиза суд ёки процесс иштирокчиларидан бири томонидан молиялаштирилган ҳолатларда молиявий босим, манфаатлар тўқнашуви ёки билвосита таъсир эҳтимоли юзага келиши мумкин. Мустақиллиkning етарли даражада таъминланмагани айрим ҳолатларда экспертларнинг ҳулосани ҳолатга мослаштиришга, тарафлардан бирининг манфаатига оғишишга мажбур бўлаётганини кўрсатади.

Ҳуқуқшунос олим Рамин Гурбановнинг фикрига кўра, фуқаролик процессида экспертнинг роли далил базасининг ишончилиги ва объективлигини таъминлашда, суд қарорининг илмий асосланганлигини кучайтиришда муҳим восита сифатида намоён бўлади⁴.

Юқоридаги тизимли муаммолар экспертиза институти янада такомиллаштиришни тақозо этади. Уларни бартараф этиш учун хориж тажрибасининг илғор таклифларини илгари сурган ҳолда, эксперт ва мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини тасдиқлаш (аттестация) тизимини кучайтириш, экспертиза муассасаларини институционал жиҳатдан мустақил қилиш, ҳамда эксперт танловини суд тизими томонидан марказлашган ҳолда юритиш ва шаффоф тизим яратиш, шунингдек, экспертлар учун аниқ жавобгарлик чоралари белгилаш мақсадга мувофиқ саналади⁵.

Фуқаролик процессида мутахассис ва экспертларнинг жалб этилиши одил судловни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим процессуал институт ҳисобланади. Бироқ, ушбу институтнинг реал самарадорлиги уларнинг фаолиятини тартибга соладиган аниқ, изчил ва барқарор ҳуқуқий ҳамда ташкилий механизмларнинг мавжудлигига бевосита боғлиқ. Суд ҳокимиятининг ҳолислиги, қабул қилинадиган қарорларнинг адолатли ва асослилиги эса ўз навбатида фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлади. Шу муносабат билан, мутахассис ва экспертларнинг ҳуқуқий мақомини янада такомиллаштириш, уларнинг касбий малакасини ошириш ҳамда амалий фаолиятидаги масъулиятни кучайтириш замонавий суд ислохотларининг устувор йўналишларидан биридир. Уларнинг жавобгарлик тизимини аниқ ҳуқуқий нормалар билан белгилаш, экспертиза фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва мустақиллигини таъминлаш орқали суд қарорларининг объективлиги ва адолатлилигига эришиш мумкин.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фуқаролик суд ишларини юритишда одил судловга эришиш фақат мавжуд қонунчилик нормаларига амал қилиш билангина чекланмайди. Суд ҳар бир иш бўйича фактик ҳолатларни ҳар томонлама, чуқур ва объектив таҳлил қилиши лозим. Амалиётда муайян низоларни ҳал этиш жараёнида судья фақат юридик билимлар билан чегараланиб қолмай, балки техник, тиббий, иқтисодий ёки бошқа соҳаларга оид махсус билимларга ҳам эҳтиёж сезади. Шунинг ўзиёқ

фуқаролик процессида мутахассис ва экспертларнинг иштироки заруриятга айланганини кўрсатади. Демак, мазкур институт одил судловнинг таъминланишида, ҳолатларни тўғри баҳолашда ва суд қарорининг асослилиги ҳамда адолатлилигини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этади. Мутахассис ва экспертларнинг илмий асосланган ҳулосалари судга ҳақиқатни аниқлашда ёрдам бериб, фуқаролик ишларини ҳал этишда муҳим процессуал восита сифатида хизмат қилади.

Иккинчидан, Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ, эксперт суд томонидан тайинланадиган шахс бўлиб, у махсус билим талаб қилувчи масалалар бўйича ҳулоса беради. Мутахассис эса суд мажлисида техник воситалардан фойдаланади, ҳужжатлар ва ҳолатлар юзасидан тушунтиришлар беради. Уларнинг вазифаси — судга қарор қабул қилишда илмий асосланган маълумотлар тақдим этиш орқали ёрдам кўрсатишдир. Амалиётда айнан эксперт ҳулосаси асосида суд қарори шаклланиши ҳолатлари кўп учрайди.

Учинчидан, эксперт ҳулосаларининг сифатсизлиги, мутахассиснинг нотўғри танланиши ёки уларнинг етарли даражадаги касбий малакага эга эмаслиги одил судловга эришишда жиддий тўсиқлар туғдириши мумкин. Бундай ҳолатлар суд-ҳуқуқ тизимининг барқарорлиги ва ишончилигига путур етказиб, нотўғри ёки асоссиз суд қарорларининг қабул қилинишига сабаб бўлиш эҳтимолини оширади. Шу нуқтаи назардан, эксперт ва мутахассисларнинг процессуал мақомини янада такомиллаштириш, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ҳамда уларни танлаш жараёнида ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш долзарб вазифа сифатида намоён бўлади. Махсус билимларга асосланган эксперт ҳулосаси фақат профессионал ёндашув, ҳолислик, илмий асосланган методика ва мустақиллик тамойилларига риоя қилинган тақдирда судга реал ёрдам бера олади.

Демак, экспертиза сифатини ошириш, мутахассисларнинг малакасини мунтазам такомиллаштириш ва уларнинг жавобгарлик тизимини аниқ белгилаш одил судловни таъминлашнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Жамшид АБДУЛЛАЕВ,

юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

Адлия аълочилиси.

Райхон ИБРАГИМОВА,

Тошкент давлат юридик университети

таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik protsessual kodeksi. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 23.01.2018-y., 02/18/FPK/0612-son.
2. Fuqarolik ishlarini sudga ko'rishda isbotlash va dalillar. Esanova Z.N., Xabibullayev D.Yu., Salimova I.M. 2015.
3. Галинская А.Е. Правовые основы использования специальных знаний в судопроизводстве сторонами и их представителями // Теория и практика судебной экспертизы. 2021. № 3.
4. Ramin Gurbanov. The Role of Expert Evidence in Civil Litigation. GGU Law Digital Commons. 2010.
5. Remme Verkerk. Comparative Aspects of Expert Evidence in Civil Litigation.// International Journal of Evidence & Proof. 2019.

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ИНСТИТУТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада дастлабки тергов институтининг ривожланиш босқичлари, ҳозирги ҳолати ҳамда халқаро тажриба асосида такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ этилган. Германия, Франция, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Япония каби мамлакатларнинг дастлабки тергов тизимлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: дастлабки тергов, тергов органлари, терговчи, жиноят процесси, прокуратура назорати, суд назорати.

Дастлабки тергов деганда жиноят содир этилганлиги ҳақидаги хабар бўйича жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишдан бош тортиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек, жиноят иши қўзғатилгандан сўнг уни суд муҳокамаси учун таёрлаш мақсадида процессуал ва тергов ҳаракатларини амалга оширишдан иборат фаолият тушунилади. Бу институтнинг моҳияти шундан иборатки, у жиноят-процессуал исботлаш тизимининг дастлабки ва энг муҳим босқичини ташкил этади, чунки айнан шу босқичда жиноят содир этилганлигининг асосий далиллари тўпланади, жиноятнинг барча муҳим ҳолатлари аниқланади ва суд томонидан адолатли ҳукмнинг чиқарилиши учун зарур ҳуқуқий асос яратилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, миллий ҳуқуқ тизимини шакллантириш жараёнида дастлабки тергов институтини ҳам ислоҳ қилиш зарурияти пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси дастлабки тергов институтининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят-процессуал кодексига дастлабки тергов институтини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган муҳим янгиликлар киритилди. Хусусан, жиноят иши бўйича терговчи, суд ва прокурорнинг ваколатларини янада аниқ ажратиш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, суд назоратини кенгайтириш, жабрланувчи ва гумон қилинувчининг ҳимоя қилиниш кафолатларини мустаҳкамлаш каби муҳим ўзгаришлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз қонунчилигида дастлабки тергов институтининг ҳолати борасида фикр юритишдан олдин ушбу институтнинг ҳорижий мамлакатлар қонунчилигида тутган ўрни борасида тўхталиб ўтсак.

Хусусан, Германия Федератив Республикасида дастлабки тергов полиция терговчи ва прокурор назорати остидаги расмий тергов каби икки босқичга бўлинади.

Германияда полиция органлари жиноят содир этилганлиги ҳақидаги хабарларни қабул қилади ва дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширади, бироқ барча муҳим процессуал қарорлар прокурор томонидан қабул қилинади. Прокурор терговнинг йўналишини белгилайди, муҳим тергов ҳаракатларини тасдиқлайди ёки этади.

Франция Республикасининг дастлабки тергов тизими дунёдаги энг мураккаб ва ўзига хос тизимлардан бири ҳисобланади. Францияда дастлабки тергов икки хил йўл билан амалга оширилади: оддий процедура ва суд терговчи. Оддий жиноятлар бўйича прокурор полиция терговчини бошқаради ва ўзи жиноят таъқиби тўғрисида қарор қабул қилади. Бироқ, оғир ва мураккаб жиноятлар бўйича махсус суд терговчиси тайинланади. Суд терговчиси институти Франция ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятидир. Суд терговчиси суд тизимига кирувчи магистрат бўлиб, у дастлабки тергов босқичида кенг ваколатларга эга. Суд терговчиси жиноят иши-

ни қўзғатиш, барча зарур тергов ҳаракатларини амалга ошириш, гумондорларни сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш, тинтув қилиш ва олиб қўйиш, ҳибсга олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Муҳими шундаки, суд терговчиси прокуратурадан мустақил фаолият кўрсатади ва у нафақат айбни, балки оқланувчи далилларни ҳам тўплаши шарт.

Россия Федерациясининг дастлабки тергов тизими Ўзбекистон тизимига кўп жиҳатдан ўхшашдир, чунки иккала мамлакат ҳам собиқ Совет Иттифоқининг ҳуқуқий тизимидан келиб чиққан. Бироқ, Россия сўнгги 15 йилда дастлабки тергов институтини тубдан ислоҳ қилди. Энг муҳим ўзгариш 2011 йилда Россия Федерацияси Тергов комитетининг прокуратура тизимидан ажратилиши бўлди.

Россия Федерацияси Тергов комитети Россия Федерацияси Президентига тўғридан-тўғри бўйсунадиган мустақил федерал давлат органидир. Тергов комитети энг оғир жиноятлар - қотиллик, зўравонлик, коррупция, давлат хавфсизлигига қарши жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади. Тергов комитетининг тузилиши иерархик бўлиб, у Марказий аппарат, федерал округлар бўйича бош бошқармалар, субъектлар юзасидан тергов бошқармалари ва район (шаҳар) тергов бўлимларидан иборат. Прокуратура органлари тергов устидан процессуал назоратни амалга оширади. Прокурор терговчининг қарорларига эътироз билдириши, жиноят ишини бир терговчидан бошқасига ўтказиши, қонунга хилоф ҳаракатлар ва қарорларни бекор қилиши мумкин. Ички ишлар органлари тизимида ҳам тергов бўлинмалари мавжуд бўлиб, улар оддий ва ўрта оғирликдаги жиноятлар бўйича тергов олиб боради.

АҚШнинг дастлабки тергов тизими Англо-Америка ҳуқуқ оиласига мансуб бўлиб, континентал тизимдан тубдан фарқ қилади. АҚШда дастлабки терговни асосан полиция органлари амалга оширади ва прокурор асосан суд жараёнида қатнашади. Ҳар бир штат ўз жиноят-процессуал қонунчилигига эга, шунинг учун дастлабки тергов тартиби штатларда бироз фарқ қилиши мумкин, бироқ умумий тамойиллар бир хил.

АҚШ полиция тизими марказлаштирилмаган. Штат ва маҳаллий полиция бўлинмалари эса штат қонунчилигига кўра жиноятлар бўйича тергов олиб боради. Детективлар ёки терговчи офицерлар жиноят содир этилган жойда дастлабки текширувлар ўтказиш, далиллар тўплаш, гувоҳларни сўроқ қилади ва гумондорларни қўлга олади.

АҚШ тизимининг муҳим хусусияти - бу "Миранда ҳуқуқлари" деб аталадиган гумондорнинг ҳуқуқларини мажбурий равишда тушунириш институтидир. Агар полиция бу талабни бажармаса, гумондорнинг эътирофи суд томонидан қабул қилинмайди.

АҚШда "Гранд Жюри" (Катта ҳакамлар ҳайъати) институти муҳим рол ўйнайди. Бу 16-23 кишидан иборат фуқаролар ҳайъати бўлиб, улар прокурор томонидан тақдим этилган далилларни махфий

равишда кўриб чиқади ва гумондорни расмий айбловга тортиш (индигмент) ёки тортмаслик тўғрисида қарор қабул қилади. Бу тизим фақат федерал даражада ва баъзи штатларда мавжуд. АҚШда айбни тан олиш бўйича келишув тизими жуда кенг қўлланилади – жиноят ишларининг 90-95 фоизи суд жараёнисиз, гумондор ва прокурор ўртасидаги келишув асосида ҳал қилинади.

Буюк Британиянинг дастлабки тергов тизими ҳам Англо-Америка ҳуқуқ оиласига мансуб, бироқ АҚШ тизимидан баъзи фарқларга эга. Буюк Британияда дастлабки терговни асосан полиция органлари амалга оширади. Детективлар жиноят содир этилганлиги ҳақидаги хабар бўйича дастлабки текширувлар ўтказишади, далилларни тўплайдилар ва гумондорларни ҳибсга олади. 1985 йилда Буюк Британияда муҳим ислохот амалга оширилди ва Қироллик прокуратура хизмати (ПС) ташкил этилди. ПС полиция томонидан тўпланган далилларни мустақил кўриб чиқади ва жиноят таъқибини давом эттириш ёки тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу тизим полиция ва прокурор функцияларини ажратиш орқали объективлики таъминлашга қаратилган. ПС қарор қабул қилишда далиллар тести ва жамоат манфаати тести каби икки муҳим тест қўллайди.

Япониянинг дастлабки тергов тизими ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у Германия ва Франция ҳуқуқий тизимларининг таъсири остида шаклланиб. Японияда полиция ва прокурор дастлабки терговни биргаликда олиб боради. Полиция гумондорни ушлайди ва дастлабки сўроқларни ўтказишади, сўнгра иш прокуратурага ўтказилади. Прокурор жиноят ишини давом эттириш, гумондорни суд олдида бериш ёки ишни тўхтатиш тўғрисида мустақил қарор қабул қилади.

Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, дастлабки тергов институтининг самарали фаолияти бир неча муҳим тамойилларга амал қилишни талаб қилади. Биринчидан, терговчининг процессуал мустақиллиги таъминланиши зарур – терговчи ўз қарорларини фақат қонунга ва ўз ички ишончига асосланиб қабул қилиши керак. Иккинчидан, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат ва уларни ҳимоя қилиш механизмларининг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Учинчидан, суд назорати дастлабки тергов босқичида амалга ошириладиган чеклов чоралари ва тергов ҳаракатларининг қонунийлигини таъминлаш учун зарур. Тўртинчидан, прокуратура назорати терговнинг объективлигини ва қонунийлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Бешинчидан, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва терговчиларнинг юқори малакага эга бўлиши самарали тергов учун зарурдир.

Ўзбекистон Республикасининг дастлабки тергов тизими халқаро стандартларга мослашиш йўлида бир қатор муҳим ислохотларни амалга оширди. Бироқ, амалиётда дастлабки тергов фаолиятида баъзи муаммолар ҳам мавжуд. **Биринчи муаммо** – бу терговчиларнинг юқори иш юки. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ҳар йили ўн минглаб жиноят ишлари қўзғатилади ва бу терговчиларга катта юкни туширади. Терговчиларнинг сони эса нисбатан чекланган бўлиб, бу ҳар бир иш бўйича чуқур ва сифатли тергов ўтказишга тўсқинлик қилади. Иккинчи муаммо – бу баъзи терговчиларда зарур малака ва тажрибанинг етишмаслиги. Мураккаб-иқтисодий, коррупция ва киберхавфсизликка оид жиноятларни тергов қилиш махсус билим ва кўникмаларни талаб қилади, аммо барча терговчилар бундай малакага эга эмас.

Хорижий амалиётдан фойдаланиб Ўзбекистонда Германия ва Франция тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, терговчиларнинг ихтисослашувини кучайтириш зарур. Иқтисодий жиноятлар, кибержиноятлар, уюшган жиноятчилик соҳасида махсус ихтисослашган тергов

бўлинмаларини ташкил этиш самарадорликни оширади. Масалан, Германияда ҳар бир полиция бўлинмасида кибержиноятлар бўйича махсус гуруҳи мавжуд.

Иккинчидан, АҚШ ва Буюк Британия тажрибасига асосланиб, гумондорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини янада кучайтириш лозим. Хусусан, гумондорни ҳибсга олишдан олдин унинг барча конституциявий ҳуқуқлари тўғрисида мажбурий равишда огоҳлантириш талабини қатъий таъминлаш зарур.

Учинчидан, Япония ва Россия тажрибасидан фойдаланиб, барча сўроқ жараёнларини видео ёзиб олиш тизимини жорий этиш керак. Бу гумондорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, терговчиларнинг қонуний ишлашини таъминлаш ва суд жараёнида далилларнинг ишончлилигини оширишга ёрдам беради.

Тўртинчидан, Франция тажрибасига асосланиб, суд назорати механизмларини янада кенгайтириш зарур. Шахснинг конституциявий ҳуқуқларига дахл қилувчи барча тергов ҳаракатлари суд қарорига асосланиб амалга оширилиши кераклиги принципини қатъий таъминлаш лозим. Францияда тергов палатаси терговчи ҳаракатларини самарали назорат қилади.

Бешинчидан, АҚШ ва Германия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, криминалистик лабораториялар ва техник воситалар билан таъминлашни яхшилаш керак. ДНК таҳлили, рақамли криминалистика, кибержиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш учун зарур бўлган технологияларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, дастлабки тергов институти жиноят-процессуал тизимнинг энг муҳим ва масъулиятли бўғини бўлиб, унинг самарали фаолияти адолат содир этилишининг, жиноятларнинг олдини олишнинг ва шахснинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг асосий қафолатидир. Ўзбекистон Республикасида дастлабки тергов институти ўз тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтиб, ҳозирги кунда халқаро стандартларга мос замонавий тизим сифатида шаклланиб. Халқаро тажрибани ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, терговчиларнинг малакасини ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш, шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини мустаҳкамлаш ва суд назоратини кучайтириш орқали дастлабки тергов институти янада ривожлантириш мумкин. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши самарали курашиш ва ҳуқуқий давлат қурилишига муҳим ҳисса қўшади.

Ёқубжонов Хасанжон ИЛЁСЖОН ўғли,

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчиси,
Наманган шаҳар прокуратураси терговчиси,
3-даражали юрист*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 йил 30 апрел. Электрон манба: <https://lex.uz/doc/6445145>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 2018. УРЛ: <https://lex.uz/mat/-111460>
3. Дандо С. Жапанесе риминал Проедуре. Соутх Ҳакенсак: Фред Б. Ротхман & о., 1965
4. Зандер М. Тхе Полие анд риминал Эвидене Ат 1984. 7тх Эдитион. Лондон: Сетт & Махелл, 2015.
5. Лео Р.А. Полие Интеррогатион анд Америан Жустие. амбридге: Ҳарвард Университ Пресс, 2008.
6. Беале С.С., Брайсон ..., Фелман Ж.Е., Элстон М.Ж. Гранд Журй Ла анд Пратие. 2нд Эдитион. Ст. Паул: Тҳомсон Реутерс, 2018.
7. Палфрей Ж., Бойд Д., Сао Д. (2010) Энхнинг чилд сафетй анд онлине технологоис. Финал репорт оф тхе Интернет сафетй. Дурхам, Нортх аролина: аролина Аадемете Пресс.

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ

АННОТАЦИЯ: мақолада терговга қадар текширув босқичида электрон маълумотлар ва рақамли далиллар билан ишлашнинг ҳуқуқий асослари ва амалий муаммолари таҳлил қилинган. 2024 йилда Жиноят-процессуал кодексига киритилган янгиликларнинг аҳамияти баҳоланиб, қонунчилик ва амалиётдаги камчиликлар аниқланган. Шахсий тинтув, ҳодиса жойини кўздан кечириш ва экспертиза тайинлаш жараёнларидаги тизимли муаммолар очиб берилган ҳамда уларни ҳал қилиш учун конкрет таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: рақамли далиллар, электрон маълумотлар, терговга қадар текширув, шахсий тинтув, кўздан кечириш, компьютер-техник экспертиза, ҳеш-сумма, криминалистик нусха, далилларнинг мақбуллиги.

Замонавий жиноятчилик тобора кўпроқ рақамли тусга кириб бормоқда. Бугунги кунда смартфон, компьютер ёки флешка жиноятнинг асосий “гувоҳи”га айланган. Мессенжердаги ёзишмалар, геолокация маълумотлари, банк транзакциялари – буларнинг барчаси жиноятни фош этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бироқ, бундай маълумотлар ўта “мўрт” бўлиб, уларни сониялар ичида ўчириб юбориш, шифрлаш ёки масофадан йўқ қилиш мумкин¹.

Терговга қадар текширув босқичи рақамли далиллар билан ишлашнинг энг биринчи ва ҳал қилувчи нуқтасидир. Суриштирувчи ва терговчилар ўртасида ўтказилган сўровномада респондентларнинг 41 фоизи терговга қадар текширув босқичида муҳим электрон маълумотларнинг айнан процессуал ҳаракатлар кечикканлиги сабабли йўқотилган ёки ўзгартирилган деб ҳисоблашини билдирган². Бу кўрсаткич электрон маълумотларни тезкор ва қонуний тўплаш муаммосининг қанчалик долзарблигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув институти 2017 йилда жорий этилган бўлиб³, унинг асосий мақсади жиноят ишини кўзга-тиш ёки рад этиш учун етарли асосларни аниқлашдан иборат. Дастлаб, ушбу босқичда ваколатли органларнинг ҳаракатлар доираси чекланган эди. ЖПКнинг 329-моддасига кўра, фақатгина ҳужжатлар ва тушунтиришлар талаб қилиб олиш, ҳодиса жойини кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш каби бир нечта процессуал ва тергов ҳаракатларига рухсат берилган эди⁴.

2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сонли Қонун билан Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгаришлар рақамли далиллар билан ишлашда туб бурилиш ясади⁵. ЖПКнинг 320²-моддасида эндиликда “электрон маълумотларни мустаҳкамлаш” вазифаси аниқ белгиланди. Энг муҳими, кодексга “Электрон маълумотлар” (204¹-модда), “Рақамли далиллар” (204²-модда) ва уларни ихтиёрий тақдим этиш тартибини белгилловчи 201¹-модда каби янги нормалар киритилди⁶.

ЖПКнинг 329-моддаси терговга қадар текширув босқичида амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатлар доирасини аниқ чегаралайди. Улар орасида, айниқса, ЖПК 162-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш нормаси ўта муҳим ва

мунозарали хусусиятга эга. Афсуски, амалиётда ушбу процессуал ҳаракатнинг чегаралари сунъий равишда кенгайтирилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судида қўрилган ишда бу муаммо яққол намоён бўлди. Фуқаро Ш.В. ўзининг Ойбек маҳалласи ҳудудидаги иш офисида ушланган ва унинг чўнтагидан смартфон олиб қўйилган. Кейинчалик ходимлар офисдаги шкафни очиб, у ерда турган “Acer” русумли ноутбукни ҳам олиб қўйишган. Суд ноутбукни олиш ҳаракатини ноқонуний деб топиб, уни ашёвий далиллар сафидан чиқарган, чунки ноутбук шахснинг чўнтагида ёки унинг ёнида эмас, балки офис шкафида бўлган⁷.

Ўтказилган сўровномада терговга қадар текширувни амалга оширувчи ходимларнинг 80 фоизи “олиб қўйиш-ни мустақил тергов ҳаракати сифатида ўтказганман” дея жавоб берган⁸. Бу – амалиётчиларнинг мутлақо аксарияти қонунни четлаб ўтиб, процессуал жиҳатдан далилларни нотўғри тўплаётганини билдиради.

Рақамли далиллар билан боғлиқ вазият янада аянчли. “Электрон қурилмаларни олиб қўйишда мутахассис жалб қиласизми?” деган саволга респондентларнинг атиги 12,5 фоизи “доимо”, 22,5 фоизи “баъзан”, 65 фоизи эса “жалб қилмайман” деб жавоб берган⁹. Мутахассис иштироки йўқлигида электрон қурилмани нотўғри ўчириш тезкор хотирадаги муҳим маълумотларнинг йўқолишига олиб келади.

Ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш тергов ҳаракати рақамли далиллар билан ишлашда янги қийинчиликларни келтириб чиқарди. ЖПКнинг 137-моддаси анъанавий физик макон учун яратилган бўлса, бугунги кунда жиноятларнинг аксари виртуал маконда содир этилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани суди томонидан кўриб чиқилган ишда фуқаро Ф.Б. “Telegram” мессенжеридagi ёпиқ каналга жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи видеоматериалларни жойлаштирган. Терговчи виртуал маконни анъанавий “ҳодиса жойи” деб баҳолаб, моддий объектлар учун мўлжалланган тергов ҳаракатини ўтказган¹⁰. Бироқ ЖПКнинг 137-моддасининг 4-қисмида “олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади” деган аниқ талаб мавжуд. Telegram каналдаги рақамли маълумотни қандай қилиб “ўраш ва муҳрлаш” мумкин?

Юнусобод тумани судида кўрилган бошқа бир ишда тезкор вакил фуқароларнинг смартфонларини олиб, иловаларни мажбуран очган ва ички хотираларини кўздан кечирган¹¹. Бу ҳаракат кўздан кечириш эмас, балки ноқонуний тинтув ҳисобланади, чунки кўздан кечириш ихтиёрийликка асосланган тергов ҳаракатидир. Натижада олинган барча маълумотлар номақбул далил деб топилиши керак.

ЖПКнинг 22-боби экспертизага бағишланган бўлсада, рақамли далиллар учун жиддий бўшлиқларга эга. 2024 йил 21 ноябрда ЖПКнинг 175-моддасига киритилган ўзгартиришга кўра, “ахборот тизимларида сақланаётган электрон маълумотлар” экспертизанинг мустақил объекти сифатида эътироф этилди¹². Бироқ бу ислохот электрон маълумотнинг “асл нусхаси” ёки “аутентик кўчирмаси” тушунчасининг мавҳумлиги муаммосини ҳал этмади.

Миробод тумани судида кўрилган ишда терговчи “iPhone 12 Pro” смартфонидан 127 та фотосурат ва 34 та видеофайлни махсус криминалистик воситаларсиз, оддий USB-кабель орқали кўчириб олган. Файлларнинг ноёб рақамли имзоси (хеш-суммаси) ҳисобга олинмаган, метамәълумотлар ўзгартирилган ва телефон хотирасидан тўлиқ форензик нусха олинмаган. Суд 2025 йил 15 мартдаги ажрими билан ушбу рақамли далилларни “процессуал тартиб бузиб олинган ва ҳақиқийлиги тасдиқланмаган” деб топиб, уларни номақбул деб ҳисоблаган¹³.

Самарқанд шаҳар судида кўрилган бошқа ишда эксперт ноутбукни ёқиб, Windows операцион тизимига кириб, файлларни очиб кўрган. Натижада барча файлларнинг “охирги кириш вақти” ўзгарган, компьютер интернетга уланиб, булутли хизматлар синхронизацияланган ва IP-манзил маълумотлари алмашган. Суд эксперт ҳаракатлари натижасида электрон маълумотларнинг дастлабки ҳолати қайта тикланмас даражада ўзгартирилган деб, экспертиза хулосасини ишдан чиқариб ташлаган¹⁴.

ЖПКнинг амалдаги 141-моддаси моддий олам объектлари учун ишлаб чиқилган. Моддада “топилган барча нарсалар санаб ўтилади” дейилади. Терговчи “компьютердан 1 дона видеофайл олинди” деб ёзиши мумкин, бироқ бу ёзув мутлақо номақбулдир. Файлнинг ҳажми, яратилган вақти, формати, хеш-суммаси каби уни идентификация қилиш имконини берувчи белгилари қаерда? Далил қандай усулда олинди – оддий нусха кўчирилди ёки криминалистик нусха олинди?

Модда “қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда” кўздан кечириш ўтказилганини қайд этишни талаб қилади. Бу талаб хорижий давлатда жойлашган сервердаги веб-сайтни кўздан кечираётган терговчи учун абсурд эшитилади. Виртуал макон учун муҳим параметрлар бошқа: қайси IP-манзилдан уланилди, қайси дастур ишлатилди, қурилма Фарадей қопига солиндими.

Жиноят-процессуал кодексининг терговга қадар текширув босқичига оид нормалари рақамли далилларнинг нозик ва ўзгарувчан хусусиятига мос эмас. Қонунчилик ва амалиёт ходимлари электрон қурилмаларни оддий

ашёвий далил сифатида қабул қилиб, уларнинг ўчирилиши, ўзгартирилиши ва масофадан йўқ қилиниши мумкин бўлган хусусиятлари инобатга олинмаяпти.

Муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

Биринчидан, ЖПКни янги 137¹-модда “Электрон ахборот тизимлари ва виртуал маконни кўздан кечириш” билан тўлдириш зарур. Бунда IP-манзил, хеш-сумма, видеоёзув ва мутахассис иштироки мажбурий қилиб белгиланиши керак.

Иккинчидан, ЖПКнинг 141-моддасини электрон маълумотлар учун рақамли из (хеш-сумма), файл ҳажми, формати ва олиниш усулини кўрсатиш талаби билан тўлдириш лозим.

Учинчидан, ЖПКни янги 175¹-модда “Электрон далилларни экспертиза учун тайёрлаш ва тақдим этиш тартиби” билан тўлдириш шарт. Бунда асл маълумотнинг форензик нусхасини олиш, write-blocker ишлатиш ва chain of custody талабларига риоя қилиш мажбурий бўлиши керак.

Тўртинчидан, терговга қадар текширув органлари ходимларини рақамли далиллар билан ишлаш бўйича махсус тайёрлаш ва уларга зарур техник воситалар билан таъминлаш зарур.

Фақат комплекс ёндашув – қонунчиликни такомиллаштириш, кадрларни тайёрлаш ва техник таъминот – орқали терговга қадар текширувда рақамли далиллар билан ишлашнинг самарадорлиги ва қонунийлигини таъминлаш мумкин. Акс ҳолда, процессуал хатоликлар сабабли муҳим далиллар судда номақбул деб топилаверади ва жиноят содир этган шахслар жавобгарликдан қутулиб қолади.

Сарваржон УРАЛОВ,

ИИБ Академияси марказ бош илмий ходими.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1995. – № 2. – 5-модда. [Электрон манба]. – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, Lex.uz. – URL: <https://lex.uz/docs/111460>
2. Ўтказилган сўровнома натижаси бўйича хулоса.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сонли Қонуни // ЎР ҚХТ, 2017 й., 36-сон, 943-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 329-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сонли Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.11.2024 й., 03/24/1003/0943-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 204¹, 204², 201¹-моддалари (2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сонли Қонунга асосан киритилган).
7. Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди архивидаги 1-1002-2404/324-сонли жиноят иши.
8. Ўтказилган сўровнома натижаси бўйича хулоса.
9. Ўша манба.
10. Жиноят иши ишлари бўйича Яккасарой тумани жиноят суди архивидаги 1-1008-2306/668-сонли жиноят иши.
11. Жиноят иши №481023/294756. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани жиноят ишлари бўйича суди архиви.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сонли Қонуни тахририда – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.11.2024 й., 03/24/1003/0943-сон.
13. Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди архивидаги 1-587/2024-сонли жиноят иши.
14. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди архивидаги 1-412/2024-сонли жиноят иши.

СУВ МАНБАЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сув ресурсларини муҳофаза қилишга оид ваколатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий муаммолари таҳлил қилинади.

Таянч сўз ва иборалар: сув ресурслари, Сув кодекси, Орол денгизи, сув қонунчилиги, экологик сиёсат, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сувни ҳуқуқий муҳофаза қилишга оид ваколатлари.

Жаҳонда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экология соҳасидаги вазифалари, жумладан сув ресурсларини муҳофаза қилишдаги роли ошиб бормоқда.

Бу борада, Президент Ш.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юбилей анжумани 80 сессиясидаги маърузасида экологик муаммоларни ҳал қилиш юзасидан қуйидаги фикрларни илгари сурган эди: “Орол денгизи қуришининг салбий оқибатлари жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат марказида бўлиши лозим. Биз Оролбўйи экотизимини қайта тиклаш бўйича ишларни изчил давом эттиряпмиз. Сўнгги йилларда денгизнинг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда шўрга чидамли чўл ўсимликлари экилди. 2030 йилгача ушбу ҳудуднинг 80 фоиз қисмида яшил қопламалар ҳосил қилинади”¹.

Бу эса мавжуд экологик муаммоларни нафақат маҳаллий даражада, балки, халқаро миқёсда ҳал қилинишида амалий қадамлар ташланаётганлигини, бунда ҳар бир ташкилотнинг, жумладан маҳаллаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш долзарб эканлиги кўриниб турибди.

Шу нуқтаи назардан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича вазифалари тегишли шаҳарча, овул, қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда улар таркибидаги, шунингдек шаҳарлардаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги жисмоний ва юридик шахслар томонидан экологияга таъсир кўрсатишида ҳамда бундай ҳолатда маҳалла тузилмаларининг тегишли ваколатли идораларга ўз экологик ҳуқуқларини тиклаш ёки бузилишининг олдини олиш ёхуд баргараф этиш борасида тақдирномалар билан қилинган муносабатларида, маҳалла тузилмаларининг ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудудда жамоат экологик назорати, жамоат экологик мониторинги ва жамоат экологик экспертизаси ўтказилишида кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддаси 5-қисмида “Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради”, деб белгилаб қўйилган².

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 31-мақсадида “Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш” масалалари қайд қилинган³.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш масалаларига оид кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилган⁴.

Тегисли ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишларига юксак баҳо берган ҳолда, шуни айтиш керакки, улар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сувга оид экологик-ҳуқуқий ваколатларига умумий тарзда ўз нуқтаи назарларини ифодалаганлар. Аммо, улар маҳалла тузилмалари экологик ваколатларининг сув ресурсларига доир ҳуқуқий муаммоларини махсус тадқиқ этмаганлар.

Шунинг учун атроф муҳитни хусусан, сувни муҳофаза қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини таҳлил қилиш, уни амалга оширишда вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2025 йил 30 июлда қабул қилинган янги қонунчилик – Ўзбекистон Республикаси Сув кодексининг 5-моддасига кўра, фуқароларнинг ўзини

ўзи бошқариш органлари сувга оид ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади⁵.

Бироқ, кодексда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сувга оид ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатидаги ўрни ва ваколатлари атрофича баён этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 2-боби 11-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари келтирилган⁶. Жумладан, атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашиш, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш бўйича тадбирлар ўтказиш, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширади.

Ушбу нормадан келиб чиқиб, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сувни муҳофаза қилишга оид ҳуқуқий ваколатлари амалга оширилишини ҳуқуқий таъминлаш зарур.

Бундан ташқари, бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳам сув ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилишга оид қоидалар белгиланган. Мазкур ҳужжатлар сувга оид ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишда муҳим асос ҳисобланади⁷.

Ушбу қонунчилик ҳужжатларида сув ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилишга доир нормалар мустаҳкамланган бўлиб, бунда нафақат давлат идораларининг, балки, нодавлат, жамоат ташкилотлари, хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сувни ифлослантиришнинг олдини олиш, ундан оқилонга фойдаланиш талабларининг акс этганлиги белгиланган мақсадларга мос эканлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сувга оид экологик қонун ҳужжатларидаги ваколатларни амалга ошириш механизмларини таҳлил ва тадқиқ қилиш, жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилган сувни муҳофаза қилишга қаратилган ваколатларни амалга оширишга кўмаклашиш мамлакатимиз экологик сиёсатини янада ривожлантиришга ҳисса қўшади, деб ўйлаймиз.

Жамшид СУВАНКУЛОВ,

*Жиззах давлат педагогика университети доценти,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://president.uz/uz/lists/view/8525>
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т. “Ўзбекистон”, 2023 йил, 32-бет.
3. www.lex.uz
4. Жураев Ю.О. Вопросы право собственности на природные ресурсы в Узбекистане // Экономика и право. – 2000. - №3.Б. 12-18, Holmo'minov J.T.Suvdan foydalanish va muhofaza qilishga oid qonunchilikni takomillashtirishning ayrim masalalari. // Юрист ахборотномаси-Вестник юриста-Law yer herald. №3 (2021) Б.20-30, Eshonqulova L.P. Qishloq xo'jaligida fuqarolarning suvdan foydalanish hukuqi: Yuridik fan. nomz. ... diss. avtoref.- Toshkent, 1997. 21 str. Абрамов В.В. Договорное регулирование водопользования в Российской Федерации: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2019. – С.22.; Z.Shofiyev. O'zbekiston Respublikasida fermer xo'jaliklarining suv resurslaridan foydalanishini huquqiy tartibga solish muammolari. Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori diss... - T. TDYU. 2023 y.
5. <https://lex.uz/docs/7655343>
6. www.lex.uz
7. www.lex.uz

РАҚАМЛИ БОЗОРЛАРДА РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАШ: ХИТОЙ ВА ЕИ АМАЛИЁТИ МИСОЛИДА

АННОТАЦИЯ: мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида рақобат ҳуқуқининг замонавий трансформацияси, айниқса рақамли платформалар фаолиятида устун мавқени суиистеъмол қилиш масалалари Хитой ва Европа Иттифоқи амалиёти мисолида таҳлил қилинган. Хитой Халқ Республикасининг "Alibaba Group Holding Ltd." иши ва Европа Комиссиясининг "Google Shopping" ҳамда "Apple App Store Commission" ишлари рақамли бозорлардаги янги турдаги рақобатбузарликларни аниқлаш ва баҳолашнинг илмий-ҳуқуқий мезонларини шакллантирган прецедентлар сифатида кўрсатилган.

Калит сўзлар: рақамли бозорлар (*digital markets*), устун мавқени суиистеъмол қилиш (*abuse of dominant position*), маълумотлар қудрати (*data power*), алгоритмик устунлик (*algorithmic dominance*), бозор эшиги кўриқчиси (*gatekeeper*), ўз хизматини афзал қўиш (*self-preferencing*), рақобат ҳуқуқини рақамлаштириш (*digital competition law*).

2021 йилда Хитой Халқ Республикасининг Бозорни тартибга солиш бўйича давлат маъмурияти (State Administration for Market Regulation – SAMR) томонидан кўриб чиқилган "Alibaba Group Holding Ltd." иши рақамли бозорларда устун мавқени суиистеъмол қилиш билан боғлиқ илк йирик ҳуқуқий прецедент сифатида Хитой ўз амалиётида монополияга қарши янги босқични бошлаб берди¹.

Мазкур ишнинг ҳуқуқий моҳияти шунда ифодаланадики, Alibaba Group Holding Ltd. ўзининг "Tmall" ва "Taobao" электрон савдо платформалари орқали ишловчи контрагентларига рақобатчи онлайн майдонлар (жумладан JD.com, Pinduoduo ва бошқалар) билан ҳамкорлик қилмасликни талаб қилган, яъни уларни фақат ўз платформаси билан шартнома тузишга мажбурлаган. Бундай мажбурлов "бирини танлаш" ("choose one from two") сиёсати орқали амалга оширилган бўлиб, рақобатни чеклаш ва бозор муҳитининг эркинлигини бузишга қаратилган хатти-ҳаракат сифатида тавсифланди. Рақобат қоидаларини бузган субъект сифатида "Alibaba" ўз ҳамкорларига нисбатан турли чеклов чораларини, яъни молиявий жарималар, рекламаларини қисқартириш, маҳсулотни қидирув натижаларидан паст ўринларга тушириш ёки ҳисобни вақтинча блоклаш каби санкцияларни қўллаган.

SAMR органи томонидан 2015-2019 йиллар давомида компания фаолиятининг тўлиқ иқтисодий ва техник таҳлили ўтказилди. Тергов натижаларига кўра, Alibaba Хитойдаги онлайн чакана савдо бозоридида 70-80 фоиз бозор улушига эга бўлиб, бу унга нарх, хизмат шартлари ва бозор қоидалари устидан мустақил назорат ўрнатиш имкониятини берган. Шундай қилиб, компания устун мавқеини ҳақиқий иқтисодий жиҳатдан ҳам, технологик жиҳатдан ҳам тасдиқловчи омиллар мавжудлиги аниқланди².

SAMR устун мавқени аниқлашда аъёнавий иқтисодий мезонлардан (бозор улуши, нарх сиёсати) ташқари, илғор таҳлил модели бўлган "data-driven competition test" усулини қўлади. Бу таҳлил компаниянинг маълумотлар оқими устидан назорат даражаси, фойдаланувчи трафики, платформаларга боғлиқлик кўлами, алгоритмлар орқали тавсия тизимларини бошқариш салоҳияти ва тармоқ таъсири каби кўрсаткичлар асосида амалга оширилди. Суриштирув натижасида Alibaba рақобатни чеклаш мақсадида маълумотлар базаси орқали фойдаланувчиларни маълум платформаларга боғлаб қўйгани, рақиб платформаларга тегишли маълумотларни алгоритмлар ёрдамида чеклагани ҳамда бозорга кириш имкониятларини сунъий равишда қийинлаштиргани исботланди.

Бундан ташқари, SAMR "Tmall" платформаси фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан икки томонлама бозор (two-sided market) моделида баҳолади³. Бу ҳолатда платформа бир вақтнинг ўзидида ҳам истеъмолчилар, ҳам сотувчи субъектлар учун хизмат кўрсатувчи иқтисодий муҳит сифатида ҳаракат қилган. Натижада компания маълумотларнинг марказ-

лашган оқими орқали бозор иштирокчилари фаолияти ҳақидаги тўлиқ ахборотга эга бўлиб, рақобатчилар стратегияларига таъсир кўрсатиш ва ўз маҳсулотларини афзал ҳолда тақдим этиш имкониятини қўлга киритган. Суриштирув жараёнида Ўз маҳсулотини (хизматини) устун қўиш (*self-preferencing*) амалиёти яъни компаниянинг ўз маҳсулотларини рақобатчи маҳсулотлардан устун жойлаштириши исботланди.

SAMRнинг якуний хулосасига кўра, "Alibaba"нинг мазкур хатти-ҳаракатлари Хитой Халқ Республикасининг 2008 йилдаги Монополияга қарши қонуни (Anti-Monopoly Law, AML)нинг 17-моддасида назарда тутилган устун мавқени суиистеъмол қилиш шаклларида тўлиқ мувофиқ келади. Ушбу моддага мувофиқ, устун мавқегга эга субъект ўз контрагентларини фақат ўзи билан ёки у кўрсатган шахслар билан фаолият юритишга мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас, агар бундай чекловлар иқтисодий ёки технологик асосга эга бўлмаса SAMR ушбу амалиётни рақобатни чекловчи, бозор барқарорлигига ва истеъмолчилар манфаатларига зарар етказувчи хатти-ҳаракат сифатида квалификация қилди.

Суриштирув натижалари асосида Alibaba Group Holding Ltd. компаниясига 18,2 миллиард юань (тахминан 2,4 миллиард евро) миқдорида жарима қўлланилди. Бу Хитой тарихидаги энг йирик монополияга қарши санкцияси ҳисобланади. Қарорда компанияга рақобат муҳитини тиклаш, сотувчилар ва фойдаланувчилар учун тенг иқтисодий имкониятлар яратиш, ички алгоритмлар ва тавсия тизимларини шаффофлаштириш мажбурияти юклатилди.

Шундай қилиб, илмий жиҳатдан бу иш қуйидаги муҳим хулосаларни илгари сурди:

биринчидан, рақобатни баҳолашда аъёнавий иқтисодий кўрсаткичлар етарли эмаслиги исботланди. SAMRнинг таҳлил моделида маълумотлар оқими ва алгоритм назорати иқтисодий кучнинг янги кўриниши сифатида тан олинди. Бу рақобат ҳуқуқида "data power" категориясининг амалда илк қўлланилиши ҳисобланади.

иккинчидан, *self-preferencing* амалиёти яъни платформа ўз маҳсулотини рақиблардан афзал қўиши инсофсиз рақобат хатти-ҳаракат сифатида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бу ҳолат рақамли бозорларда алгоритмлар орқали манипуляцияни аъёнавий "ҳокимий ваколатни суиистеъмол қилиш"нинг янги шакли сифатида тан олишни таъминлади.

учинчидан, ишда "two-sided market" модели, яъни икки томонлама бозор ҳуқуқий жиҳатдан тан олинди. Бу назарияга кўра, рақамли платформа фақат маҳсулот сотувчиси эмас, балки истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасида воситачи тизим сифатида ҳаракат қилади. Шунинг учун унинг маълумотлар устидан назорати рақобатга бевосита таъсир кўрсатувчи омилга айланади.

Европа Комиссиясининг "Google Shopping" иши рақамли бозорларда устун мавқени суиистеъмол қилишга оид илк ва энг

муҳим ҳукуқий прецедентлардан бири сифатида Европа монополияга қарши амалиёти тарихий из қолдирди. Мазкур иш рақобат ҳукуқи соҳасида алгоритмлар орқали бозор манипуляциясини ҳукуқий баҳолашга доир янги босқични бошлаб берди ҳамда “алгоритм асосида ўз хизматларини устун жойлаштириш” тушунчасини Европа қонунчилиги амалиётига киритди⁴.

Ишнинг моҳияти шундаки, “Google” ўзининг қидирув тизими орқали фойдаланувчиларни махсулот ва хизматларни таққослаш учун мўлжалланган ички сервис “Google Shopping”га йўналтирган. Бир вақтнинг ўзида рақобатчи агрегатор платформалар (жумладан Kelkoo, Foundem, Idealo ва бошқалар)нинг саҳифалари қидирув натижаларининг пастки қисмига силжитилган ёки умуман кўрсатилмаган. Бундай йўл билан “Google” ўзининг алгоритмик тизими орқали натижаларни сунъий равишда тартибга солиб, фойдаланувчиларнинг ҳақиқий танлов имкониятини чеклаган ҳамда рақобатчи хизматлар учун бозорга кириш шaroитларини ноқонуний равишда ёмонлаштирган.

Европа Комиссияси 2010 йилда мазкур ҳаракатлар бўйича суриштирув бошлаган ва етти йил давомида “Google”нинг қидирув тизими фаолиятини чуқур иқтисодий ҳамда алгоритмик таҳлилдан ўтказган. Тергов натижасида аниқланишича, “Google” Европа қидирув бозорида 90 фоиздан ортиқ бозор улушига эга бўлиб, фойдаланувчи трафики ва маълумотлар оқими устидан деярли монопол назоратни амалга оширган⁵. Бу ҳолат компаниянинг рақамли экотизимдаги устун мавқеини тасдиқлаб, унга бозор натижаларини алгоритмлар орқали бошқариш имкониятини яратган.

Комиссиянинг техник таҳлиллари жараёнида “Google”нинг қидирув натижаларини шакллантирувчи алгоритмларида махсус “self-preferencing mechanism”, яъни ўз махсулотини афзал қўйиш механизми мавжудлиги аниқланган. Унга кўра, “Google”нинг ўзига тегишли “Shopping” хизматидаги махсулотлар ҳамда реклама блоклари қидирув натижаларининг юқори қисмида автоматик равишда афзал жойлаштирилган, рақобатчи агрегатор платформалар эса пастки ўринларга суриб қўйилган. Бундай амалиёт орқали “Google” бозордаги рақобатни чеклаб, фойдаланувчиларни фақат ўз хизматларидан фойдаланишга йўналтирган.

Европа Комиссияси мазкур хатти-ҳаракатларни Европа Иттифоқи фаолияти тўғрисидаги шартнома (Treaty on the Functioning of the European Union (TFEU)нинг 102-моддаси талабларига зид деб топди. Ушбу моддага мувофиқ, бозорда устун мавқега эга субъект ўз мавқеини рақобатни чеклаш ёки бозорнинг табиий ривожланиш жараёнини бузиш мақсадида фойдаланишга ҳақли эмас. Комиссия “Google”нинг хатти-ҳаракатларини анъанавий монополия кўринишидаги иқтисодий суиистеъмол сифатида эмас, балки “алгоритмлар орқали рақобат муҳитини бошқариш” шаклидаги янги турдаги рақобатбузарлик сифатида квалификация қилди.

Суд ҳулосасига кўра, “алгоритмларнинг автоматик ишлаши уларнинг нейтрал эканини англатмайди; аксинча, алгоритмларнинг тузилиши ва устувор қоидалари иқтисодий қарорларнинг таркибий қисми сифатида рақобат муҳитига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши мумкин”.

Натижада, 2017 йил июнь ойида Европа Комиссияси “Google”га нисбатан 2,42 миллиард евро миқдорида жарима белгилади, бу Европа Иттифоқи тарихида рақамли компанияга нисбатан қўлланган энг йирик молиявий санкцияларнинг бири бўлди⁶. Комиссиянинг қароридида “Google”дан ўз қидирув тизимини қайта кўриб чиқиш, рақобатчи агрегаторларга нисбатан тенг шароит яратиш ҳамда қидирув натижалари алгоритмларининг шаффофлигини таъминлаш талаб қилинди.

Ҳукуқий жиҳатдан мазкур иш рақобат ҳукуқи назариясида қуйидаги янги қоидаларни белгилади:

устун мавқега эга субъектнинг ўз махсулотларини рақобатчи махсулотлардан афзал қўйиши рақобатни бузувчи хатти-ҳаракат сифатида ҳукуқий жиҳатдан эътироф этилди;

алгоритмлар орқали бозор натижаларини сунъий бошқариш антимонополия назорати доирасига киритилди;

Маълумотлар қудрати (Data power) ва кириш назоратчиси (Gatekeeper) концепциялари амалиётда илк бор ҳукуқий мазмун билан бойитилди, яъни маълумотлар оқими ва рақамли инфратузилма устидан назорат рақобатдаги асосий куч манбаи сифатида тан олинди.

Илмий нуқтаи назардан, “Google Shopping” иши рақобат ҳукуқининг рақамли иқтисодиёт шароитида трансформацияга учраётганини кўрсатди. Ушбу прецедент рақобатни баҳолашда анъанавий иқтисодий мезонлар нарх, бозор улуши ёки ишлаб чиқариш ҳажмидан фарқли ўларок, алгоритмлар шаффофлиги, маълумотлар устидан назорат ва фойдаланувчи танлов эркинлиги каби янги ҳукуқий категорияларни илгари сурди.

Европа Иттифоқи умумий суди томонидан кўриб чиқилган “Apple App Store Commission Case” рақамли бозорлардаги бозор эшиги кўриқчиси (gatekeeper) концепциясини амалда илк бор ҳукуқий баҳолашга сабаб бўлган прецедент ҳисобланади⁷. Мазкур иш рақамли платформаларнинг тўлов инфратузилмаси ва фойдаланувчи маълумотлари устидан назорат орқали рақобат муҳитини бузиши мумкинлигини намоён этди.

Ишнинг моҳияти шундаки, Швецияда жойлашган “Spotify Technology S.A.” ҳамда бошқа бир қатор рақамли хизмат кўрсатувчи компаниялар Apple Inc. компаниясига қарши Европа Комиссиясига расмий шикоят киритди. Улар “Apple”ни ўзининг мобиль иловалар дўкони “App Store” орқали рақобатчиларга нисбатан ноқонуний афзаллик берганликда ва бозорда устун мавқеини суиистеъмол қилганликда айблади.

Шикоятнинг асосий мазмунига кўра, “Apple” компанияси барча илова ишлаб чиқувчиларни “App Store” орқали тўловларни амалга оширишда фақат “Apple”нинг ички тўлов тизими “In-App Purchase” (IAP) орқали фойдаланишга мажбурлаган. Бу орқали компания ҳар бир тўловдан 30 фоизгача комиссия (Apple tax) ундирган ва ташқи тўлов платформаларидан (мисол учун PayPal, Stripe, Revolut ёки тўғридан-тўғри веб-саҳифалар орқали тўловлар) фойдаланишни қатъиян тақиқлаган.

Бундан ташқари, “Apple” ишлаб чиқарувчиларга ўз иловаларида муқобил тўлов тизимларига ҳавола бериш ёки реклама қилишни ҳам тақиқлаган. Натижада, “Spotify” ва бошқа рақобатчи хизматлар фойдаланувчиларга арзонроқ ёки қулай тўлов йўллари тақдир этиш имкониятидан маҳрум бўлган. Бу ҳолат рақобат муҳитини издан чиқариб, “Apple”нинг “App Store” экотизимида бир томонлама назорат (gatekeeping power) ўрнатишига олиб келган.

Европа Комиссияси 2020 йилда суриштирув бошлаган ва 2023 йилда якуний қарор қабул қилиб, “Apple”нинг хатти-ҳаракатларини Европа Иттифоқи фаолияти тўғрисидаги шартнома (TFEU)нинг 102-моддасида назарда тутилган устун мавқеини суиистеъмол қилиш (abuse of dominant position) шакли сифатида баҳолади. Комиссия “Apple”нинг сиёсати рақобатчи тўлов тизимларини бозордан сиқиб чиқаришга ва фойдаланувчиларнинг иқтисодий танлов эркинлигини чеклашга қаратилган деб ҳулоса қилди⁸.

“Gatekeeper” концепцияси доирасида Комиссия “Apple”нинг “App Store” орқали мобил иловалар экотизимига киришни назорат қилувчи ягона субъект сифатида фаолият юритишини таъкидлади. Бу ҳолатда “Apple” нафақат илова ишлаб чиқувчилар, балки фойдаланувчилар устидан ҳам иккита муҳим соҳада 1) маълумотлар оқими ва 2) тўлов инфратузилмаси устидан иқтисодий назоратни

амалга оширган. Бу эса рақобат муҳитидаги барқарорликка ва бозорнинг очиклигига салбий таъсир кўрсатган.

Натижада, "Apple" компаниясига нисбатан 1,8 миллиард евро миқдорида жарима белгиланди ва у фойдаланувчиларга муқобил тўлов тизимларини таклиф этиш имкониятини очиш, шунингдек, ишлаб чиқувчилар учун App Store қоидаларини қайта кўриб чиқиш мажбурияти юклатилди.

Ҳуқуқий аҳамияти жиҳатидан, мазкур иш рақобат ҳуқуқида қуйидаги илмий ва амалий хулосаларни мустаҳкамлади:

"Gatekeeper" концепцияси илк бор амалда қўлланилиб, рақамли платформаларнинг бозорга киришни назорат қилиш функцияси ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланди;

маълумотлар ва тўлов инфратузилмаси устидан назорат рақобат муҳитига таъсир этувчи мустақил иқтисодий омил сифатида тан олинди;

"anti-steering" сиёсатлар рақобатни чекловчи восита сифатида квалификация қилинди;

Digital Markets Act (DMA) доирасидаги "core platform services" тушунчаси суд амалиётида ҳуқуқий мазмун билан бойитилди.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, Хитой ("Alibaba" иши), Европа Иттифоқи ("Google Shopping" ва "Apple App Store" ишлари) амалиёти шуни кўрсатдики, рақамли бозорлардаги монополия ва суиистеъмол ҳолатларини аниқлаш учун фақат бозор улуши ёки нарх сиёсати асосланган анъанавий усуллар етарли эмас. Шу сабабли, Ўзбекистон рақобат қонунчилигини ҳам рақамли иқтисодиёт реалитига мослаштириш зарурати вужудга келмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 3 июлдаги ЎРҚ-850-сонли "Рақобат тўғрисида"ги қонунида рақамли бозорларга оид алоҳида ҳуқуқий боб ажратиш лозим. Хитой ва Европа тажрибаси кўрсатганидек, рақамли бозорларда рақобатни баҳолашда нарх, бозор улуши ёки ишлаб чиқариш ҳажми каби анъанавий мезонлар етарли эмас. Шунинг учун қонунга "алгоритмлар орқали рақобатни чеклаш", "фойдаланувчи трафики устидан назорат", "маълумотлар асимметрияси" каби илғор категорияларни аниқ белгилаш зарур. Бу ўзгариш рақамли платформалардаги янги турдаги рақобатбузарликларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш имкониятини яратди.

Иккинчидан, қонунчиликка "Маълумотлар қудрати" (data power) ва "Бозор эшиги кўриқчиси" (gatekeeper) тушунчаларини киритиш мақсадга мувофиқ. Европа Иттифоқининг "Digital Markets Act" (DMA, 2022) ва Хитойнинг Монополияга қарши қонуни (AML) ушбу тушунчаларни рақобатни таъминлашнинг асосий ҳуқуқий категориялари сифатида эътироф этган. Ўзбекистонда ҳам маълумотлар оқими устидан назорат рақобатдаги асосий иқтисодий куч сифатида белгиланиши лозим. Шунингдек, "gatekeeper" сифатида фаолият юритувчи платформалар учун маълумотлар шаффофлиги, алгоритмларни очиклаш ва фойдаланувчи танлов эркинлигини кафолатлаш бўйича махсус масъулият стандартлари белгиланиши керак.

Учинчидан, "self-preferencing" ва "anti-steering" қоидаларини юридик жиҳатдан тақиқлаш зарур. "Google" ва "Apple" иши тажрибасида платформаларнинг ўз махсулотларини афзал жойлаштириши ёки ташқи тўлов тизимларига рухсат бермаслиги рақобат муҳитини сунъий равишда бузгани исботланган. Шу сабабли, Ўзбекистон қонунчилигида бундай хатти-ҳаракатлар рақобатни чекловчи амалиёт сифатида квалификация қилиниши ва улар учун ҳуқуқий жавобгарлик чоралари (жарима, лицензияни вақтинча тўхтатиш ва ҳ.к.) белгиланиши керак.

Тўртинчидан, алгоритмлар ва тавсия тизимларининг ҳуқуқий шаффофлик стандартларини жорий этиш лозим. Европа ва Хитой амалиёти алгоритмлар орқали бозорни манипуляция қилиш рақобат муҳитига жиддий салбий таъсир кўрсатишини намоён этди. Шунинг учун рақамли платформалар фойдаланувчи маълумотларини қайта ишлаш, тавсия тизимларини шакллантириш ва реклама жойлаштиришда алгоритмларнинг асосий принципларини ошкор этиш мажбурияти юклатилиши лозим.

Бешинчидан, фойдаланувчиларнинг иқтисодий танлов эркинлигини ҳимоя қилувчи махсус қоида киритилиши лозим. "Apple" ишида кузатилганидек, платформалар фойдаланувчиларни маълум хизмат ёки тўлов тизимига мажбурлаши рақобатни бузиш билан бирга истеъмолчи ҳуқуқларини ҳам чеклайди. Шунинг учун қонунчиликда рақамли бозорларда фойдаланувчи танловини сунъий чеклаш ҳар қандай шаклда тақиқланиши шарт.

Олтинчидан, йирик рақамли битимларни баҳолашда "stop-the-clock" механизмининг жорий этиш зарур. Хитой амалиётида бу усул йирик рақамли корпорацияларнинг бирлашиши ёки активларни сотиб олиши натижасида рақобат муҳитига келтирилиши мумкин бўлган зарарни олдиндан баҳолаш ва зарур ҳолда битимни вақтинча тўхтатиш имконини берган. Монополияга қарши курашиш қўмитасига шундай ваколат бериш рақобатнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Еттинчидан, рақобатни таъминлашда маълумотлар шаффофлигини ошириш ва маълумотлардан адолатли фойдаланиш тамойилини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур. Маълумотлар иқтисодиёти шароитида рақобат субъектлари ва давлат органлари ўртасида маълумот алмашинувининг ҳуқуқий механизмларини яратиш рақобатнинг очик ва тенг асосларда амал қилишини кафолатлайди.

Авволбек МАМАДАЛИЕВ,

*Одил судлов академияси мустақил изланувчиси,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. State Administration for Market Regulation (SAMR). Administrative Penalty Decision against Alibaba Group Holding Limited for Abuse of Dominant Market Position. Beijing, 10 April 2021. (Published by: SAMR Official Website — <https://www.samr.gov.cn>). Zhang, Angela Huyue. The Alibaba Case and the Future of China's Antitrust Enforcement in Digital Markets. *Journal of Antitrust Enforcement*, Vol. 10, No. 3 (2022), pp. 475-499.
2. State Administration for Market Regulation (SAMR). Administrative Penalty Decision against Alibaba Group Holding Limited for Abuse of Dominant Market Position. Beijing, 10 April 2021. https://www.samr.gov.cn/xw/zj/202104/t20210410_328128.html
3. Zhang, Angela Huyue. The Alibaba Case and the Future of China's Antitrust Enforcement in Digital Markets. *Journal of Antitrust Enforcement*, Vol. 10, No. 3 (2022), pp. 475-499. DOI: <https://doi.org/10.1093/jaenfo/jnac008>. Liu, Han; Zhao, Jing. Reassessing Market Dominance in China's Digital Economy: Lessons from the Alibaba Antitrust Case. *Asian Journal of Law and Society*, Vol. 9, Issue 2 (2022), pp. 250-273. Cambridge University Press. DOI: <https://doi.org/10.1017/als.2022.17>
4. European Commission (EC). Case AT.39740 — Google Search (Shopping): Commission Decision of 27 June 2017. Brussels: European Commission, 2017. https://ec.europa.eu/competition/antitrust/cases/dec_docs/39740/39740_14998_3.pdf
5. General Court of the European Union. Case T-612/17 — Google and Alphabet v. European Commission, Judgment of 10 November 2021. (ECLI:EU:T:2021:763). <https://curia.europa.eu/juris/document/document.jsf?docid=249945>
6. Peepkorn, Luc. The Google Search (Shopping) Decision: Self-Preferencing and Its Implications for Competition Law. *Competition Law Journal*, Vol. 17, No. 4 (2018), pp. 245-263. Graef, Inge & Clifford, Damian. Algorithmic Bias and Market Power: Lessons from the Google Shopping Case. *Common Market Law Review*, Vol. 58, No. 3 (2021), pp. 891-922.
7. Cr  mer, Jacques; de Montjoye, Yves-Alexandre; Schweitzer, Heike (2024). Gatekeepers and Platform Power: Legal Assessment of the Apple App Store Decision. *European Competition Journal*, Vol. 20, No. 2 (2024), pp. 135-162.
8. Schweitzer, Heike & Peitz, Martin (2024). The Apple App Store Case and the Enforcement of the Gatekeeper Regime under the Digital Markets Act. *Journal of European Competition Law & Practice (JECLAP)*, Vol. 15, Issue 4 (2024), pp. 221-235.

МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИГА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларининг шаффофлиги, ҳисобдорлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида маъмурий органлар фаолиятига блокчейн технологияларини жорий этиш имкониятлари кўриб чиқилади. Мулк реестрлари, лицензиялаш, тендерлар ва ижтимоий тўловлар каби асосий қўллаш йўналишлари, шунингдек, маълумотларнинг ишончилиги ва хавфсизлигини жорий этишнинг ҳуқуқий ва техник жиҳатлари батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: давлат хизматлари, шаффофлик, мулк реестрлари, тендерлар, блокчейн.

Сўнги ўн йилликларда рақамлаштириш фуқароларнинг давлат идораларидан кутаётган талабларини тубдан ўзгартирди: хизматлар тез, шаффоф ва ҳисобдор бўлиши керак. Шу билан бирга, рақамли маълумотлар ҳажмининг ошиши ва жараёнларнинг автоматлаштирилиши ҳар доим ҳам давлат органларига бўлган ишончининг кучайишига олиб келавермайди. Қўғоз архивлар ўрнини электрон базалар эгаллаган бўлса-да, сохталаштиришлар, ношаффоф қарорлар ва узоқ давом этадиган маъмурий тартиб-қоидалар муаммолари ҳали ҳам мавжуд. Бундай шароитда тақсимланган реестр технологиялари, айниқса блокчейн ва ақлли шартномалар, маъмурий жараёнларнинг ишончилиги, барқарорлиги ва самарадорлигини оширишнинг истиқболли воситаси сифатида тобора кўпроқ эътиборни тортмоқда.

Блокчейн маълумотларни кейинчалик ўзгартириш мушкул бўлган тартибда ёзиб боришни таъминлайди ва реестрни юритиш масъулиятини бир неча ишончли иштирокчилар ўртасида тақсимлаш имконини беради. Бу маъмурий органлар учун тубдан янги имкониятларни очади: реестрлар (кўчмас мулк, лицензиялар, иш файллари) учун ягона “сохталаштириб бўлмайдиган” ҳақиқат манбасини яратиш, ўз-ўзини амалга оширадиган ақлли шартномалар орқали назоратни автоматлаштириш, давлат харидларининг шаффофлигини таъминлаш ва бюджет тўловларини кузатиб бориш. Бироқ, технологиянинг барча жозибадорлигига қарамай, уни амалда қўллаш ҳуқуқий, техник ва ижтимоий чекловлар билан боғлиқ.

Блокчейн давлат бошқарувида шаффофлик ва ҳисобдорликни оширишнинг самарали воситасига айланиши мумкин, бироқ бу фақат малакали лойиҳалаш, натижаларнинг қонуний тан олинishi ва барча манфаатдор томонлар иштирокида босқичма-босқич синовдан ўтказилиши шарти билангина амалга ошади. Шубҳасиз, қайси жараёнларни тақсимланган реестрга ўтказиш мақсадга мувофиқлигини, хатарларни қандай камайтириш мумкинлигини ва муваффақиятли амалга ошириш учун қандай амалий қадамлар зарурлигини дастлабки аниқлаш ниҳоятда муҳим жараёнлардир.

Блокчейн технологияси тақсимланган рақамли рўйхат бўлиб, унда маълумотлар бир-бирига криптографик тарзда боғланган кетма-кет блоklar кўринишида ёзилади. Ҳар бир ёзув тармоқ иштирокчилари томонидан тасдиқланиб, амалда ўзгартириб бўлмайдиган ҳолатга келади. Бу маълумотларни сохталаштириш имкониятини бартараф этади ва марказлашган воситачига эҳтиёж туғдирмаган ҳолда томонлар ўртасида юқори даражадаги ишончни шакллантиради.

Маъмурий органлар учун блокчейннинг асосий қиймати учта хусусиятда мужассам: шаффофлик, ўзгармаслик ва маълумотлар келиб чиқишининг ишончилиги. Тизимдаги барча ҳаракатлар қайд этилади ва текширилиши мумкин, бу эса қарор қабул қилиш жараёнини янада очиқ ва ҳисобдор қилади.

Блокчейнларнинг бир неча тури мавжуд. Оммавий тармоқлар (масалан, Bitcoin, Ethereum) барчага очиқ бўлса-да, назорат имконияти йўқлиги ва махфийлик муаммолари туфайли давлат бошқаруви учун тўғри келмайди. Давлат вазифалари учун фақат ишончли иштирокчилар - вазирликлар, идоралар ёки аккредитациядан ўтган ташкилотларгина кира оладиган ёпиқ (рухсатнома асосидаги) ёки консорциум тармоқлари қўлланилади. Бундай тузилма бошқарувчанлик, хавфсизлик ва юридик жавобгарликни таъминлайди. Блокчейн, шунингдек, муайян шартларни автоматик тарзда бажарадиган дастурлар - ақлли шартномаларни ҳам қўллаб-қувватлайди. Масалан, барча ҳужжатлар текширилиб, имзолангач, тизим лицензияни ўз-ўзидан рўйхатдан ўтказиши мумкин. Бу инсон омилини камайтиради ва маъмурий жараёнларни тезлаштиради. Бироқ, ақлли шартномалар қатъий текширувни талаб этади, чунки коддаги хато ҳуқуқий муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Қонунчиликка риоя этиш мақсадида гибрид архитектура қўлланилади: маълумотларнинг ўзи ташқи ҳимояланган маълумотлар базаларида сақланади, блокчейнда эса фақат уларнинг криптографик излари (хешлари) жойлаштирилади. Бундай ёндашув далилларнинг ўзгармаслигини таъминлайди, ammo махфийликни бузмайдиган тарзда амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, блокчейн технологиясини маъмурий органлар фаолиятига жорий этиш, асосан, шаффофлик, ишончлилик ва маълумотларни сохталаштириш имконияти бўлмаган соҳаларда ўз ўрнини топмоқда. Тижорат секторидан фарқли ўларок, бу ерда асосий эътибор операциялар тезлигига эмас, балки ишонч ва ҳисобдорликни таъминлашга қаратилади.

Энг истиқболли йўналишлардан бири мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, яъни давлат мулки - ер участкалари, транспорт воситалари реестрларини юритишда, лицензиялаш ва рухсат бериш фаолиятини амалга ошириш учун блокчейн технологиясидан фойдаланишдир. Ҳуқуқлар тўғрисидаги маълумотларни ўзгартириб бўлмайдиган реестрга киритиш ҳужжатларни сохталаштириш ҳолатларининг олдини олади ва ҳуқуқий текширувларни тезлаштиради. Мисол учун, кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказишда тизим барча тегишли ҳужжатларнинг хешларини қайд этиб, уларнинг ҳақиқийлигини зудлик билан тасдиқлайди.

Ушбу технология лицензиялаш ва рухсат бериш фаолиятида катта салоҳиятга эга. Ақлли шартномалар ариза берувчининг белгиланган талабларга мувофиқлигини автоматик тарзда текшириши ва натижани воситачилар иштирокисиз қайд этиши мумкин. Бу муддатларни қисқартиради, коррупция хавфини камайтиради ва рухсатнома бериш жараёнини барча иштирокчилар учун шаффоф қилади.

Электрон ҳужжат айланиши ва архивда сақлаш ишлари ҳам муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Блокчейн технологияси ҳужжатнинг ҳар бир версиясини вақт белгиси билан қайд этиш ва ўзгаришларнинг ҳақиқийлиги ҳамда кетма-кетлигини исботлаш имконини беради. Бу эса давлат архивларида маълумотларни узоқ муддат хавфсиз сақлаш ва яхлитлигини назорат қилиш учун асос яратади.

Давлат харидлари соҳасидаги тақсимланган реестр аризалар, баённомалар ва тендер натижаларини рўйхатга олишда қўлланилиши мумкин. Жараённинг барча босқичлари шаффоф ва яширин ўзгаришлардан ҳимояланган бўлади. Бу бизнеснинг давлат харидларига бўлган ишончини оширади ва текширув жараёнини осонлаштиради.

Маъмурий органлар фаолиятига блокчейнни самарали жорий этиш аниқ ҳуқуқий ва ахлоқий асосиз мумкин эмас. Асосий вазифа – тақсимланган реестрдаги ёзувларнинг юридик кучини таъминлаш ва уларнинг маъмурий ҳамда суд жараёнларида расмий тан олинишини кафолатлашдир. Бунинг учун давлат қонунчилида рақамли ёзувлар, ақлли шартномалар ва электрон имзоларнинг ҳуқуқий мақомини аъёновий ҳужжатларга тенглаштириб мустаҳкамлаш лозим. Бу маълумотларнинг ишончли ва ҳуқуқий жиҳатдан шаффоф айланишига замин яратади.

Блокчейннинг ахлоқий жиҳати давлат ва фуқаролар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашдан иборат. Амалиётларнинг шаффофлиги, қарорларни текшириш имконияти ва инсон оминининг чекланиши маъмурий тартиб-таомилларнинг адолатлигини оширади. Шу билан бирга, технология давлат хизматларидан тенг фойдаланишни таъминлайди ва камситиш ёки субъектив таъсир эҳтимолини камайтиради.

Дарҳақиқат, блокчейн нафақат замонавий ҳуқуқий талабларга жавоб беради, балки уларнинг ривожланишига ҳам ҳисса қўшади. Уни жорий этиш давлат бошқарувида очиқлик ва масъулиятнинг янги даражасини шакллантиради. Бу ерда ҳуқуқий аниқлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш технологик ишончлилик ҳамда жамиятга хизмат қилишнинг ахлоқий тамойиллари билан уйғунлашади.

Давлат сектори учун энг мақбул модель рухсат этилган блокчейн ҳисобланади. Унда фақат ваколатли органлар ва аккредитациядан ўтган ташкилотлар тармоқ иштирокчилари сифатида қатнашади. Бундай архитектура шаффофлик ва назоратни уйғунлаштиради, масъулиятнинг аниқ тақсимланишини ва ахборотдан фойдаланишни бошқаришни таъминлайди. Инфратузилманинг асосий элементлари идоравий маълумотларни қайта ишлаш марказларида жойлашган ва ўзаро синхронлаштирилган тармоқ тугунларидир. Ҳар бир ёзув бир нечта иштирокчи томонидан тасдиқланади, бу эса сохталаштириш имкониятини истисно қилади. Барча операциялар рақамли калитлар билан имзоланади, бу эса транзакцияларнинг ҳуқуқий ишончлигини кафолатлайди.

Мослашувчанликни таъминлаш учун маълумотларни сақлашнинг гибрид архитектурасидан фойдаланилади: махфий маълумотлар ички ҳимояланган маълумотлар базаларида сақланади, блокчейнда эса ҳешлар ва хизмат метамасъулотлари қайд этилади. Бу махфийлик талабларига риоя қилиш ва айна пайтда барча ҳаракатларнинг далилларини сақлаш имконини беради.

Давлат платформалари – электрон ҳукумат тизимлари, реестрлар ва хизматлар порталлари билан интеграцияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, API ва ҳимояланган шлюзлар орқали блокчейн идоралар ўртасидаги боғловчи бўғинга айла-

ниб, маълумотлар алмашинувининг ягона форматини таъминлайди ва ёзувларнинг такрорланишини бартараф этади. Техник хавфсизлик кўп даражали шифрлаш, ақлли шартномалар кодини мунтазам текшириш ва роль сиёсати орқали киришни назорат қилиш билан таъминланади. Тармоқдаги барча янгиланишлар ва ўзгаришлар қайд этилади, бу эса тизимни олдиндан башорат қилинадиган ва носозликларга чидамли қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, блокчейнни жорий этишнинг ҳуқуқий ва ахлоқий асослари муҳим аҳамиятга эга. Ёзувлар, ақлли шартномалар ва рақамли имзоларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, шунингдек, тармоқ иштирокчиларининг ролларини расмийлаштириш тизимнинг барқарор ва шаффоф ишлашига замин яратади.

Маълумотларни сақлашнинг гибрид архитектураси шахсий маълумотларнинг шаффофлиги ва ҳимояси ўртасидаги мувозанатни таъминлайди, бу эса замонавий қонунчилик талаблари ва халқаро амалиётга мос келади.

Маъмурий инфратузилмада блокчейнни техник жиҳатдан амалга ошириш пухта лойиҳалаштиришни, мавжуд АТ тизимлари билан интеграцияни, ишончли шифрлаш ва калитларни бошқариш усулларида фойдаланишни, шунингдек, мунтазам аудитни талаб этади. Ушбу чора-тадбирлар тизимнинг барқарорлиги, хавфсизлиги ва узоқ муддатли ишончлигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, блокчейн нафақат мавжуд жараёнларни такомиллаштирадиган, балки ишонч, текширувчанлик ва масъулиятга асосланган янги бошқарув маданиятини шакллантирадиган воситага айланади. Унинг жорий этилиши замонавий, шаффоф ва технологик жиҳатдан тайёрланган давлат бошқарувига йўл очади, бунда фуқаролар сифатли маъмурий хизматлардан тез ва олдиндан айтиб бўладиган тарзда фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Жаҳонгир МИРЗАЕВ,

Тошкент давлат юридик университети

2-босқич талабаси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. OECD – "Blockchain technology and its use in the public sector" (2018) – отчёт, в котором рассматривается применение блокчейна в публичном секторе: идеи, тенденции, кейсы. https://www.oecd.org/content/dam/oecd/en/publications/reports/2018/06/blockchains-unchained_fcdb568f/3c32c429-en.pdf?utm_source=chatgpt.com
2. JRC (Joint Research Centre – European Commission) – "Blockchain for Digital Governments" – обзор решений правительства, исследования текущих развившихся проектов. https://interoperable-europe.ec.europa.eu/sites/default/files/document/2019-04/JRC115049%20Blockchain%20for%20digital%20government.pdf?utm_source=chatgpt.com
3. Brookings Institution – Статья: "Governments are turning to blockchain for public good – here's how" – анализ возможностей blockchain для публичных благ и административных функций. https://www.brookings.edu/articles/governments-are-turning-to-blockchain-for-public-good-heres-how/?utm_source=chatgpt.com
4. U4 Anti-Corruption Resource Centre – Доклад: "Blockchain as an anti-corruption tool" – исследование, как технология может применяться в закупках и контроле. https://www.u4.no/publications/are-blockchain-technologies-efficient-in-combating-corruption.pdf?utm_source=chatgpt.com
5. Научная статья: "Blockchain for Public Services: A Systematic Literature Review" – исследование, которое систематически рассматривает применение блокчейна в публичных сервисах (администрация, соцслужбы) и выделяет ключевые эффекты и риски. https://www.researchgate.net/publication/348772184_Blockchain_for_Public_Services_A_Systematic_Literature_Review?utm_source=chatgpt.com
6. Кейс-стади: Georgia (Грузия) – внедрение блокчейна в систему регистрации земельных прав: "Integration of the blockchain technology into the land registration system – a case study of Georgia". https://www.researchgate.net/publication/333390208_integration_of_the_blockchain_technology_into_the_land_registration_system_a_case_study_of_georgia?utm_source=chatgpt.com
7. Кейс-стади: перистрация прав на недвижимость и регистрационные системы: "The Land Registry in the blockchain" – обзор международных примеров, включая эстонские, грузинские практики. https://icait.org/pdf/Blockchain_Landregistry_Report.pdf?utm_source=chatgpt.com

“ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА ПРИЗНАНИЯ СДЕЛОК НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ В НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЕ ПРАВА”

АННОТАЦИЯ: в данной статье рассматриваются теоретические и практические аспекты признания сделок недействительными. Основной целью является выявить правовую сущность недействительных сделок, определить критерии их квалификации как ничтожных или оспоримых, а также проанализировать судебную практику.

Ключевые слова: Недействительные сделки, ничтожные сделки, оспоримые сделки, гражданское право, Гражданский кодекс, правовые основания, пороки воли, квалификация сделок.

ANNOTATION: the article examines the theoretical and practical aspects of the recognition of transactions as invalid under the civil law. The aim is to identify the legal nature of invalid transactions, define the criteria for classifying them as void or voidable.

Keywords: Invalid transactions, void transactions, voidable transactions, civil law, Civil Code, legal grounds, defects of will, transaction qualification.

Институт недействительности сделок занимает ключевое место в системе гражданско-правового регулирования в каждой стране, поскольку обеспечивает правовую защиту участников гражданского оборота от неправомерных, притворных и порочных соглашений. В условиях динамично развивающейся рыночной экономики, где заключение гражданско-правовых договоров является основным способом реализации имущественных прав и обязанностей, стабильность и предсказуемость сделок приобретают первостепенное значение.

Обращая внимание на исторический обзор развития института недействительности сделок, нужно обратить внимание на правовое регулирование недействительных сделок в советский период, так как оно имело свою специфику, обусловленную централизованным характером управления, доминированием государственной собственности и идеологическим контролем над частноправовыми отношениями. Основным источником гражданского права на территории Узбекской ССР в этот период выступал Гражданский кодекс УзССР, принятый в 1964 году (действовавший до 1997 года).

Институт недействительности сделок был представлен в главе 3 ГК УзССР и содержал положения, во многом заимствованные из Основ гражданского законодательства СССР и союзных республик 1961 года. Ключевыми основаниями для признания сделок недействительными были: противоречие закону или интересам государства; совершение сделки недееспособным лицом; отсутствие воли или искажение воли (обман, насилие, заблуждение); несоблюдение установленной формы сделки; фиктивность или притворность соглашения.

В частности, статья 30 ГК УзССР предусматривала, что “сделка, совершённая с целью, заведомо противной интересам государства и общества, является недействительной”. Такая формулировка отражала идеологическую направленность советского права: защита интересов государства имела приоритет над частными интересами граждан и юридических лиц.

Недействительные сделки делились на: ничтожные, которые считались недействительными с момен-

та заключения и не требовали судебного признания; и оспоримые, которые подлежали признанию недействительными по решению суда по заявлению заинтересованной стороны.

